

саломатлик
кутубхонаси
Александра Лазук

соғлом
КҮЗДАР
учун 36 ва
яна 6 жонда



МАЖБУРИЙ
НУСХА



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2015

617.7-кўз касалликлари

684

УЎК: 65.89

КБК: 56.7

С-84

Соғлом кўзлар учун 36 ва яна 6 қоида / Александра Лазук.
Таржимон: М. Рихсибекова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015.
– 128 б.

ISBN 978-9943-27-559-1

Кўз инсон танасидаги энг нозик аъзо. Дунё гўзалликларини кўриш, завқланиш учун уни ҳам ўзига хос парваришлаш зарур. Бунда кўзга зарурий озуқаларнинг этиб келиши учун овқатланиш тартибига риоя қилиш, шу билан бирга маҳсус машқларни бажариш, уқалаш ишларини олиб бориш ва ҳатто ванналар ташкил этиш талаб этилади. Мазкур китобда кўз билан боғлиқ ҳамма масалалар қамраб олинган – кўзнинг қайси касалликларида қандай табиий усусларни қўллаш, кейинчалик муаммолар юзага келмаслиги учун нималар қилиш кераклиги батафсил ёритилган. Мутахассисларнинг тавсия ва маслаҳатлари жамланиб, ўзига хос бир бутунликни пайдо қилганки, ҳар бир кўрсатма алоҳида-алоҳида 1,2, ... ва ҳоказо қоидалар билан тушунтириб борилади. Ҳар бир бўлим сўнгида муаллиф кўз саломатлигини асраш қанчалар мұхимлигини ва кўришда бирон ўзгариш сезилган заҳоти дарҳол шифокорга учрашишни қайта-қайта таъкидлайди.

Китоб ўзини ўзи даволашга чақирмайди, балки кўз аъзоси, кўз касалликлари, уларнинг пайдо бўлиши ҳақида маълумотлар беради.

УЎК: 65.89

КБК: 56.7

32057
N1 2g1

Таржимон:
Мұҳәйё Рихсибекова

Тақризчи:

Абдукарим Усмонхўжаев

табибиёт фанлари номзоди,
психотерапевт, «Турон» фанлари

номидаги академиясининг академиги

O'zbekiston MK

ISBN 978-9943-27-559-1

© Нашрга тайёрловчи М. Рихсибекова. «Соғлом кўзлар учун 36 ва яна 6 қоида», «Янги аср авлоди». 2015 йил.

МУНДАРИЖА

Сүзбоши ўрнида.....	5
Кўзлар ёки назария ҳақида қисқача.....	7
1-қоида. Кўз учун озуқа.....	8
2-қоида. Кўз гимнастикасини бажаринг.....	12
3-қоида. Кўз учун йога машқи.....	16
4-қоида. Бемалол киприк қоқаверинг	24
5-қоида. Китоб мутолаасидан завқланинг	26
6-қоида. Бошни тўғри ушлаш муҳим	28
7-қоида. Фойдали ва зарурий ёруғлик	29
8-қоида. Кўзга қулай бўлиши учун	31
9-қоида. «Куриган кўзлар» муаммосини ҳал этиб	32
10-қоида. Кўз учун суртма ва томчилар, улардан фойдаланиш	40
11-қоида. Махсус буюртмали кўзойнаклар	42
12-қоида. «Кўриш қобилияти»ни очиш тамойиллари	44
13-қоида. Мониторни ўрнатиш сирлари	45
14-қоида. Ишчи ёруғлик.....	46
15-қоида. Қоматни назорат қилиш	47
16-қоида. Кўзни қамаштирадиган шуълаларни йўқотиб..	49
17-қоида. Иш жараёнида энг муҳими танаффус	50
18-қоида. Телевизор – кўриш қобилиятининг хавфли душмани	51
19-қоида. Телевизор ва бола	54
20-қоида. Компьютерга оид тавсиялар ёки кўзни ‘андай қилиб толиқтирмаслик ҳақида	58
21-қоида. Ҳонтакт линзалар. Муҳимини ёддан чиқарманг	60
22-қоида. Контакт линзалардан фойдаланишга оид тавсиялар	62
23-қоида. Контакт линзалар. Ҳислардан кўз юмманг	65
24-қоида. Бўёқлардан кўшинг	67
25-қоида. Кўз учун фойдали косметика.....	71
26-қоида. Кўзойнак тақсан аёл: пардоз нозикликлари	73
27-қоида. Контакт линзалар ва пардоз воситалари	74
28-қоида. Ёш билан боғлиқ макуляр дегенерациядан сақланиш	75

29-қоида. Диабетик ретинопатиядан сақланиш	78
30-қоида. Түр пардани қаватланишдан сақлаш	80
31-қоида. Күз томирларини нобуд бўлишдан сақлаш	81
32-қоида. Глаукомадан сақланиш	82
33-қоида. Амблиопиядан сақланиш	85
34-қоида. Увеитдан сақланиш	89
35-қоида. Катарактадан сақланиш	91
36-қоида. Кўзи ожизлиқдан сақланиш	94
37-қоида. Кўзни сифатли ва мунтазам текширитиш	96
38-қоида. Янги кўзойнаклар соғлиқ учун фойдали	108
39-қоида. Яқинни яхши кўра олмаслик қарилек аломати эмас	110
40-қоида. Қуёшдан ҳимоя қиласидиган кўзойнаклар фойдалими ёки шунчаки урф?	115
41-қоида. Руҳиятингизни асранг!	119
42-қоида. Кўзингиз соғлигини асранг, қўл силтаманг	122
Хотима	126

СҮЗБОШИ ЎРНИДА

Сабзи кўз учун, шубҳасиз, фойдали.

*Қуённинг кўзойнак таққанини
ҳеч кўрганмисиз?*

А. Грефе

Муҳтарам ўқувчилар!

Биз юқори технологиялар ривожи ва ахборотлар оқими шиддатли кечаётган бир пайтда табиат инъом этган буюк тухфани сақлай билишни ўрганишимиз лозим. Инсонга ато этилган кўриш қобилиятини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Кўз эса ана шу жараённи амалга оширадиган энг ноёб ва ўта нозик аъзодир. Биз ўқиймиз, ёзамиз, компьютер қархисида ўтириб ишлаймиз, телевизор кўрамиз, саёҳат қиламиз, бошқа мамлакатлар ва уларнинг маданиятини таниймиз. Инсон идроки ва кўзи қамраб олиши мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам билишга ҳаракат қиламиз. Ана шу хусусиятимиз оддий нарсаларни мураккаблаштиради. Мураккаб нарса қачон оддий бўлган деб савол берсангиз, ҳақсиз. Келинг, шу ўринда фикрларимизни ойдинлаштирасак, масалан, бугунги даврни мураккаб дейлик. Тўғри, ҳар бир даврнинг ўзига хос ва мос қийин, англаш мушкул бўлган жиҳатлари мавжуд. Учинчи мингийиллик бошида яшаётган кишилик жамиятимизда кўпгина йўналишдаги билимлар жамланган. Ота-оналаримиздан, аждодларимиздан олган, ўрганган билимларимиз ривожланиши ва фойдаланилиши билан бирга, ўзимиз ҳам уларни чукурлаштирганмиз, такомиллаштирганмиз. Демак, қачонлардир оддий усул бўлган тадбирлар йиллар даво-

6 Соғлом күзлар учун 36 ва яна 6 қоида

мида қайта ишланиб, мураккаблик тусини олган. Мазкур китобга кирган бир қанча халқона даво усуллари, муолажа турлари ҳам аввалига содда кўринган. Бугун эса кўпчиликнинг сезган талаб ва эҳтиёжига кўра бу усуллар жамланиб, такомиллаштирилиб, сиз китобхонларга тақдим этиляпти. Кўз ҳақидаги билимларингиз бойигач, уни даволашнинг, турли кўз касалликларининг олдини олишда халқона усулларни билгач, организм учун фойдали табиат неъматларини етиштирган ҳолда ўз билганингизча даволанмайсиз, ноўрин антибиотиклар қабул қилмайсиз деган умиддамиз.

КҮЗЛАР ЁКИ НАЗАРИЯ ХАҚИДА ҚИСҚАЧА

Күзни авайлаш, күриш қобилиятини сақлаш ҳақида фикр юритишдан олдин унинг қандай аъзо эканлиги, қандай қилиб кўришимиз тўғрисида тўхталсак.

Кўз шаффоф ва шаффоф бўлмаган қисмларга бўлинади. Шаффоф қисмларга шох парда, кўз гавҳари ва шишиасимон танача киради. Бу шаффоф муҳит орқали ёруғлик нури кўз ичига киради ва кўз пардага тушади. Кўз пардаси жуда кўп миқдордаги сезувчан ҳужайралардан иборат. Бу ҳужайралар ёруғлик ва тасвирини қабул қиласди, кейин визуал инфомацияни мияга нерв импульслари шаклида юборади.

Шаффоф шох парда орқали биз рангли ёки кўзниң рангдор пардаси (кўз рангини белгиловчи парда)ни кўришимиз мумкин, рангдор парда индивидуал ҳодиса бўлиб, ҳаммада ҳар хил бўлади. Кўзниң рангдор пардаси марказида тешик – қорачик бор, қорачик худди фотоаппаратдагидек диаграмма ролини ўйнайди. Ўлчами эса кўзниң рангдор пардасида жойлашган мушакларга боғлиқ бўлади. Рангдор парда ортида кўз гавҳари жойлашган. Кўз гавҳари биз кўришимиз керак бўлган нарса-буюмлар тасвирини «синдиради». Бу синдириш кучини цилиар деб аталадиган маҳсус мушак бошқаради.

Шох парда атрофида биз оқ пардани кўрамиз, у кўзниң оқ пардаси дейилади. У юпқа тиник, шаффоф – конъюнктив парда билан бутунлай қопланган. Оқ пар-

8 Соғлом күзлар учун 36 ва яна 6 қоида дада күплаб томирлар жойлашган. Шиллиқ парда күз-нинг оқ пардасини ёпиш билан бирга қовоқларни ички томондан ҳам беркитиб туради.

Шох парда, күзнинг рангдор пардаси, шунингдек, рангдор парда ва күз гавҳари ўртасида бўшлиқ бўлиб, у ерда маҳсус тиник намлик мавжуд. Күз гавҳари ортида эса катта бўшлиқ бор, у гелга ўхшаш модда, яъни шишасимон таначалар билан тўлган.

1-қоида КҮЗ УЧУН ОЗУҚА

Тўғри овқатланиш ва соғлик учун керакли бўлган миқдордаги фойдали озуқаларни истеъмол қилиш – кўриш қобилияти пасайишига қарши курашишнинг энг осон ва муҳим усули. Витамин ва микроэлементларга бой маҳсулотлар нафақат кўриш ўткирлигини оширади, балки кўпгина күз касалликларининг олдини олади ҳам. Тўғри овқатланиш барча соҳа мутахассисларидан бутун ҳаётимиз давомида эшитган шунчаки сўзлар эмас. Бу қайта-қайта такрорланса ҳам, шунчалик оддийлигидан соғ пайтида ҳеч ким амал қилмайдиган маслаҳатдир. Фикримга қўшилаверинг, биронтамиз жиддий касалликка чалингандан кейингина, қандай қилсан шикастланган аъзоимизни соғломлаштирас эканмиз, деб шошиб қоламиз. Демак, энг оддийсидан бошлаймиз:

Кўп-кўп сабзи енг! Бу сабзвотни қайнатилганини ҳам, хомини ҳам истеъмол қилаверинг. Унда кўп миқдорда бета-каротин бўлиб, күз пардасига, нерв сигналарига тушадиган ёруғлик синишига ёрдам беради. Келинг, сиздаги каротин моддаси етарлими ёки йўқ, буни оддий тест ёрдамида аниқлайлик. Оқ қоғоздан қирқиб олинган доирани қора рангли қоғоз устига кўйинг. 30 сония давомида чалғимасдан қоғозга қаранг, кейин нигоҳингизни бошқа ерга ўтказинг. Доғ кўриш майдонида жуда қисқа вақт давомида қолиши, кейин йўқолиши керак.

Доғ қанча кўп жойни эгалласа, қанча кўп вақт турса, сизга каротин, яъни А витамини шунча етишмаётган бўлади.

Сабзи, салат барги, кўк нўхат, қовун, помидор, пиёз, творог, жигар кабилар А витаминига бой бўлади. Сабзи шарбатини истаганча ичиш мумкин, аммо йилда икки марта дори сифатида мунтазам ичиш мақсадга мувофиқ. Бир ой давомида ҳар куни эрталаб 1 стакан сабзи шарбати ичилади. Дарвоҳе, сабзи шарбати асаб тизимини мустаҳкамлайди ва бутун организмни тетиклаштиради. Агар захиралаб қўйган сабзингиз сўлиб қолган бўлса, шарбат чиқаришга ярамаса, у ҳолда ташлаб юборишга шошилманг, сабзини қайнатиб сувини ичинг. Шунингдек, сабзили шўрвалар тайёрланг. Димланган сабзи, сабзили салат, сабзи шарбатини қаймоқ ёки ўсимлик ёғи билан истеъмол қилган маъқул. Чунки А витамини фақат ёғда эрийди.

Кўз учун А витамини билан бирга С, Е витаминлари, рух, селен каби микроэлементлар ҳам жуда муҳим. Витамин сабзавотларда, дуккаклиларда, кўкатларда мавжуд. С витамини эса наъматакда, смородинада, тузланган карамда, цитрус меваларида мўл-кўл. Бу маҳсулотларни кундалик рационга киритишида маблағингизни аяманг. Ахир соғлиғингизни ўша жамғариб қўйган пулингизга сотиб ололмайсиз! Наъматак дамламасини ичинг, аскорбин кислотаси наъматакдаги бошқа ҳамма моддаларга етакчилик қилади. Дамламани ҳар куни ичиш томирларнинг мустаҳкамлигини ва эластиклигини таъминлайди. Узоқни яхши кўрмайдиганларга дўлана жуда фойдали. У аскорбин кислотасига ва каротинга бой. Дўлана меваларини куритинг, ун қилиб туйинг. Асал билан аралаштиринг-да, мураббо ўрнида истеъмол қилаверинг. Қуритилган дўлана ва баргларини дамлаб чой ўрнида ичган яхши. Кундалик таомномангизга дўлана, наъматак дамламасини, черника морсини, киселини, кўк чойни киритинг.

Яна бир ўсимлик борки, ундан кўпинча овқат пишираётгандан фойдаланамиз, бу – петрушка. Петрушка аскорбин кислотасига бойлиги жиҳатидан кўпгина мева ва сабзавотларни ортда қолдиради. 100 грамм янги петрушкада инсон организми учун керакли С витамиининг тахминан икки суткалик миқдори мавжуд, бу лимондан тўрт марта кўп дегани. Петрушкада, шунингдек, жуда кўп миқдорда каротин сақланади, петрушкани сабзидан деярли қолишмайди дейиш мумкин. Тасаввур қилинг, бир боғ петрушкада А витамиининг инсон учун зарур бўлган икки суткалик миқдори бор-а!

Петрушка В₁, В₂, шунингдек, калий тузлари, магний, темир ва фермент моддаларига бой. Бундан ташқари, петрушка таркибида инсулин мавжуд. Инсулин глюкоzанинг қондаги алмашинувини тартибга солади. Петрушка шарбати кўпгина кўз касалликларида, айниқса, кўриш нервлари ва кўз гавҳари шикастланганда ёрдам беради (катаректанинг олдини олиши ҳам мумкин). Петрушкадаги каротин ва кўпгина элементлар ҳисобига кўриш ўткирлиги тикланади, қон томирлари мустаҳкамланади. Аммо эҳтиёт бўлинг, петрушка шарбати кучли таъсир қилувчи восита ҳисобланади. Уни бир кунда 30-40 мл дан ортиқ ичib бўлмайди. Бир марталик миқдор бир ош қошиқдан ошмаслиги керак. Бунда шарбат сув ёки бошқа сабзавотлар шарбати билан аралаштирилади. Айниқса, сабзи, петрушка шарбатлари керакли миқдорда аралаштирилса, фойдаси кўпроқ бўлади.

Лавлаги – қонни ва бутун организмни тозалайди ҳамда мустаҳкамлайди. Икки ош қошиқ лавлаги шарбатига сабзи ва петрушка шарбати аралаштирилса, фойдаси яна ҳам ошади.

Сабзавотлар ва мевалар билан бирга биз кўз равшанлиги учун селен, рух каби элементларга бой бўлган озуқа маҳсулотларини ҳам унутмаслигимиз керак.

Селен денгиз ва тош тузларида, мол ва бузоқ буйракларида, жигар ва юрақда, паррандалар тухумида

мавжуд. Балиқ, айниқса, сельд, краб, омар, лангуст, креветка ва кальмар каби денгиз маҳсулотлари ҳам селенга бой саналади. Кокос ҳамда писта бодомда, шунингдек, буғдой кепаги, жӯхори, помидор, қўзиқорин ва саримсоқда кўп микдорда селен сақланади. Шу ўринда қора нон ва йирик тортилган ун маҳсулотлари ҳақида унутмаслик керак.

Рухга келсак, у устрицалар (денгиз моллюскаси)да кўп. Буғдой куртакларида, черника, қовоқ уруғида, сули ёрмасида деярли 10 марта камроқ. Рух ўсимлик ва ҳайвонларда: нўхат, ловия, соя, буғдой, жавдар, арпа, сули, нон-булочка маҳсулотлари, ёрмалар, лавлаги, крижовник, малина, шунингдек, пишлок, мол гўшти, жигар, товуқ тухумида бор.

Черника – кўз касалликларини бартараф этадиган ва даволаш мақсадида фойдаланиладиган машҳур мевалардан бири. Кўзning ҳар қандай касаллигидан кутқаридиган шифобахш восита деганлар бир оз муболага қилишар балки. Унинг таркибига фаол моддалардан актоцианозинлар ва зеаксантинлар киради, бу моддалар тўр пардани турли заарловчи омиллардан сақлайди, узоқни яхши кўролмаслик ва ёш билан боғлиқ ўзгаришларда даволаш хусусиятига эга.

Сизда черника қанча микдорда истеъмол қилинганда ва орадан қанча ўтиб даво хусусиятини намоён қиласди деган савол туғилиши мумкин. Жавобимиз қуйидагича: бир мавсумда 10 стакандан кам бўлмаган микдорда енг, қишга ҳам олиб қўйинг. Черника шакарланган ҳолатда ҳам ўз таркибидаги моддаларни яхши сақлайди. Шакарланган черникани қуйидагича тайёрланг: 1 стакан ғалвирдан ўтказилган ёки блендерда майдалаб олинган мевани 1 стакан шакар билан аралаштиринг. Агар шакарланган черникани музлаткичда сақламоқчи бўлсангиз, шакар микдорини икки баравар камайтиришингиз мумкин. Кўз саломатлиги профилактикаси учун шунинг ўзи етарли. Агар даволаш мақсадида истеъмол

қиладиган бўлсангиз, кўз касаллигидан фориғ бўлиш учун ўн стакан черника кифоя қилмайди, у билан бирга таркибида черника концентратлари бўлган препараторни қабул қилиш ва мунтазам шифокор назоратида бўлиш талаб қилинади.

2-қоида

КЎЗ ГИМНАСТИКАСИНИ БАЖАРИНГ

Бугунги кунда кўпгина ишлар компьютерда бажарилади, бу эса одамлардан компьютер қаршисида белгиланган вақтдан анча кўпроқ ўтиришни талаб қилади. Қолаверса, фойдаланувчиларнинг кўпчилиги хизмат бурчларини адо этиш учун эмас, балки ўз манфаатлари, қизиқишлиари йўлида компьютерда ишлайдилар, масалан, тўқишини ўрганмоқчи бўлган уй бекаси тармоқдаги сайтлар орқали бу ҳунарни бемалол ўзлаштиради. Буни салбий баҳолай олмаймиз, албатта. Лекин биринчи ўринда кўзни эҳтиёт қилиш чораларини ҳам кўриш зарурлигини эслатиб қўямиз, холос. Компьютер қаршисида мониторга тикилиб ишлаганда кўз чарчайди, кўз толиқишининг олдини олишда эса у қадар мураккаб бўлмаган бир қанча машқлар ёрдам беради.

Нафақат компьютер мониторига узоқ қараганда, балки микроскопда майда зарраларни кузатиб, улар сонини аниқлагандан ҳам кўз толиқади. Микроскопда ишлайдиганларнинг кўзи зўриқиши билан бирга организмида ҳам жиддий ўзгаришлар пайдо бўлади, улар гавдани олдинга эгиб, бошни тўғри ушламай, ўта ёруғ ёки ним қоронғи хоналарда ишлашади. Кўз толиқицандан қизаради, оғриқ пайдо бўлади, сўнг ёшланади, қичишиади, худди кўзга қум киргандек ачишади. Қовоқлар эса шишади, қизаради. Бундай зўриқиш кўзнинг кўришига жиддий таъсир қилиши мумкин – кўриш қобилияти па-

саяди, узоқни ва яқинни кўриш учун кўзойнак тақишига эҳтиёж туғилади.

Кўз гимнастикасини кўз учун гигиена деб аташ ҳам мумкин. Қанчалар мантиққа зид бўлмасин, биз инсонлар ахборотнинг 90 фоизини кўз орқали оламиз, бу – ҳақиқат. Кўпчилик кўз парвариши деганда кўзни ювиш керак деган тушунча билан чекланади. Тиш парваришига, қулоқлар ва соchlарни ювишга бизни болалиқдан ўргатишади. Аммо кўз билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлмагунча кўз гимнастикаси ҳақида на ота-оналаримиздан, на шифокорлардан эшитамиз. Кўз учун гимнастика вариантлари жуда кўп. Қолаверса, бир-биридан у қадар фарқ қилмайди, ундаги ҳаракатлар ва ҳолатлар ҳаммага яхши таниш ва машқлар бажарилганда жуда яхши самара беради. Кўз гимнастикаси ёрдамида кўплаб ёқимсиз ҳиссиётлардан қутулиш ҳам мумкин... аммо одамлар эринчоқ-да. Ҳатто ўз соғлигини асраш учун машқларни бажаришга кетадиган атиги 10 дақиқасини қизганишади. Охир-оқибат кўзойнак ёки контакт линзалар тақишига ё бўлмаса, кўз жарроҳлиги амалиётини ўтказишга тўғри келади.

Сабрингиз етганча бир муроса қилиб кўринг, истакларингиз имкониятларингиз билан мос келсин, яъни, кўзларингизнинг яхши кўришига имкон яратиб, яшаш, ишлаш ва завқланиш истакларини бирлаштиринг.

Профессор Э. Аветисов томонидан ишлаб чиқилган усул ҳозирда ҳам энг самарали ҳисобланади. Бу усул ёрдамида минглаб беморлар шифо топган. Кўзнинг кўриш курилмалари профилактикасида ҳам, цилиар мушаклар фаолияти бузилишини даволашда ҳам, узоқни яхши кўролмасликнинг олдини олишда ҳам, касб билан боғлиқ кўз толикишида ҳам Э. Аветисов усули қўлланилган.

Мазкур китобда бу гимнастиканинг асосий тамойилларини тушуниб олишга ва кўриш аҳволини яхшилашга кўмаклашувчи оддий усулни кўрсатамиз. Усул учта машқ грухларидан таркиб топган.

Биринчи гурух (қон ва күз ичи суюқлиги айланишини яхшилаш учун)

1-машқ. Иккала күзингизни 3-5 сонияга юминг, сүнг 3-5 сонияга очинг. Машқни 6-8 марта тақрорланг.

2-машқ. 10-15 сония давомида тез-тез киприк қоқинг, сүнг 7-10 сония тин олинг ва машқни тақрорланг. Машқ 3-4 марта бажарилади.

3-машқ. Иккала күзингизни юминг, ўнг қўл кўрсаткич бармоғингиз билан ўнг кўзни, чап қўл кўрсаткич бармоғингиз билан чап кўзни айлана ҳаракатлар билан 1 дақиқа давомида уқаланг.

4-машқ. Иккала кўзингизни юминг. Ўнг қўл учта бармоғи билан ўнг кўз, чап қўл учта бармоғи билан чап кўз соққасини 1-3 сония давомида енгил босинг. Машқ 3-4 марта тақрорланади.

5-машқ. Ўнг қўл кўрсаткич бармоғи билан ўнг қош суяги терисини, чап қўл кўрсаткич бармоғини чап қош суяги терисига қўйинг ва кўзларингизни юминг. Бунда бармоқлар устки қовоқ ва пешона мушакларига қаршилик қилиши керак. Машқ 6-8 марта тақрорланади.

Иккинчи гурух (кўз мушакларини мустаҳкамлаш учун)

1-машқ. Нигоҳингизни оҳисталик билан аввал полдан шифтга томон, сўнгра аксинча йўналтиринг.

Бунда бош ҳолати ўзгармаслиги керак. Машқ 8-12 марта бажарилади.

2-машқ. Нигоҳингизни секинлик билан ўнгга, чапга ва яна ўнгга, чапга қаратинг. Машқ 8-10 марта тақрорланади.

3-машқ. Нигоҳингизни секинлик билан ўнгга-юқорига, сўнг чапга-пастга ва аксинча йўналишда қаратинг. Шундан сўнг нигоҳингизни бошқа диагонал бўйича

йўналтиринг – чапга-юқорига, ўнгга-пастга ва яна тескари йўналишда давом эттиринг. Машқ 8-10 марта такрорланади.

4-машқ. Кўзингиз билан аввал бир томонга айлана бўйлаб ҳаракат қилинг, сўнг бошқа йўналишда давом эттиринг. Машқ 4-6 марта такрорланади.

Машқларнинг бу гурҳи турган ҳолатда бајарилади.

1-машқ. Иккала кўзингиз билан олдинга

2-3 сония давомида қаранг, сўнг нигоҳингизни бурун рўпарасига 25-30 см масофа узоқликда олиб келган ўнг қўл бармоғингизга қаратинг. 3-5 дақиқадан кейин қўлингизни туширинг. Машқни 10-12 марта такрорланг.

2-машқ. Иккала кўзингиз билан 3-5 сония давомида юзингиз рўпарасига олиб келган чап қўл кўрсаткич бармоғига қаранг, сўнг бармоғингизни иккита кўринмагунча бурун устига секин яқинлаштириб олиб келинг. Машқ 6-8 марта такрорланади.

3-машқ. 3-5 сония давомида иккала кўзингиз билан ўнг қўл кўрсаткич бармоғи учига қаранг, сўнг чап қўл кафти билан чап кўзингизни 3-5 сонияга беркитинг, бу вактда ўнг қўлингиз бармоғини букинг ва ростланг. Сўнг тескарисини бажаринг, ўнг қўл билан ўнг кўзни ёпасиз. Машқ 6-8 марта бажарилади.

4-машқ. Бу машқ ойнада нишонга олиш деб аталади. Дераза ойнасига кўз баландлигида 3-5 мм диаметрли рангли нишонни қўйинг. Сўнг узоқдан нишон орқали ўтадиган нигоҳингизни бирон бир объектга қаратинг. 30-35 см узоқликда туриб ойнадан белгиланган объектга 1-2 сония қаранг, сўнг нигоҳингизни нишонга қаратинг. Нигоҳингизни бир объектга, бир нишонга йўналтирасиз. Қараш давомийлиги биринчи кун 5 дақиқа, қолган кунларда 7 дақиқани ташкил қиласиди. Машқни тизимли

**Учинчи гурӯҳ
(мослашувчанликни
яхшилаш учун)**

равиша оралиқ танаффуслар билан 10-15 кун давомида такрорланғ. Машқни иккита күз билан ҳам, битта күз билан ҳам бажариш мүмкін.

Күз учун гимнастикани мунтазам равиша бир кунда икки мартаңдан бажариш мақсадға мувофиқ. Бунда битта машқнинг ўзини такрорлаш шарт эмас. Уларни навбатма-навбат такрорласа ҳам бўлади. Агар машқни қоидадагидек бажара олмасангиз, қайтаришдан, ўрганишдан эринманг.

Бу машқлар гурӯҳининг ҳар бирини бажариш учун бор-йўғи 5 дақиқа кетади. Фойдаси эса кўзларингиз сизга кўп йиллар давомида бешикаст хизмат қилишига замин ҳозирлайди.

Кўзни уқалаш

Кўзни юмган ҳолда бажариладиган уқалаш машқлари қон айланишига ҳамда нервларга яхши таъсир қилади. Уқалаш деганда кафт билан тебратиш, енгил босиш, уқалаш тушунилади. Кўпинча массажда юмилган кўз қовоғи устида кўрсаткич ва ўрта бармоқ билан 8 шаклини чизиш ҳаракати бажарилади. Кўзнинг ички қуви қисми бармоқлар ёрдамида бурун томонга, сўнг қовоқ томонга ҳаракатлантирилади. Машқ 8-16 марта такрорланади.

3-қоида КЎЗ УЧУН ЙОГА МАШҚИ

Келинг, шу ўринда йогада бажариладиган машқларнинг имкониятларини рад этмайлик. Йога машқларини бажараётib: «Мен йога билан шуғулланяпман» деган фикр хаёлингизга келса, бу бир оз бўрттириш бўлар эди. Гуру Ар Сантэм Йога мактаби 40 йилдан буён ишлар экан, йоглар кўриш қобилиятини сақлайдиган машқлар тизимини ҳамон бажарадилар ва буни бошқаларга ҳам тавсия этадилар.

Кўз гимнастикасини кўз мушакларида толиқиш пайдо бўлгунча бажариш зарурлигини унумтанд, толиқдан кейин эса кўз мушакларини бўшаштирадиган турли машқлар бажарилади.

Кўз машқларида ритм ва амплитуда ўзгариб туради, бу кўз мушакларининг машғулотларга тез ўрганишига ва битта ҳаракат қолипига тушиб қолишига имкон бермайди.

Кўз машқини бажариш учун ёнингизга кўриш қобилиятининг яхшилашни истаган яқинларингизни, дўстларингизни ҳам жамласангиз яхши бўлади. Бу машқларни биргаликда завқ-шавқ билан бажаришга кўмак беради.

- кўзойнаксиз бажариш;
- гимнастикани бир кунда бир марта қилиш етарли;
- самараси уч ой давомида ҳар куни бажарганда кўринади;
- гимнастика машқлари овқатланиб бўлгандан бир соат ўтиб бажарилади;
- ҳеч қаерга шошмаган пайтда, тинч ҳолатда, бутун диққатни жамлаган тарзда бажарилади;
- ҳамма машқлар оҳисталик билан самарасига ишонган ҳолда бажарилади;
- машқлар гиламчада ўтириб ёки ўзига қулай бўлган ҳолатда туриб бажарилади;
- кўз учун гимнастикани бажараётганда онг-шуур қош ўртасидаги чукурчага, ундан ҳам чукурроққа йўналтирилади;
- машқлар бир текис ва тўла нафас олиш билан бажарилади;
- нафас олиш ва нафас чиқариш ўз вақтида, бир хил бўлади;
- машқни бажариш жараёнида нафас олаётганда кўз учун соғлиқни симираётганингизни, қўзларингиз яхши кўра бошлиётганини, касалликлар бартараф бўлаётганини тасаввур қилишингиз керак;

Кўз гимнастикасини бажариш учун умумий шартлар

- 6/102 nomidagi
6415 O'zbekiston MK

- бир құл билан бажариладиган машқларни эркаклар ўнг құл, аёллар чап құл билан бажарадилар. Иккала құл навбатма-навбат ишлатиладиган машқларда эркаклар ўнг құлдан, аёллар эса чап құлдан бошлайдилар;
- құл бармоқларини кузатиш ёки бармоқлар ҳаралати билан боғлиқ машқларда бosh ҳаракатсиз бўлиб, фақат кўзлар ишлайди;
- машқлар ўзлаштирилгандан сўнг 1-3 мартадан қайтарилади. Ҳамма машқлар ўзлаштирилгандан кейин гимнастикани бажаришга кетадиган вақт 30 дақиқадан ошмайди.

Кўз гимнастикаси машқлари умумқабул қилинган машқлардан деярли фарқ қилмайди.

1-машқ. Нафас олиб туриб нигоҳ бурун учига қаратилади, бурун учи ва юзнинг пастки қисми кўринсин; нафас чиқараётганда кўзлар бўшаштирилади.

2-машқ. Нафас олиб туриб нигоҳ қошлар ўртасига ва ундан ҳам чуқурроққа қаратилади; нафас чиқараётганда кўзлар бўшаштирилади.

3-машқ. Ўрта бармоқ бурун устига қўйилади, бosh қўрсаткич бармоқ бирлаштирилади, нигоҳ ўрта бармоққа қаратилади. Нафас олиб туриб секинлик билан бармоқ құл тирсаги тўғрилангунча узоқлаштирилади, нафас чиқараётганда эса яна секинлик билан бурун устига олиб келинади.

Худди шу ҳаракатлар энди бармоқни икки қош ўртасига олиб келиб, узоқлаштирилиб тақрорланади.

4-машқ. Аввалги ҳолат. Кўрсаткич ва ўрта бармоқ (эркаклар учун ўнг, аёллар учун чап құл) ёстиқчаси бosh бармоқ асосига қўйилади, номсиз ва жимжилоқ бирлаштирилади, сўнг бosh бармоқ учи бурунга олиб келинади, бунда жимжилоқ ва номсиз бармоқ юзга тегмайди. Нигоҳ номсиз бармоқ учига қаратилади. Нафас олаётганда секинлик билан құл тирсаги ростлангунча узоқлаштирилади, нафас чиқараётганда аввалги ҳо-

латта қайтилади. Нафас чиқариш охирида құл ўзгартирилади ва машқ ҳаракати бошқа томонга йўналтирилади. Кўз доим номсиз бармоқ учини кузатади. Машқ ҳар бир томонга З мартадан тақрорланади. Қўл орқага, пастга кетиб қолмай тўғри йўналиши учун машқларни деворга суюниб бажарган маъкул.

5-машқ. Аввалги ҳолат. Қўл ҳаракатлари нафас олишга монанд, аввалгидек кўрсаткич ва ўрта бармоқлар учи бош бармоқ асосига қўйилади, номсиз бармоқ ва жимжилоқ бирлаштирилади. Шу тарзда бармоқлар билан ҳавода айлана, вертикал чизиқлар чизилади, кўз доим номсиз бармоқ учини кузатиб турди. Чизилаётган айлана, тўғри чизиқлар катталиги бармоқ учларини кўз қири билан кўриш мумкин бўлган даражада бўлади. Аёллар чап қўл билан, эркаклар ўнг қўл билан ҳаракат бошлайдилар. Нафас олаётганда қўлни бурун учидан юқорига кўтарамиз ва юқорига олиб чиқамиз; нафас чиқараётганда қўлни паст ёнга тушириб, қорин ости томонга ҳаракатлантирамиз. Худди шу ерда қўл алмашинади ва нафас чиқараётганда алмашилган қўл бармоқлари билан пастдан юқорига ҳаракатлантириб, айлананинг қолган ярмини чизамиз. Шунда иккита қўл ҳаракати билан битта катта айлана чизилади. Яъни, ўнг қўл билан айлананинг ярми чизилади, қўл пастига келгандা иккинчи қўл билан «чизиқ илиб» олиниб, қолган ярмини чизиш учун қўл ҳавода юқорига кўтарилади. Ҳавода айлана чизиш ҳаракатлари турли йўналишларда – тўғрида, чап ён томонда, ўнг ён томонда, бош устида ва пастда олиб борилади.

6-машқ. Хона ўртасига турилади. Эркин нафас олиб, кўз билан ўнг ва чап томонларга кескин қаралади. Сўнг полдан шифтга қаралади, кейин айлана бўйлаб қаралади. Ҳаракатлар 1-2 сония давомида юқори амплитудада кескин бажарилади.

7-машқ. Күз ҳаракати нафас олиш билан мутаносиб равища бурун учига қаратилади, сүнг узоққа (юлдузга, узоқдаги оловга) йўналтирилади. Машқни дераза олдида туриб ҳам бажариш мумкин, юлдузни эса хаёлан тасаввур қиласа бўлади.

8-машқ. Девор олдида туриб күз юқори амплитудада айлантирилади.

9-машқ. Хаёлан девор диагоналларга – 4 та учбурчакка бўлинади ва күз шу учбурчаклар ичида «айлантириллади», күз билан деворда чексизлик (∞) белгиси чизилади, сўнг чексизлик горизонтал ва вертикал йўналишларда чизилади.

10-машқ. Күз юмилади ва юқори амплитудада ўнг ва чап томонларга айлантирилади. Ҳар бир машқ 10-20 мартадан такрорланади.

11-машқ. Машқларни булутлар ортига беркинган қуёшга қараб ёки қуёш чиқаётганда, қуёш ботаётганда бажарган маъқул. Унчалик ёрқин бўлмаган чироқга ҳам қараш мумкин. Қуёшга киприк қоқмай 10-40 сония қаралади, сўнг ёруғлик тушмаслиги учун күз кафт билан юмилади (күз соққасини қаттиқ босиб қўйманг). Машқ 3-5 марта такрорланади.

Күз учун ванна

Юз билан хона ҳароратидаги сув тўлдирилган идиш устига энгашилади, күз очилган ҳолатда сувга қаралади, киприк қоқиш мумкин. Нафас олиш бир маромда. Бу машқ ноқулайлик ҳис этгунча давом эттирилади.

Күз учун пальминг

Тўғри ўтиринг, бўшашинг. Кўзни қўлингиз билан ёпинг: ўнг кафт ўртаси ўнг күз марказида, чап қўл кафти чап күз марказида турсин. Бармоқлар пешонада кесишади. Бармоқлар орасида ёруғлик ўтказадиган биронта тирқиши

бўлмаслиги керак. Сўнг қўлларингизни стол устига туширинг.

Муҳими, бўйин ва умуртқа битта тўғри чизикда бўлсин. Синааб кўринг, сизнинг танангиз зўриқмаслиги керак. Қўллар, бўйин, орқа бўшашган бўлиши зарур. Нифас олиш бир маромда.

Кейин сизга ҳузур бағишлайдиган ёқимли бирон нимани эсланг. Машқни мусиқа остида бажарса ҳам бўлади.

Ишда ҳам ўзингизга кичкина танаффус ташкиллаштирган ҳолда шу машқни бажаришингиз мумкин. Атиги 10-15 сонияда кўзларингиз дам олишга улгуради. Бўшашиш учун эса бир неча дақиқа ажратсангиз, яна ҳам яхши бўларди.

Машқни бажариб бўлгандан кейин (айниқса, узоқ вақт бажарган бўлсангиз) кафtingизни оҳиста очинг, юмуқ кўзингиз ёруғликка бир оз ўргангач, кўзингизни очинг.

Контакт линзалар тарихи Леонардо да Винчи суратларидан бошланади. 1508 йилда машҳур рассом «Кўзлар кодекси» номли асарини ёзди. Унда тагига шу сўзлар битилган бир сурат бор: «Сув тўлдирилган ваннacha билан ёпилган кўз». Сурат ёрдамида буюк Леонардо да Винчи кўзга тушаётган ёруғлик нурининг синиши тамойилларини изоҳлаган, ноқулай бўлса ҳам кўриш қобилиятини яхшилайдиган усулни таклиф қилган. Унгача бундай ваннacha моделини ўйлаб топиш кимнинг хаёлига келибди дейсиз? Лекин бу билан Леонардо да Винчини контакт линзалар ихтирочиси деб бўлмайди. У бор-йўғи кўзга тушаётган нурнинг синишига эътибор қаратган, холос. Рассом ўз ишида кўришни қандай қилиб яхшилаш мумкинлиги ҳақидаги масалага тўхталмаган.

1632 йилда Рене Декарт сув тўлдирилган шиша найчани кўзига қўйиб кўрди. Янгилик яратиш ҳаракатида

Контакт линзалар тарихи

қилинган ихтиронинг камчилиги бор эди, албатта, уни қўллаган инсон киприк қоқолмас эди. 1845 йилда инглиз физиги Ж.Гершель ўзининг назарий тадқиқотлари ни эълон қилди. Унда кўз билан алоқада бўладиган оптик тизим ёрдамида мугуз астигматизмини қандай қилиб яхшилаш мумкинлиги асослаб берилди. Демак, контакт линзаларнинг пайдо бўлиши XIX аср охирларига бориб тақалади деб айтиш тўғрироқ бўлади. Т. Лонстен ва А. Сигрист шоҳ парда ўзгарганда кўриш қобилиятини яхшилаш учун Декартнинг найчасига асосланишди. Бу мосламалар кўзойнак бўшлиғидаги суюқлик ёрдамида кўз билан алоқада бўладиган яримниқобли герметик кўзойнак тизимиға ўхшарди. Бу гидроскоплар қалин, нокулай бўлгани сабаб оммалашмади, улардан фойдаланилганда кўз атрофи териси шикастланар эди. Аммо кўришни яхшилашга бўлган эҳтиёж шу қадар кучли эдики, баъзи bemорлар барибир ундан фойдаланишди.

1888 йилда швейцариялик офтальмолог А. Фик «Archiv Gieg Augen Heilkunde» журналида «Контакт кўзойнаклар» мақоласини эълон қилди. Мақолада Фик кўришни контактли яхшилаш борасидаги ўз фаразларини баён қилган. Бу контакт линзалар ҳақидаги ilk маълумот эди. Аввалига Фик майитлар кўзида тажриба қилиб кўрди ва кейингина тирик одамларда синади. Олдин гипсли қуймалар ясади, кейин жигарранг шишадан чиғаноқ шаклидаги дастлабки линзаларни ясаб, ўзининг кўзига жойлаштириди. Унинг ихтироси шуниси билан устун эдики, линза мугузнинг таъсирчан пардасига тегмасди, уни бир неча соат давомида тақиш мумкин бўлди. Фик ўзининг кашфиётини kontaktли кўзойнак деб атади.

Ўша йили француз офтальмологи Е. Калт контакт линзаларга ўхшаш мосламадан кератонус касаллиги билан оғриган bemорларни даволашда фойдаланиш тўғрисидаги фикрларини маълум қилди. Кейинроқ контакт линзаларни тақиб юриш ҳақидаги батафсил маълумотлар 1889 йилда Август Мюллер диссертациясида

эълон қилинди. Мюллер томонидан ишланган контактлы күришни яхшилаш назарияси тажрибаларга асосланди, яғни узоқни яхши күролмагани учун аввал ўзида синаб күрди. Мюллер Фик кашфиётини ҳали билмаган ҳолда күзойнак ясовчи Гиммлер тайёрлаган контакт линзадан фойдаланды. Шунинг учун Август Миллер күришни оптик яхшилаш соҳасида илк кашфиётчилардан ҳисобланади.

Дастлабки контакт линзалар шишадан бўлиб, катта диаметрли ва бир қаватли кўз протезига ўхшарди. Бундай контакт линзаларнинг оптик қисми кўзнинг оқ пардасига тегарди, марказий оптик қисмидаги нур синарди. Линза ости бўшлиқни тўлдириш учун глюкозали ёки физиологик эритмадан фойдаланилди.

Контакт линзалар тараққиёти шу билан тўхтаб қолгани йўқ. 1929 – 1948 йилларда унинг шаклини ўзгартиришга бўлган уринишлар давом этди. И.Дерфи материал сифатида пластмассани таклиф этмагунча линзалар шишадан ясалди. 1937 йилдан бошлаб линзалар американлик офтальмолог В.Файнблу томонидан оқ парда қисми пластмассадан, шох пардаси шишадан ясала бошланди. Сўнг Жон Мюллен ва Теодор Обриг оқ пардали линзалар учун янги хом ашё – полиметилметакрилатдан фойдаланишди. Бу линза ясаш ишини ҳам соддалаштириди, ҳам осонлаштириди. Қолаверса, қалинлиги камайгани боис линзалар анча енгиллашди, уни тақиб юриш қулай бўлди. Орасига суюқлик қўйила-диган тирқиши ҳам жуда кичрайди.

1943 йилга келиб Норман Биэр оқ пардали линзаларни кўз ёшларнинг эркин айланиши учун пармалашни таклиф этди. Чунки кўз ёш линза тагида туриб қолиб, кўзни қоронғилаштирас эди. Шундан сўнг линзалар юқори технологик хусусиятларга эга шишадек тиниқ пластмассадан ишлана бошланди.

Линзалар устида қанча кўп ишланмасин, оқ пардали контакт линзалар бари бир талай камчиликлардан холи эмас эди. Катта ўлчамдаги, оғир линза тақилганда

күзнинг ҳаракатланиши қийинлашди, күз ёши айланмай қолиб, шох пардага кислород етиб келмасди. Буларнинг ҳаммаси линза тақиши имкониятини чеклаб қўйди. 1960 йилларга келиб линзалар полимер материалдан тайёрланди. Линзалар энди юмшоқ шаклга кирди. Доктор М. Дрейфус бундай юмшоқ линзаларни мижозлари қўриш қобилиятини яхшилашда қўллай бошлади. Бугунги кунда линзалар шу қадар ривожланиб кетдики, одамлар ундан кўз рангини ўзгартириш учун фойдаланадиган бўлишди. 1984 йилда CibaVision компанияси дастлабки рангли контакт линзаларни бозорга чиқарди ва линзаларни такомиллаштириш ҳамон давом этмоқда.

4-қоида БЕМАЛОЛ КИПРИК ҚОҚАВЕРИНГ

Киприк қоққанингизда кўзлар намланади ва тозаланади, бу эса тиниқ қўришни таъминлайди. Шунингдек, юз, пешона мушаклари бўшашади, пешонангиз тиришмайди, пешона мушаклари зўриқишини сезмайди. Кўпчилик билиб туриб онгли равишда узоқ очиб туриб кўзни зўриқтиради. Агар сиз кам киприк қоқсангиз, айниқса, контакт линза тақадиган кишиларда кўз қизариб кетади, ачишади.

Киприк қоқиши нима учун шунчалар муҳим? Бу қандай қилиб кўзимизни ҳимоя қилиши мумкин? Энг биринчи сабаблардан бири – кипригимизнинг борлиги учун қовоқларимизни юмамиз! Киприклар кўзга чанг тушмаслигининг олдини олиш учун яратилган. Биз ёмғир остида ёки чанг-тўзон кўтарилилган вақтда юрганимизда қовоқлар ўз-ўзидан ёпилади ва киприклар бегона заррача-

Кизиқарли далил

Инсон ҳар 6 сонияда киприк қоқади. Демак, бутун умримиз давомида биз қовогимизни 250 миллион марта кўтариб туширап эканмиз-да!

ларни четлаштиради. Қошлар ҳам ёмғир томчилари ёки тернинг кўзга тушишидан ҳимоя қиласди. Аммо киприк қоқишининг энг муҳим фойдаси жараёнда кўзнинг намланиши билан ўлчанади. Қовоқ четлари бўйлаб 20-30 тадан иборат безчалар қатори ўтган. Бу безлар киприк орасида чиқиш нуқталарига эга. Қовоқлар ёпилганда безлар секреция ажратади. Кўз юзасига шу суртма сурилади, шунинг учун қовоқ ва киприклар қуриб қолмайди.

Тўғри киприк қоқиши ўрганинг. Бунда пешона, юз ва ёноқ эмас, балки қовоқлар ҳаракатланади. Кўзингизни ортиқча зўриқишларсиз юмаётганингизга ишонч ҳосил қилинг. Юқори ва қуий қовоқлар бир-бирига оҳисталик билан тегаётганини билинг. Пешонангиз бўшашганини ҳис этинг. Кўзингизни мунтазам, ҳар 3-5 сонияда юминг!

Бундай киприк қоқишлиар кўз атрофидаги мускулларнинг бўшашишига ёрдам беради ва яна нервларни ҳам тинчлантиради. Тез-тез нафас олиш кўз шох пардасини намлантиради, ахир бу кўзнинг соғлом, тийрак нигоҳга эга бўлишида жуда муҳим-ку!

Бундан ташқари, киприк қоқиши кўзнинг табиий равишда тозаланишига сабаб бўлади. Майда чанг зарражалари ювилади.

Қизиқарли далил

Ҳинд йоглари қуёш, юлдуз ва ойга қараб кўзларини даволаганлар! Улар қуёш нурига тенг келадиган ёргуелик мавжуд эмас деб ҳисоблайдилар. Қуёш нури кўришини тиклайди, қон айланишини тезлаштиради, инфекцияларнинг таъсирини қирқади. Йоглар қуёшга эрталаб, булутлар билан тўсилемаган пайтда кўзларни катта-катта очиб кўздан ёш чиққунча қарашини тавсия этадилар. Яхиси, бу машҳуни қуёш чиқаётгандага ёки қуёш ботаётганида қилиш керак. Лекин қоқ пешинда қуёшга қараши ярамайди.

5-қоида**КИТОБ МУТОЛААСИДАН ЗАВҚЛНИНГ**

Матнни ўқиётганимизда кўзимиз жуда кўп майдада белгиларни тезда илғаб, фарқлайди. Агар мутолаа тўғри йўналишда бўлса, жараён ҳам ҳузурли, ҳам фойдали кечади. Ноодатий вазиятларда ўқилса, маълум тартиб-қоидаларга амал қилинмаса, кўзга ҳам, умумий соғлиққа ҳам птур етади.

Ўқиётганда кўз матнни кўриш, бир сатрдан иккинчи сатрга нигоҳни юргизиш билан боғлиқ, биз тасаввур қилгандан-да жуда катта вазифани бажаради. Ўқувчи, айниқса, тажрибаси бўлмаган китобхон матнга қараганида ва ҳарфларни кўриб, уларни қўшиб ўқиганида кўз гавҳари оғишини тўғрилайди, нурни синдиришга куч бериб, оқибатда зўриқади. Ҳозирда мутахассислар кўзнинг толикиши, зўриқиши кўпинча нотўғри тақсимланган ёруғликда ўқиш сабаб юзага келади деб ҳисоблашади.

Ҳақиқатан, мутолаа кўзларни фаол ҳамда соғлом ҳолатда сақлаш учун энг яхши усуллардан ҳисобланади. У ёки бу матнни ўқиш ўз-ўзидан кўриш қобилиятини су сайтирмайди, кўз билан боғлиқ нуқсонларни келтириб чиқармайди. Фақат одам қанча кўп ўқишидан қатъи назар, кўзлари зўриқиши ҳолатида бўлмаслиги керак.

Одатдаги меъёрий кўриш қобилиятига эга кишилар кўзларига зарар етказмаган тарзда ҳар қандай ёруғлика ўқий оладилар, аммо кўришида камчиликлар мавжуд бўлган кишилар, айниқса, кўзойнак тақадиганлар матнни ўқиётганиларида кўзларига қўшимча юклама тушиб, уни толиқтирадилар. Шу билан бирга, кўришида камчиликлар бўлган кишиларда бу нуқсонларни йўқотиш усули уларни белгиланган вақт ва куннинг маълум бир қисмида, боз устига кўзойнаксиз ўқишга мажбур қилишдан иборат. Бу кўриш қобилиятини тиклашнинг энг самарали усулларидан ҳисобланади.

- иш жойи 150 лк дан кам бўлмаган ёруғлик билан таъминланган бўлиши;

- танаффусиз ўқиш давомийлиги 12-14 ёш-

даги болалар учун 45 дақиқа, 15-17 ёшли ўсмирлар учун 60 дақиқани ташкил этади. Белгиланган дақиқалардан сўнг кўз мушакларини бўшашибдириш учун албатта дам олинади (нигоҳни яқиндаги нарсалардан узоқдаги нарсаларга қаратиш машқи бажарилади);

- ўқиётганда тўғри ҳолатда ўтирилади;

- узоқни яхши кўролмайдиган болалар кўриш билан боғлиқ фаолиятларда кўзойнақдан фойдаланишлари ва тез-тез танаффус қилишлари, кўз мушакларини бўшашибдириш учун шифокор тавсия қилган маҳсус машқларни бажарилади.

Қандай қилиб шунча шартларга амал қилиш мумкин? Кўзингизни қўлингиз билан бир неча дақиқага ёпинг, сўнг китоб ёки газетани олинг, матнни кўра оладиган даражада узоқлашибдириш ва ўқишни бошланг. Узоқни яхши кўролмайдиганлар учун бу масофа 15-30 см, яқинни яхши кўролмайдиганлар учун эса 60 ва ундан ҳам кўпни ташкил этади. Узоқни яхши кўролмайдиганларда бир кўз билан ўқиш имконияти бўлиши мумкин, лекин кўз ва матн оралиғи жуда қисқалиги сабаб, иккала кўз билан бирваракайига ўқиш нокулай бўлади.

Бир саҳифани, ярим бетни ёки бир нечта қаторни, битта қаторни ва ҳатто бир нечта сўзларни кўзингиз толиққанини ҳис этгунча ўкинг. Кўз чарчадими, ўқишдан тўхтант, кўзингизни 1-2 сонияга беркитинг, сўнг яна ўқишида давом этинг.

Ўқиётганда кўзингизни мунтазам пирпиратинг, шунда енгил ва ортиқча зўриқишиларсиз ўқиётганингизни сезасиз. Шу тариқа ўқиш кўзнинг кўриш фаолиятини яхшилайди, кўзларни ишлашга ўргатади, яъни, кўзларни

Ўқиётганда кўз толиқмаслиги учун куйидаги қоидаларга амал қилиш шарт

ўз вазифасини бажаришга күнигиради. Аммо күз ҳеч қачон зўриқмасин. Албатта, мутолаа давомийлиги ҳар бир инсоннинг ўз имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади. Лекин кўп ҳолларда бу каби ўқиш машғулотларидан сўнг куч сарфламай, 2 соат давомида ва ундан ҳам кўпроқ ўқий олаётганингизни сезасиз.

6-қоида БОШНИ ТЎҒРИ УШЛАШ МУҲИМ

Бош миянинг энса соҳасидаги қон айланиши (у ерда кўриш маркази бор) кўзнинг саломатлигига тўла маънода таъсир кўрсатади. Шунинг учун қоматни, бўйин ва елка мушакларини яхшилайдиган машқларни бажариш жуда фойдали ҳамда муҳим. Шунинг учун қандай ўтирганингизни, айниқса, компьютер монитори қаршисида ўтириб ишлаётгандаги ёки ўқиётгандаги ҳолатингизни доимо кузатинг.

Шу ўринда машҳур бир далилни эслатиб ўтмоқчиман. Бирон марта Италияда бўлмаган кишилар ҳам Сикстин капелласининг нима эканини ва унинг шифт ҳамда деворларига ким сурат ишлаганини билишса керак. Буюк рассом Микеланжело Сикстин капелласи деворларига сурат ишлаш таклифини олгач, намунали бирон нима чизиб беришларини сўраб Флоренциядан жамоадош рассомларни чақирди. Микеланжелонинг биографи Вазарининг ёзишича, уларнинг ҳаракатлари ўзи тасаввур қилгандан анча узоқ эканини билганидан кейин рассомларнинг ишидан қониқмай, капеллага қамалиб олиб, жамоадошлари чизган ишларни ўчириб ташлади. Флоренциялик рассомларни капеллага киритмади, уйида ҳам қабул қилмади. Бу узоқ давом этди, охири флоренцияликлар вазиятга кўнишди ва шармандаларча ўз юртларига қайтиб кетишли. Микеланжелонинг ўзи буюртмани бажаришга киришди. Флоренциялик рассомлар ишлаган суратлар балки энг буюк, ажо-

йиб ижод намунаси бўлгандир, аммо у ерда нималар акс этганини биз билолмаймиз. Аммо гап бунда эмас, иш жараёнини биограф Вазари ифода этар экан, сурат чизишнинг жуда нокулай бўлганини қуийдагича тасвирлайди: «Микеланжело катта-катта суратларни чизиш учун туриб, бошини доим орқага қилиб ишлар эди. Шу тариқа у ўзининг кўз ўткирлигини заарлантирди, оқибатда бир неча ой давомида ўқиёлмай, чизилган суратларни кўролмай юрди».

Ҳозирда капеллага кирган турист бу расмларни томоша қилиб бўлгач, ташқарига чиқар экан, боши оғриганини, бўйнида нокулайлик ҳис этаётганини айтади. Негаки турист шифтдаги расмларни томоша қилиш учун бошини орқага эгади. Бу-ку туристнинг бир соатлик томошадан кейинги ҳолати, энди шу расмларни тўрт йил давомида чизган Микеланжелонинг аҳволини тасаввур қиласкеринг!

Бирон ишни бажараётганда, нокулай ҳолатда қолганда бу ҳаётий воқеани эсланг! Яъни, бош елкада, кўзлар эса бошда жойлашганини унутманг. Бўйинни ҳаддан ортиқ эгиш мияда қон айланишини камайтиради, оқибатда кўзга қон билан бирга кислород, керакли озуқаларнинг етиб келиши сустлашади. Кўз касалликларининг бари ана шундан келиб чиқади.

7-қоида ФОЙДАЛИ ВА ЗАРУРИЙ ЁРУҒЛИК

Кўриш функцияси ёруғлик нотўғри тақсимланганда кескин пасаяди. Умуман, кўриш анализатори (ташқи таассуротларни қабул қилиб олувчи ва таҳлил қилувчи система – сезги органлари, мия ва уларни биритиравчи асаблар)нинг яхши ишлаши учун ёруғлик 800 лк дан 1200 лк гача бўлиши керак (лк – люкс, ёруғлик ўлчови бирлиги). Ёруғликка оид асосий гигиеник талаблар унинг етарлилигини, атрофга баравар тарқалишини,

кескин соялар бўлмаслигини, иш столи юзасини товлантирмаслиги каби шартларни ўз ичига олади.

Аввал ҳам таъкидланганидек, қуёшли кунларда иш столи юзасида олачалпоқ қуёш шуълалари пайдо бўлади, шуълалар кўзни олади ва ишлашга халақит қилади. Тўғридан-тўғри тушадиган қуёш нуридан ҳимояланиш учун енгил, оч рангдаги пардалар ёки жалюзилардан фойдаланилади. Куз ва қиш кунларида эса табиий ёруғлик етишмайди. Булутли кунларда, эрта тонг ва кечки пайтда иш жойида етарли ёруғликни таъминлаш учун сунъий ёриткичлар ёқилади. Сунъий ёруғлик манбай чўғ ва люминесценцияга асосланган ёриткичлар – чироқлардир.

Хона ёруғлигидага дераза ойналарининг тозалиги муҳим аҳамиятга эга. Ювилмаган, хира ойналар табиий ёруғликнинг 20 фоизини ютади. Қиши охирларига келиб дераза ойналарида чанг, ифлослар тўпланганда эса бу кўрсаткич 50 фоизга етади.

Дераза токчаларида баланд-баланд ўсимликлар турса ёки тўр пардалар илинган бўлса, хона ёруғлиги 10-40 фоизга камаяди. Иш столига яқин жойлашган дераза ойнаси ҳар хил гул туваклари билан тўсилмагани маъкул. Гул тувакларини дераза олдига қўйилган маҳсус токчаларга териш керак.

Хонанинг ёруғлик даражасига яна ёруғликнинг шифтдаги, пол ва девордаги акси, жиҳозлар ранги ҳам таъсир қилади. Очик ранглар ёруғликни кучайтириб беради, масалан, оқ ранг 90 фоизгача, сариқ 80 фоизгача, ҳаворанг 70 фоизгача, яшил ранг 60 фоизгача, тўқ яшил ранг 22 фоизгача ёруғликни қайтаради. Қоидага кўра, тўқ жигар рангдаги мебель, ранг-баранг гиламлар билан жиҳозланган хоналарда ёруғлик кам бўлади. Айнан шунинг учун ёруғлик столга чап томондан тушишини таъминлаш мақсадида ёзув столини деразага яқин қўйиш зарур. Сунъий ёритилганда стол чироғи чап томонда туради ва албатта, абажур билан тўсилиши

шарт. Хонадаги умумий ёриткіч ёқилған ҳолатда чироқ қуввати 60-80 Втдан ошмаслигини ҳам унутманг.

Үта ёруғлик, айниқса, абажурсиз бўлган стол чироғи кўзни олади, кескин равишда кўзни зўриқтиради, кўришни толиқтиради.

Шундай қилиб, иш жойидаги ёруғлик етарли, енгил, кескин пирпирашларсиз, сояларсиз, бир текис ва кўз учун қулай ҳамда ёқимли бўлиши керак. Ялтирамайдиган сариқ ёки яшил рангдаги абажурли стол чироқларидан фойдаланиш керак, ёрқин қизил, шаффофф абажурлар кўзни тез толиқтиради.

8-қоида КЎЗГА ҚУЛАЙ БЎЛИШИ УЧУН

Монитор қаршисида кўп ўтирадиганлар сезган бўлишса керак, бир қанча вақт компьютерда ишлагандан сўнг кўришда ноқулайлик ҳисси пайдо бўлади. Кўз қизаради, қуруқлашади, қум кирганга ўхшаб ачишади, яқиндаги нарсани кўриш анча қийинлашади. Бу каби ёқимсиз ҳолат контакт линза, кўзойнак тақадиганларга ҳам, кўриш қобилияти аъло дараҷада бўлганларга ҳам бирдек яхши таниш.

Бунга сийқаси чиққан «компьютер кўриш синдроми» асосий сабаб деган гапга қаршиман. Аслида физиология мана бундай – битта нуқтага кўп қараган одам одатдагидан кўра камроқ киприк қоқади. Оқибатда шоҳ парда ва кўз конъюнктиви тез қурийди. Ана шу қуруқлик кўздаги ноқулайликларнинг асоси ҳисобланади.

Гиалурон кислотали томчилар бу муаммодан кутулишга ёрдам беради. Гиалурон кислотаси – инсон организмининг табиий компоненти бўлиб, кўздаги сув балансини меъёрига келтиради. Натижада у яхши қабул қилинади ва аллергик реакциялар камдан-кам ҳолларда рўй беради. Намлантирувчи хусусиятга эга бу восита жуда ёпишқоқ ҳам бўлиб, кўз юзасида узоқ вақтгача

туради. Демак, күзга томизилганды санчиқ ва оғриқларни унудиши мүмкін бўлади.

Кўзларнинг (шунингдек, асаб тизимининг ҳам) дам олиши учун узоққа, яшил майсазорга, ўрмонга, мовий осмонга, булутга, сувга қараш жуда фойдали. Йоглар эрталаб қуёш чиқишида ва кечкурун қуёш ботишида нигоҳни қуёшга қадашни маслаҳат берадилар. Уларнинг фикрича, бу яқинни яхши кўролмасликни, узоқни яхши кўролмасликни даволашда ёрдам бериб, кўз ўткирлиги бургут, қирғийникидек бўлишига кўмаклашар экан. Бургут қуёшга қарай оладиган бирдан-бир жонзот. Лекин бизнинг тўр пардамиз бургутнидан фарқ қиласди, қуёшга пешин вақтида тик эмас, балки чиқаётганида ва ботаётганды қаралади. Акс ҳолда кўз чуқурлигининг марказий соҳасига ортиқча юклама тушади.

Илик, ёқимли об-ҳавода майса, қум ёки ер устида чалқанча ётиб, кўм-кўк осмонни қузатган маъқул. Кузатиётиб имкон қадар нигоҳ булутлар орасига, ундан ҳам чуқурроқ кириб бориши керак. Тунда эса юлдузларга етмоқчидек қараш яхши фойда беради. Ҳам мароқли, ҳам завқли бу кузатишлар кўзнинг ультрабинафша ва инфрақизил нурларига сезгирилигини оширади.

9-қоида «ҚУРИГАН КЎЗЛАР» МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИБ

Агар кўз узоқ вақт давомида қизариб турса, ачишашётганини ҳис этсангиз, бу «қуриган кўз» деб номланадиган касаллик белгиларидан бири бўлиши мүмкин. Бу муаммо ўз вақтида ҳал этилмаса ва керакли даво муолажалари олиб борилмаса, «қуриган кўз» асорати сифатида кўрлик келиб чиқади.

Қуруқ кератоконъюнктивит («қуриган кўз») бугунги кунда кенг тарқалган муаммолардан бирига айланди.

Турли сабабларга кўра кўз ёш суюқлигининг этишмаслиги келиб чиқмоқда. Бу, ўз навбатида, конъюнктивлар ва шох парданинг яллиғланишига олиб келади. Касаллик белгилари ачишиш, оғриқ, толиқиш билан кечади, кўз қизаради, ёшланиши ҳам мумкин. Кўпинча кўздаги босим, қовоқларнинг шишиши, аллақандай бегона нарса киргандек бўлиши кузатилади, кишини ёруғликка ўта сезигрлик безовта қилади.

«Сунъий кўз ёшлар», шу қатордаги кўзни намлантирадиган томчилар муаммони ижобий ҳал этишга яхши ёрдам беради. Бу томчилардан фойдаланишда, албатта, ўзбилармонлик қилиш ярамайди, томчилардан қайси бирини кўзингизга томизиши фақатгина офтальмолог-шифокор белгилайди.

Кўзнинг қандай «қуриши»ни тушуниш учун аввало кўз ёшнинг қандай пайдо бўлишини, қаердан келишини ва вазифаси нимадан иборатлигини билиш зарур. Кўз ёш пардасининг қалинлиги миллиметрнинг бир неча минг марта кичик қисмига teng бўлса-да, у бир нечта қават пардадан ташкил топган. Ички қават шиллиқ бўлиб, шох парданинг юқори қисмларини суюқлик билан намлайди. Ички қават кўз ёш пардасининг тахминан 98 фоизини ташкил қилади ҳамда кўз ёш безлари томонидан ишлаб чиқарилади. Бу кўз ёш пардаси қон томирлари бўлмаган шох парданинг озиқланишини таъминлайди, унга озуқавий моддалар ва кислород, шунингдек, оқсил ҳамда патоген бактерия ва вирусларга қарши курашадиган иммун тизими ҳужайраларини етказиб беради.

Кўз ёш пардасининг устки қавати липиддан иборат бўлиб, у кўз ёш пардасини барқарорлаштиради, тез буғланиб кетишидан сақлайди. Бу юпқа қават қовоқ четларида жойлашган майда безчалар томонидан ишлаб чиқарилади.

«Қуриган күз» муаммолари

Күз ёшлар – нафақат күнгилдаги кучли түйғуларни ифодалайды, балки бизнинг саломат юришимиз, күзларимизнинг соғлом бўлиши учун ҳам жуда зарур. Киприк қоққанимизда (ғайриихтиёрий тарзда бир дақиқада 20 мартараб киприк қоқамиз) күз суюқлиги кўз юзаси бўйлаб тақсимланади, натижада юпқа парда ҳосил бўлади. Бу парда жуда юпқа, қалинлиги 1 микрометрдан ошмайди. Таркиби юқорида таъкидлаганимиздек, уч қатламдан иборат: устки – липид қатлам – кўзни қуришдан сақлайди, ўрта – сувли қатлам – кўзда намликни ушлаб туради ва иммуноглобулин ҳамда лизоцим сақлайди, қуий – шиллик қатлам – озуқавий моддаларни етказади ва кўзни инфекциялардан ҳимояланишини таъминлайди. Шикастланмаган, меъёрий кўз ёш пардаси силлик, у яхши ҳаракатланиши учун шох пардани, конъюнктивни, қовоқ ичини қоплайди.

Агар кўзда жуда кам кўз суюқлиги пайдо бўладиган бўлса, кўз юзаси куруқлашади, қовоқлар шох парда ва конъюнктив юзасида эркин, оғриқсиз ҳаракатлана олмайди. Бу эса қичишишга сабаб бўлиб, кейин сурункали яллиғланишга олиб келади.

Шу билан бирга, шох парда юзаси етарли даражада кўзгудек силлиқ бўлмайди, суюқ қатлам етказиш керак бўлган маълум миқдорда озуқавий моддалар ва кислород йўқотади. Кўзнинг озиқланиши ва нафас олишидаги бу камчиликни кўз конъюнктивда қон айланишини кучайтириш ҳисобига тўлдирмоқчи бўлади. Оқибатда эса кўзнинг оқ бўлиши керак бўлган қисмлари қизаради.

Агар «куруқ кўз» дарҳол даволанмаса, шох парда куриб қолади, унда турли яллиғланиш жараёнлари бошланади, натижада шох парда хиралашади. Кўз ёш парданинг ҳимоялаш роли кўзда суюқликнинг камлиги сабаб сусаяди. Кўзга тушадиган вируслар, бактериялар ёки замбуруғлар маҳсус иммун ҳужайралари билан бирикмайди ва инфек-

ция ривожланиб кетади. Бундай инфекциялар туфайли күзда пайдо бўладиган турли яллиғланишлар кўрликка олиб келувчи оғир ҳолатга сабаб бўлади.

Кўз қуришини ривожлантирадиган сабаблар

Куруқ кўз синдроми кўз суюқлигининг етишмаслигидан пайдо бўлади. Кўпинча қирқ ва ундан катта ёшдаги одамлар шу касаллиқдан азият чекадилар. Организм ўзига қарши курашишни бошлаган пайтда худди ревматоид артрит туридаги касалликларда, қандли диабет, қалқонсимон безлар шикастланганда, тери касалликларида бўлгани каби тана усти ва ичидаги яллиғланиш жараёни ривожланиши мумкинлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак.

Куруқ кўз синдромидан кўпроқ кўзини кам юмадиганлар (масалан, компьютерда ишлаганда, автомобиль ҳайдаганда, тўхтовсиз телевизор кўрганда) азият чекадилар. Сабаби иккита – биз кам киприк қоқамиз, кўзни намлантириш учун кам суюқлик томизамиз, худди унга эҳтиёж сезмагандек кўз ёш кам миқдорда ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, ҳаётимизни қовоқларимиз, тўғри ва мажозий маънода, «заҳарлайди». Қовоқларнинг очилиб-юмилиши нотўғри овқатланиш оқибатида келиб чиқадиган ичак муаммолари, кўзнинг қичишиши, газ ажралиши, тутун, А витаминининг етишмаслиги, косметик пардоз воситалари, аёллардаги гормонал бузилишлар билан боғлиқ. Биз булар қаторига кўз суюқлиги ишлаб чиқарилишини сусайтирувчи дори-дармонлар қабул қилинишини, кўз учун томир қуритувчи томчиларнинг асоссиз томизилишини ҳам қўшган бўлардик.

Кўзга салбий таъсир қиласидиган дори воситаларига қуйидагилар киради:

- антигистамин препаратлар;
- антихолинэргик;

- эрготамин;
- резерпин;
- бета-блокаторлар;
- нейролептиклар;
- тиазид гурухидаги диуретиклар;
- гормон ўрнини босувчи дорилар;
- три ва тетрациклик антидепрессивлар;
- тригексифенидил.

Шубҳасиз, бу номларни ёдда сақлаб қолиш шарт эмас, агар у ёки бу сабаб билан маълум бир препаратни узоқ вақт қабул қилишга тұғри келса, ўша пайтда күзингизда ноқулайлик ҳис этсанғыз, дорингиз таркибиға юқоридагилар кирадими ёки йүқми, қараб күринг. Да-воловчы шифокорингиз билан маслаҳатлашынг, балки ичаёттан дорингизни бошқа дори билан алмаштириш мүмкіндер.

Күз касаллигининг ривожланишига юқоридагилар билан бирга бошқа омиллар ҳам – контакт линзалар тақиши, кондиционердан ёки иситувчи мосламалардан фойдаланиш сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси күз ёш пардаси қалинлигига, барқарорлигига салбий таъсир қиласи. Компьютер олдида ишлаш ҳар қандай ҳолатда ҳам кўзнинг қуришига олиб келади, касалликни ривожлантиради, чунки бир нуқтага тикилганда кўзимизни кам юмамиз. Шу ўринда қанча кўп кўз юмилса, у шунча кўп намланиши ҳақидаги далилни ёдингизга солмоқчиман. Қолаверса, компьютер қаршисида ўтирганда хонамизда чироқ ёқилади, кондиционер ишлайди ва кўпинча бизда юзага келадиган «кўз қуриши» муаммоси «идора кўзи»га айланади.

Ёдингизда бўлсин!

Кўзнинг узоқ вақт зўриқиб ишилаши кўзнинг қуришига сабаб бўлади.

Шунга идорада ишлаётганда, компьютер қаршисида ўтирган пайтда кўз ўз намлигини сақлаши учун кўзингизни тез-тез юмидуринг.

**Үз билганингизча
даволанманг!**

Аксарият кишилар ўзларининг «куруқ кўз» синдромидан азоблананаётганларини билишмайди. Кўзлари қизардими, бу конъюнктивит деб ўйлашади. Кейин шифокор билан маслаҳатлашмай, ўз билганларича даволанишга киришишади. Кимdir томчи ёки антибиотикли суртмалардан фойдаланади, кимdir эса кўзини аччиқ чой билан ювади, яна баъзилар томирни қуриладиган томчиларни кўзига томизади. Томир қуриладиган томчилар ҳақиқатан қизаришни йўқотади, шунингдек, кўзни озиқлантирадиган кенг томирлар устини ҳам қурилади. Томирлар қуришини пайдо қилганимизда кўз кислород ва озукавий моддалар олишдек сўнгги имкониятидан маҳрум бўлади. Қуриладиган томчилар узоқ қўлланилганда ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин. Ҳатто кўз ёш ўрнини босадиган томчиларни ишхонадаги ҳамкасларнинг маслаҳатига кўра эмас, балки офтальмологнинг бир қанча текширувлардан сўнг қўйган ташхисига қараб ишлатиш керак. Фақат докторгина сизни текшириб, умумий ҳолатингизга, индивидуал қабул қила олишингизга қараб кўз ёш ўрнини босадиган томчиларни тавсия этади. Шу билан бирга, шифокор ишхонадаги вазиятни ўзгартириш учун қандай чоралар кўриш мумкинлиги ҳақида қарор қабул қиласи, у ёки бу дори кўзнинг қуриб қолишига сабаб бўлаётганини аниқлайди. Бутун организмингизда фақат кўз ўзгарганми ёки бошқа аъзолар ҳамми, буни билиш учун шифокор тўлиқ текширувдан ўтишга йўлланма беради.

Сунъий кўз ёшлар

Куруқ кўз касаллигини бутунлай тузатиш мумкин бўлмагани ҳолда, кўз ёш ўрнини босувчи томчилар кўпгина симптомларни анча енгиллаштиради. Томчиларда кўз ёш пардасини ҳосил қиласиган полимер мавжуд. У кўз юзасида сув

билин бирикади ва күзнинг қуриб қолишини бартараф этади. Бу полимерлар, одатда, уч гурухга бўлинади:

- синтетик полимерлар – поливинилалкоголь, поливинилпирролидон ва полиакрилат (ёки карбомер);
- ясама цеплюозалар – гидрокси-этилцеллюоза ёки гипромеллоза;
- гиалурон кислотаси.

Кўз ёш ўрнини босувчи препаратда қайси полимер мавжудлигига кўра кўз турли даражадаги сезувчанликка эга бўлади. Таркибида турли полимерлар мавжуд препарат қўлланганда мижозлар кўзда ёнгил ачишиш пайдо бўлганидан ёки томчилар умуман ёрдам бермаётганидан шикоят қилишлари мумкин. Кўз суюқлиги озгина етишмаган пайтларда поливинилалкоголли ёки поливинилпирролидонли томчилардан фойдаланиш мумкин, кўз қуришининг оғир шаклида ясама цеплюозали томчилар ишлатилади.

Бошқа суюқ, сув таркибли кўз ёш ўрнини босувчилар кун давомида бир неча марта томизилса, геллар ёки қуюқ қоплаб оловучи томчилар камроқ ишлатилади. Чунки улар кўзни оз вақтга бўлса-да хиралаштиради, шунинг учун бундай томчилар уйкуга ётишдан олдин томизилади.

Карбомерли томчилар кўзнинг «ёпишиб» қолишига ва қатқалоқ парда ҳосил бўлишига олиб келади. Шундай препаратлар ҳам борки, улар кўзга томизилганда

Қизиқарли далил

Инсон кўз оқсилларига эга бўлган ягона жонзот! Ҳатто маймунларда ҳам у қоп-қора. Бу кўзга қараб бошқаларнинг ўй-фикрларини, туйгуларини илгаб олишга имкон беради. Маймун кўзларига қараб ундаги нафақат ҳисни, балки нигоҳи йўналишини ҳам мутлақо билиб бўлмайди.

ёпишқоқ, шилимшиқ бўлиб қолади. Таркибида табиий полисахаридлар бўлган бу томчилар пропиленгликоль таркибли сув билан бирик-

канда күзда юпқа парда ҳосил қиласы да күзни ҳимоялады. Башқа бир ҳолатда фаол субстанция сифатида фосфолипидлар олд үринги чиқады. Улар шикастланган липид қаватини тиклады. Фосфолипидлар майда липид шарчалар бўлиб (липосома), юмуқ кўз қовоқларига сепилади, сўнг улар қовоқ четларидан кўзга киради ва тўрт соат давомида кўз ёш пардасини барқарорлаштиради. Томчилар ёрдам бермайдиган оғир ҳолларда сўнгги чора сифатида жарроҳлик амалиётини ўтказиш қолади. Кўз ёш нуқталари, яъни суюқлик йўлига силикон «тиқинлар» кўйилади. Бу тиқинлар суюқликнинг кўз ёш каналига оқиб кетмай, кўзда узоқроқ сақланишига ёрдам беради.

Кўз ёш ўрнини босувчи суюқлик таркибида у ёки бу бузиладиган моддалар бўлмаслиги зарур, чунки ҳар қандай бензалкония хлоридининг исталган миқдори шундоқ ҳам қичишиб турган кўзда яна ҳам кучлироқ қичишиш пайдо қиласы, айниқса, бу контакт линза тақадиганларга тааллуқли. Негаки контакт линзаларни сақлаганда, қайта ишлов берилганда уларда консервант қолдиқлари қолиб кетган бўлиши мумкин. Бундай муаммолардан қочиш учун монодоза деб номланувчи маҳсус томчилардан фойдаланиш керак (очасан, томизасан, ташлаб юборасан).

Ҳамма линзалар ҳам ҳар қандай кўз ёш ўрнини босувчи томчиларни «қабул» қила олмайди, шунинг учун томизиш мумкин бўлмаган линзаларга дори томизишдан олдин ёки линзаларингизга тўғри келмайдиган томчиларни сотиб олгунга қадар даволовчи шифокорингиз билан маслаҳатлашинг.

Куриган күзни даволаш мулажалари

Куруқ күз симптомларини даволашнинг күргина йўлларини билиш, даволашда кўшимча усуллардан фойдаланиш мумкин. Хавфсиз ва кўз яхши қабул қилган препаратлардан кечасига декспантенолли, А витаминли суртмаларни сурса ҳам бўлади. Улар шикастланган шоҳ парда ва конъюнктивни тиклайди, қичишаётган кўзни тинчлантиради.

Профилактик чоралар

кипприк қоқиш;

- хонани тез-тез шамоллатиб туриш;
- кўзни қичиширадиган пардоз воситасидан фойдаланмаслик;
- сигарет тутуни ва газ билан тўлган хонага кирмаслик;
- кондиционер ва вентиляторлар шамолини кўзга тўғри йўналтираслик;
- қовоқ четларини яхшилаб тозалаш;
- кунига икки-уч литр сув ичиш.

Куруқ кўз симптомларини даволашнинг кўргина йўлларини билиш, даволашда кўшимча усуллардан фойдаланиш мумкин. Хавфсиз ва кўз яхши қабул қилган препаратлардан кечасига декспантенолли, А витаминли суртмаларни сурса ҳам бўлади. Улар шикастланган шоҳ парда ва конъюнктивни тиклайди, қичишаётган кўзни тинчлантиради.

- имкон қадар кўпроқ тоза ҳавода бўлиш;
- компьютер монитори қаршисида ишлаётганда тез-тез

10-қоида

КЎЗ УЧУН СУРТМА ВА ТОМЧИЛАР, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Кўз инсон танасидаги жуда мураккаб аъзо, шунинг учун кўз касалликларини даволаш мақсадида дорилар тўғри кўлланилиши лозим. Дори томизилаётганда ёки суртма сурилаётганда фақат битта кўз юмилади, кўз ёш оқими билан ифлос, чанг зарралари, бегона моддалар ташки четидан ички бурчакка ювилади, сўнг у ердан осонлик билан олинади. Кўз ёшининг ўзи эса кўз ёш-бурун каналига оқиб кириб кетади. Ҳар қандай дори бегона тана сифа-

тида қабул қилинар экан, унинг кўздаги ҳаракатла- ниш механизми ҳам худди шундай. Яъни, препарат бурун бўшлиғига кўз ёши билан оқиб киради. Ҳали ҳеч бир дори кўз томчилари ва кўз суртмалари каби улардан фойдаланиш ва қўл- лашда бир талай муаммоларни пайдо қилмаган.

Томчи кўзнинг ташқи бурчагига яқин ерга томизилади. Томчилар кўз ичига тўғри кириши учун бош бироз орқа- га эгилади. Қўллар тозалаб ювилган бўлиши шарт. Бир қўл билан пастки қовоқ ички шиллик қавати кўринадиган даражада пастга енгил тортилади. Шундан сўнг эҳтиёт- корлик ва оҳисталик билан кўзга, терига ёки киприкларга тегиб кетмай пуфакча ёки пипеткадан битта томчи томи- зилади. Агар кўзга кўпроқ томчи томиб кетса, бу хавфли эмас, бари бир ортиқаси кўз ёш-бурун канали орқали оқиб кетади ёки қовоқлар босими остида йўқотилади.

Дори томизишнинг самараси тезроқ билиниши учун кўз бир дақиқа давомида юмуқ туради. Агар дорининг кўз юзасидан кўпроқ туришини истасак ёки препарат- нинг умумий организмга таъсир кучини камайтирмоқчи бўлсак, кўзнинг ички бурчагини бармоқ билан босиш кифоя. Бармоқ билан босилганда кўз ёш-бурун канали қисман ёпилади.

Кўз суртмасини кўзгу қархисида туриб сурган маъ- кул. Суртма сурйлгандан сўнг ўн дақиқа ётиш керак, шунда суртма кўзнинг ички юзасига бир текис ёйилади. Худди кўз томчиларидан фойдаланилган пайтдагидек суртманинг тюбиги киприк ёки кўзга тегиб кетмаслиги учун эҳтиёт бўлиш шарт. Суртма сурйлгач, ортиқаси намланган пахта тампон ёрдамида кўзнинг ташқи томо- нидан ички бурчагига қараб артилади.

Томчи ва суртмадан оиласиздаги бошқа аъзолар фойдаланмасин, уларнинг яроқлилик муддати ўтиб кет-

Ёдингизда бўлсин!

Томчилар ҳам, суртма ҳам музлаткичда, болалар ололмайдиган жойда сақла- ниши лозим.

42 Соғлом күзлар учун 36 ва яна 6 қоида

ган бўлса, асло ишлатманг. Флаконни, тубикни очгандан сўнг восита б ҳафтагача яроқли бўлишини унутманг (одатда 3–4 ҳафта). Акс ҳолда улар ўз-ўзидан кўз учун зиён манбаи бўлиб қолади.

Мабодо, таркибида консервантлар сақламайдиган бир маротаба ишлатиладиган тюбик-томчилардан фойдалансангиз, ўша темир қоидага амал қилинг: очинг – томизинг – ташлаб юборинг. Улар музлаткичда турган тақдирда ҳам эртанги кун учун ярамайди.

Ҳамма кўз томчилари ва суртмалар музлаткичда сақланар экан, уларни фойдаланишдан бир оз аввал олинг, қўлингизда ушлаб илитинг.

Агар томчини болага томизиш керак бўлса, ундан тинч ўтириб кўзини юмишини сўранг. Томчини кўзнинг ички бурчагига яқин қовоғига томизинг. Бола кўзини очганда томчи кўз ичига киради. Агар бир нечта томчиларни томизиш зарур бўлса, улар орасидаги вақт 10-20 дақиқани ташкил қиласди. Бу вақт оралиғида томизилган томчи олдингисини ювиб кетмайди.

Контакт линзаларни дори томизилгандан 15-20 дақиқа ўтиб тақса бўлади.

Суртмалар эса ётган ҳолатда ҳеч қаерга шошмаган вақтда сурилгани маъқул. Шунда сиз дорининг bemalol таъсир қилишига имкон берган бўласиз.

11-қоида МАХСУС БҮЮРТМАЛИ КЎЗОЙНАКЛАР

Maxsus кўзойнаклар сабаб биз компьютер қаршисида узоқ ишлаш билан боғлиқ салбий оқибатлардан қочишимиз мумкин. Компьютер кўзойнакларининг асосий вазифаси – ультрабинафшанинг ҳалок қилувчи таъсиридан ҳимоялаш. Бундан ташқари, компьютерда ишлаганда тақиладиган кўзойнаклар бинафша-кўк рангдаги қисқа тўлқинларни юта-

ди. Бу түлқинлар күз учун ниҳоятда хавфли. Компьютер күзойнагини қандай қилиб танлаш мумкин? Айнан қайси тури сизга зарур? Келинг, ҳозир шу ҳақда фикрлашайлик.

Агар узоқни яхши күришга мүлжалланган күзойнакни тақиб, яқындаги нарсаларни күрмөкчи бўлсангиз ёки ундан шу мақсадда узоқ вақт фойдалансангиз, натижада тез-тез асабийлашадиган, чарчайдиган, қизишадиган бўлиб қоласиз, ишга лаёқатингиз пасаяди. Нега? Яқындаги объект, яъни экран устида күз күриш хусусиятини жамлаши қийин кечади, бу күриш қобилиятини пасайтиради ва яна ҳам кучлироқ күзойнакдан фойдаланишга тўғри келади. Яқинни яхши кўрадиганлар учун тўғри танланган компьютер күзойнаклари, қоидага кўра, узоқни күришга мүлжалланган күзойнаклардан анча заифроқ. Бундай күзойнаклар ишлаш жараёнида зўриқишини камайтиради.

Агар ўқиш учун күзойнак тақсангиз, улардан компьютерда ишлаётган вақтда

ҳам фойдалансангиз бўлади. Одатда, узоқни күриш учун мүлжалланган күзойнаклар тахминан 40 см масофадаги нарсаларни күриш учун тавсия этилади. Аммо компьютерда ишлаш учун улар ярамайди. Агар бифокал күзойнак тақсангиз, ўзингиз тажриба қилиб кўришингиз мумкин, компьютерда ишлашда улардан фойдаланиш ноқулай. Шунинг учун компьютер қаршисида ўтирганда ва ишлаганда маҳсус ишланган күзойнакларни тақинг. Улар 1 метр масофани яхши кўришингиз учун зарур бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ишланган.

Узоқни күриш учун күзойнак тақсангиз

Яқинни күриш учун күзойнак тақсангиз

Умуман күзойнак ёки линза тақмасангиз

Агар компьютерда кўп ишласангиз, лекин кўзойнак тақмасангиз, бу сизнинг кўриш билан боғлиқ муаммолардан бутунлай йироқ эканингизни билдирамайди. Одатий кўзойнакларга эҳтиёж сезмасангиз ҳам, компьютер кўзойнаклари кўриш қобилиятингизни яхши сақлайди. Агар компьютер билан ишлаётганда бирон-бир кўриш билан боғлиқ ёки физиологик муаммолар пайдо бўлса, бундан ҳушёр тортишингиз лозим.

12-қоида «КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИ»НИ ОЧИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Сизнинг кўриш қобилиятингиз «очилган» бўлиши шарт. Бу экранга қараб туриб атрофингиздаги обьектларни – стол, девор, ёнингизда ўтирган одамларни ҳам кўришингиз керак дегани. Эътиборингизни кўпроқ кўз қирингиз билан кўраётган нарсаларга қаратинг. Бу кўришдаги зўриқиши, жисмоний ва руҳий чарчоқни камайтиради.

Ёдингизда бўлсин!

Диққат-эътиборли бўлиши ва зўриқиб қарашиб бутунлай бошқа-бошқа ҳолатлар. Зўриқиб қарамаслик учун бир текис, равон нафас олинг, мунтазам кўзингизни пирпиратинг, ўзингизнинг периферик кўриши қобилиятингизни шакллантиринг. Кўришининг тўлақонлилиги ва «очик»лиги диққатни жамлашни осонлаштиради ҳамда кучли руҳий толиқишидан сақлайди.

Периферик кўриш – атрофдаги нарсаларни қисман кўриш (кўз қири билан кўриш, сиртдан кўриш). У ёки бу нуқтага нигоҳ қадалганда, ўша нуқтани тўр парда қабул қиласиди, уни ўраган бўшлиқни эса тўр парданинг қолган қисми томонидан қабул қилинади. Бир кўз билан қабул қилинган бўшлиқ кўриш майдони дейилади. Периферик кўриш атроф-

мухитда мұлжалнни олишда катта аxa-миятда зга. Күзнинг турли касалликпарида күриш майдони торайиши мумкин ёки уларнинг маълум худудлари тушиб қолади.

Объектга қараб турганингизда унинг ўнг ва чаптарафида нималар борлигини күришни ҳам унутманг. Периферик күриш майдони секин-аста кенгайиб боради. Атрофни бутун мавжудликлар билан кўра олиш күриш қобилиятини кучайтиради, жисмонан ва руҳан бўшаштиради, кўзингиз ўткирлигини яхшилашга ёрдам беради.

Кизиқарли далил

Статистикадан маълум бўлишича, ҳора кўзли кишилар диққат ва бардошли, аммо асабий ҳолатларда жуда қизиққон эканлар. Кулранг кўзли кишилар жасур, дадил, журъатли ва фиол, қўйкўз (кўзи тўйқ жигар ранг) кишилар одамови, мовий кўзлилар сабрли, яшил кўзлилар барқарор ва ўжарлиги билан ажралиб турар экан.

13-қоида | МОНИТОРНИ ЎРНАТИШ СИРЛАРИ |

Компьютерни шундай ўрнатингки, монитор қаршисида ўтирганда хонадаги энг узоқ нуқтани кўра олишингиз мумкин бўлсин. Кўзингиз компьютердан дам олиши учун вақти-вақти билан нигоҳингизни узоқдаги объектга қаратинг. Дам олиш кўз зўриқиб қолишининг олдини олади.

Хона бурчагида, юзни деворга, деразага қаратган ҳолда ўтириб қолмасликка ҳаракат қилинг. Деразадан тушадиган ёруғлик ёқимсиз стрессларга сабаб бўлади. Яхшиси, юзингизни эшикка қаратиб ўтирганингиз маъқул. Ана шунда сиз хонадаги ҳамма нарсани баравар кўра оласиз.

Сир эмас, кўпчилигимизнинг уйимиз ёки идорамиз хоналари унчалик катта эмас. Шунинг учун бир нозик сирни очай – бўшлиқни кенгайтириш учун компьютер бурчақда

Қизиқарлы даил

Келажак компьютерларини худди ҳозиргидек сичқонча, кла-виатура билан эмас, күз ҳаракатлари билан бошқарыш мүмкін! Лондон олимлари қорачиқ ҳаракатини назорат қыладиган ва инсоннинг күриши механизмини таҳлил қыладиган технология устида иш олиб боришмоқда.

Ниқса, бу компьютерда күп ишлайдиганларга тааллукли. Офтальмолог мутахассислар күришнинг бундай толиқишини «компьютер күриш синдроми» деб атасади. Монитор күз даражасидан бироз баландроққа ўрнатиласы, шунда күз мушакларининг зўриқиши камаяди.

14-қоида ИШЧИ ЁРУҒЛИК

Ёриткичларни ҳеч қачон монитор ва ўзингиз орангиздаги масофага қўйманг. Периферик күришни ўзиға жалб этгани учун кўзни қичитади, кўришга халақит қиласади. Агар ҳужжатлар ёки китоб ўқиш билан машғул бўлсангиз, сизга қўшимча ёруғлик талафтилади. Бунда ёруғлик экранга тушмаслиги учун ўзгарадиган стол штативи (бирор асбоб ўрнатиладиган таглик) керак.

Ҳамма шуълалантирадиган манбаларни четта олиб қўйсангиз, иш столи қоронғи бўлади. Бу ҳам муаммо, қоронғи хонада ишлаш нокулай, ахир. Агар компьютерда, яна тағин ҳужжатлар билан ишлаётган бўлсангиз, қозозлар монитор юзасига мос равишда вертикал қўйилади – шунда нигоҳингизни ҳужжатдан мониторга қаратганда бир йўналишда бўлади, стол устида ётган қофоздан, яъни пастдан экранга – тепага қарамайсиз. Албатта, китоблар учун таглик бунда жуда кўл келади.

турган бўлса, у қадар катта бўлмаган кўзгуни олинг-да, мониторга ёки столга кўйинг ва кўзгу ёрдамида узоққа қаранг, орқангизда жойлашган обьектларга нигоҳингизни қаданг.

Бизнинг кўзларимиз доим юклама остида қолади, ай-

Кун давомида ҳужжатлар жойлашган ўрнини ўзгартириб туриңг: чап ва ўнг томонингизда қўйиб ишланг. Шунда нигоҳингиз бир томонлама бўлиб қолмайди ва кўзингиз зўриқмайди. Аммо ҳужжатлар турган жойни алмаштирганда, ёруғлик манбаи жойини алмаштиришни ҳам унумтманг. Акс ҳолда кўзга тушадиган юклама ортиб кетади.

Хонадаги умумий ёруғликни ўзгартириш имкониятингиз бўлса, тўғри тушмайдиган, йўналишини ўзгартириш мумкин бўлган ёруғлик манбаларидан фойдаланинг. Тўғри тушмайдиган манбаларнинг энг яхшиси торшер ҳисобланади, у шифтда нур сочади. Иложи бўлса, ёритиш мосламаси учта иш режимида бўлсин, вазиятга қараб керакли ёруғликни танлаб олаверасиз.

Кундузги чироқ нурлари кўзни оладими, экранга шуъла тушадими? Ҳозирги пайтда кўпгина кўз муаммолари флуоресцент чироқлари билан эмас, ёруғлик миқдори билан боғлик деб ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, чироқ спектри ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун совуқдан кўра илиқ спектр тарқатадиган чироқлардан фойдаланган афзал. Имкони бўлса, иш жойингизни 60 ваттдан кам бўлмаган чироқ билан ёритинг, қолган ёриткичларни ўчириб қўйинг.

15-қоида | ҚОМАТНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Инсон чарчаганда қаддини нотўғри ушлайди, бутун тана оғирлигини гоҳ у оёғига, гоҳ бу оёғига ташлайди, битта елкаси иккинчисидан паст бўлади, бу одат тусига айланган. Бу ҳолат мушаклар асимметриясига олиб келади, гавда қийшаяди (олдинга эгилган, айланасимон, қорин олдга чиқкан, бўкса орқага чиқкан ва ҳоказолар). Баъзан эса умуртқанинг қийшайишига ҳам сабаб бўлади. Бундан ташқари, киши чарчагани учун китобга кўпроқ энгашади ва кўзини зўриқтиради, шу йўл билан фақатгина яқинни яхши кўра олиш хасталиги ривожланади.

Үтирганингизда доимий юкламани ҳис этишингиз табиий, қоматни тик ушлаш ва бошни түғри ушлашдек ҳаракатсиз турғун ҳолат ҳар бир кишини толиқтиради. Эгилмай, қийшаймай үтириш учун үзини мажбурлаш эса баттар толиқтиради. Үтирганда танани мувозанатда ушлайдиган мушаклар шу қадар тез ривожланадики, танани мувозанатдан чиқаришга ҳаракат қилаётган бу мушакларга қарши тұхтосиз равишда қарши тұра олиш керак.

Үтирганда гавда вертикал ҳолатда, бosh енгил, бир оз олдинга эгилган, елка камари стол четларига горизонтал ва параллел, құллар стол устида бемалол бўлса, оёқлар тос-бўкса ва тизза бўғинидан түғри бурчак остида букилган ва товон полга ёки маҳсус тагликка тегса, тананинг орқа қисми стул суюнчиғига суюниб турса – бу түғри ҳолат бўлади.

Ёзаётганда гавда бироз олдинга эгилса, толиқиши камроқ бўлади. Шу тарзда үтирганда орқадаги мушаклар жуда ҳам эгилгандагига қараганда у қадар зўриқмайди. Бундан ташқари, түғри үтирилганда нафас олишнинг меъёрий функцияси, қон айланиши (стол кўқрак ва қорин бўшлиғидаги аъзоларга босим бермайди) таъминланади. Кўриш учун ҳам қулай шароит яратилади.

Үқиётганда ва ёзаётганда орқа, бўйин ва кўз мушаклари ишлайди, шунинг учун бу вақтда уларнинг фаолияти қулай шароитда кўнгилдагидек кечишига эътибор қаратиш зарур. Китоб, дафтар юзаси ва кўз орасидаги масофа маълум оралиқ – 30-35 см ни ташкил этади.

16-қоида КЎЗНИ ҚАМАШТИРАДИГАН ШУЪЛАЛАРНИ ЙЎҚОТИБ...

Шуълалар кўзимизни беихтиёр олиб қочишига мажбур қиласи. Кўзнинг экранда ишлаши ва кўришнинг жамланиши қийин бўлади, бу албатта, кўзнинг, бўйин,

энса, елка ва қўлларнинг зўриқишига олиб келади, қолаверса, ёқимсиз толиқиши ҳиссини пайдо қилади. Қарабсизки, фақат жисмимиз эмас, кўриш ҳам толиқади.

Шуълалар ёруғликнинг монитор экранида аксланганида пайдо бўлади, олачалпоқ товланишлар кўзни олади ва диққатни жалб қилади. Шуъла манбаи электр лампочкалари, деразадан тушаётган қуёш нури, ёрқин нарса-буюмлар бўлиши мумкин, ҳатто ўзингизнинг оппоқ кўйлагингиз ҳам стол ёки монитор юзасида шуълаланади.

Экранда шуълананинг бор-йўқлигини қандай билиш мумкин? Компьютерни ишга туширишдан олдин чироқни ёқинг. Экранда тасвир ёки ялтироқ шуъла пайдо бўлса, демак, ишлаш шароитингиз қоидадагидек эмас, шуъла билан боғлиқ муаммо бор. Муаммо мавжудми, уни ҳал этиш лозим. Шуълалардан қутулиш учун қуидаги ишларни қилиб кўрарсиз балки:

- мониторни айлантириш;
- экранда аксланаётган обьектларни суриб қўйиш;
- қуёш нури экранга тушмаслиги учун деразага парда тутиш;
- кўзни олаётган чироқ нурини камайтириш ёки ўчириб қўйиш;
- лампочкани плафон билан беркитиб қўйиш;
- компьютер экранини деразага 60 даражага бурчак остида жойлаштириш.

Бу амаллар яхши ёрдам беради, компьютер турган хона қанча катта ва кенг бўлса, шуълалардан тўла қутулишнинг иложи бўлмайди. Мабодо эски монитордан фойдаланаётган бўлсангиз, у ҳолда ҳимоя экранини ўрнатинг. Сифатсиз экранларни ишлатишдан қочинг, чунки уларда ёруғликнинг частотаси паст бўлиши мумкин. Бу, ўз навбатида, зўриқиши ва кўз толиқишини пайдо қилади. Антишуълали спрейлардан фойдаланиш ҳам самарали, лекин ҳимояланган экранлар барибир самаралироқ.

Кўзни тез чарчатадиган шуъла шаклларидан бири компьютернинг ўзидан чиқаётган нур бўлиши ҳам мум-

кин. Монитор юқори ёрқинликда ишлашга созланган бўлса ёки қоп-қора ҳарфларни ўта ёрқин ёруғлика кўраётган бўлсангиз, шундай бўлади. Кўп идораларда ёруғлик ҳаддан зиёд кучли. Бу ҳолатларда бироз хира-лаштирилган, яъни қора кўзойнак тақиши-тақмаслик ёки компьютерда ишлаш учун маҳсус ёруғлики фильтр-лайдиган кўзойнаклар тақиши ҳақида шифокор билан маслаҳатлашинг.

17-қоида

ИШ ЖАРАЁНИДА ЭНГ МУҲИМИ ТАНАФФУС

Қизиқарли далил

Одам кўзли механизм бўлиши мумкинми? Ҳеч шубҳасиз! Энг қизиқарлиси, бундай қурилма аллақачон ишлаб чиқилган. «Мицубиси» электр компанияси микросхемаларда электрон кўз яратган, бу механизм баъзи буюмларда ишлатилади. Кўз худди инсон кўзидек ишлайди.

Агар доимий ра-вишда экранга қараб турсангиз, бу ўз-ўзидан кўзни то-лиқтириб, зўриқтиради, кўз касаллик-ларини юзага келтиради. Танаффус қилмай ишлайдиган компьютер фойдаланувчилари орасида фақат яқинни

яхши кўриш хасталиги кенг тарқалган. Кўзингизда оғриқ пайдо бўлишини кутманг – иш вақтида қисқа танаффуслар ташкил қилинг. Бу оддий усул бўлса-да, ҳар 2-3 дақиқада экрандан кўзни олиб, узоқдаги обьектларга тикилиш зўриқиш ҳамда нокулайликларнинг олдини олади, кўз саломатлигини сақлайди.

Оммавий мулоҳазаларга кўра, иш вақтида ҳар соат 5 дақиқа дам олиш кўзларга етарлича дам бермас экан. Ҳар 2-3 дақиқадаги қисқа танаффуслар эса ҳам самарали, ҳам фойдали, қолаверса, бу унчалик кўп вақтни олмайди. Кўзингиз учун доим қисқа танаффус қилинг.

Қисқа танаффусга оид маслаҳат. Бошингизни қўта-ринг, нигоҳингизни узоқдаги обьектга қаратинг. Сизни

қандай объектлар ўраб олганини ҳис этинг. Чукур нафас олинг. Нафас чиқараётганда бўшашинг. Иккала кўзингизни пирпиратинг. Бу бор-йўғи 5 сония вақтингизни олади, холос. Қисқа танаффус кўз мушакларининг бўшашган ҳолатини сақлайди, зўриқиш ва чарчоқни бартараф қиласди. Танаффус дикқатни жамлаш қобилиятини ошириб, меҳнат унумдорлигини юқори даражага олиб чиқади.

18-қоида

ТЕЛЕВИЗОР – КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИНИНГ ХАВФЛИ ДУШМАНИ

Телевизор қархисида ўтириб, кўрсатувларни томоша қилиш ҳам бошқа кўриш билан боғлиқ ишлар каби толиқишига олиб келади, айниқса, ёруғлик нотўғри ташкиллаштирилган ва тақсимланган, жихозлар ўз ўрнида бўлмаган вазиятларда телевизор хавфли душманга айланади. Кўришнинг зўриқиши телевизорнинг маҳсус шакли ёки аллақандай тури билан боғлиқ эмас. Кун давомида кўриш аъзосига катта талаблар қўйилади ва телевизорни ҳар куни кўриш кўзга тушадиган юкламалар миқдорини оширади.

Ёдингизда тутинг, ёш улғайган сари кўриш аппарати иши мунтазам мукаммаллашади (бу инсоннинг ўсиш ва ривожланиши билан боғлиқ). Кўриш аъзоси ўсаётганда турли – ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирларга осон берилувчан бўлади. Олим-офтальмологларнинг таъкидлашларича, фақат яқинни яхши кўриш касаллиги зўриқиқан кўзнинг яқин масофада узоқ ишлаши, масалан, ёмон ёритилган жойда китобни кўзга яқин келтириб ўқиш оқибатида келиб чиқар экан. Болаларда кўз зўриқиши йилдан-йилга кўпайиб кетмоқда. Энди бу билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ.

Кўриш фаолиятининг бир ҳафталиқ белгиланган соати ҳозирда мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда меъёридан жуда ортиқ. Боз устига, болалар кўп вақт-

ларини телевизион күрсатувларни томоша қилиш билан ўтказишади. Шифокорларнинг фикрича, бу кўриш билан боғлиқ бузилишларнинг ривожланишига ва кучайишига олиб келмоқда.

Кўриш аъзосининг зўриқмаслиги, чарчамаслиги учун телевизор кўраётганда учта шартга амал қилиш лозим: телевизор ва томошабин орасидаги масофа, хонадаги ёруғлик ва экрандаги тасвирнинг сифати.

Тажрибавий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатади-ки, кўзнинг толиқиши, кўришнинг зўриқиши улар телевизор қархисига жуда яқин келиб ўтирганларида пайдо бўлар экан. Бундан ташқари, гавда ҳам ҳамиша тўғри тутилмайди – болалар кўпинча турли ҳолатларда телевизор кўради. Қолаверса, оиласда ҳар бир кишининг телевизор кўраётганда ўтирадиган ўз ўрни бор.

Ана шундай ҳолатларда ўтириш учун қулай, аммо жуда юмшоқ бўлмаган мебель (бўйин жуда ҳам эгилмаслиги, қайрилмаслиги лозим) ёки стул (иложи бўлса, орқа суюнчиғи баланд бўлиши лозим) танланади, рангли телевизор ўртасидаги масофа 2-3 метр. Телевизорни 5-5,2 метр нарида ўтириб кўриш ҳам ярамайди. Телевизор экрани бироз пастида ёки ўтирган кишининг кўзи тўғрисида бўлиши шарт. Агар сиз кўрсатувларни томоша қилаётганда кўзойнақдан фойдалансангиз, кўзлар ортиқча толиқмаслиги учун телевизор томоша қилиш олдидан кўзойнакни тақиб олишни унутманг.

Кўриш учун енгил, қулай ёруғлик қуидагича: агар хона у қадар ёрқин бўлмаган чироқ ёки стол чироғи, торшер ёки исталган ёриткич билан ёритилган бўлса, ёруғлик кўриш майдонига тушмасин ва телевизор экраннида шуълаланмасин.

Ҳаво булат бўлганда телевизор кўрсак, пардаларни ёпиш шарт эмас. Агар қуёш нури экранга тушса, дераза ойналарини енгил дарпардалар билан тўсинг, акс ҳолда тушган нур экрандаги тасвир контрастини сезиларли даражада пасайтиради ва кўришни қийинлаштиради.

Бу эса кўриш қобилиятини қўшимча зўриқтиради. Телевизор кўраётганда кўзлар жуда ҳам толиқмаслиги учун учта оддий қоидага амал қилинг:

- Кўришни хоҳлаётган кўрсатувингизни танлаб томоша қилинг. Ишдан кейинги дам олишга ажратадиган қимматли вақтингизни телевизордаги аллақандай бемаъни нарсаларни кўришга сарфламанг. Томошабиндан экрангача бўлган масофа жуда муҳим!

- Кўришнинг ортиқча толиқишини камайтириш учун кўрсатув ёки фильм томоша қилаётганда нигоҳни телевизор экранидан бошқа нарсаларга – объектларга ҳам қаратиб туриш керак. Телевизор қаршисидан туриш учун рекламали танаффуслар қулай, бу вақтда ўрнингиздан туриб ҳаракатланасиз, балки кўз гимнастикасини қиласиз, уйингиз учун бирор фойдали юмушни бажариб қўярсиз.

- Болалар бир кунда 2 соатдан ортиқ телевизион кўрсатувларни томоша қилмасликлари керак (ўрта мактаб ёшидагилар).

Бу белгиланган вақт компьютер қаршисида ўтиришга ҳам таалуқли.

- Экранда тасвир липилласа, аниқ бўлмаса, ёрқинлиги ва контрасти тез-тез ўзгарса, кўз тез ва кучли чарчайди. Шунинг учун телевизорни ҳам назорат қилиб туриш, мослаштириш, экрандаги чангларни артишни унутмаслик, дераза ойнаси қарши сига қўймаслик керак.

Қизиқарли далил

Уч ёшли болаларнинг кўриши фаолияти давомийлиги (сурат ва расмларни томоша қилиши, чизиш, ёпишиши, диафильмларни, телекўрсатувларни кўриши) бир кунда 1 соатни ташкил қиласди (ҳафтасига узоги билан 17 соат). 5-6 ёшилларда эса кунига 2 соат (ҳафтасига узоги билан 21 соат). Кичик ёшдаги мактабгача ёшдаги болаларда кунига 5-7 соат (ҳафтасига узоги билан 30-42 соат), ўрта ва катта ёшдаги, мактабгача ёшдаги болаларда кунига 8-10 соат (ҳафтасига узоги билан 48-60 соат).

Оилавий давра сұхбатларини, биргалиқда тановулни телевизорсиз хонада үтказишга ҳаракат қилинг, ахир бутун оила аъзолари йиғилганда қизиқарли китоб үқиш, уларни қызығын мұхокама қилиш, сүнгги хабарлардан воқиғ бўлиш, ўйин ўйнаш ёки шунчаки чин дилдан сұхбатлашиб ўтириш мумкин-ку! Ана шунда сизга, сизнинг кўзингизга анча енгил бўлади. Сиз ўзингиз, қолаверса, атрофингиздагилар бутун бир олам билан ўз навбатида, бутун олам сиз билан бир уйғунликда бўласиз.

19-қоида ТЕЛЕВИЗОР ВА БОЛА

Ота-оналар бола қайси дастурларни кўраётгани билан қизиқиб, мунтазам кузатиб боришилари керак. Болалар фильмлар, эртакларни шунчаки томоша қилиш эмас, балки катталар ўз фарзандлари билан бирга ушбу дастурларни кўришлари шарт. Чунки болалар билан телевизион санъат ҳақида худди танқидчилардек мұхокама қилиш, дидини ўстириш, шакллантириш, тарбиялаш, дунёқарашини кенгайтириш лозим. Шу билан бирга, дарс тайёрлаётган пайтда телевизорни ўчириб кўйишни унутмаслик керак. Диққат-эътиборнинг бир вақтда бир нечта обьектда бўлиши кўзни зўриқтиради. Оқибатда диққатнинг жамланишини пасаяди, дарс материаларини ўзлаштиrolмайди, кўриш қобилияти сусаяди.

Кўпинча ота-оналар боламни телевизордан узолмаяпман, ҳамма бало телевизорда, деб шикоят қилишади. Шошилинч ва нотўғри фикр қилмаслик керак, эслаб кўринг, ўзимиз ҳам болалигимизда эртак ва мультфильмларни завқ билан томоша қилганимиз! Телевизион санъат кино каби кўп қиррали ва турлича. Ҳа, болаларга кўриш қатъиян тақиқланадиган кинофильмлар ҳам, теледастурлар ҳам бор. Бола ҳали катталар муаммоси билан таниш эмас, телевизион қаҳрамонлар хатти-ҳаракати уларда нотўғри ўйларни пайдо қилиши

мумкин. Жуда нозик таъсирланиш кучига эга болалар ўзларининг болалик дунёсидан чиқиб, бутунлай бегона оламга тушиб қоладилар. Катталарнинг ташвиши олдида эсанкирайдилар. Натижада бола уйқуси бузилади, асабий ва қизиқон бўлиб, гиперфаоллик синдромини ривожлантиради. Орамизда шундай кишилар борки, уйга келиши билан телевизорни ёқади, фақат ухлашга ётганида ўчиради.

Кўплар теледастурлар жуда кеч бошланиб, кеч тугагани учун, худди шунчаки телевизорни ўчириб қўйиш билан муаммо ҳал бўлишини билмагандек, кечаси яхши дам олмаганидан шикоят қиласидилар.

Болалар ҳам биз катталар каби телевизорга «асир» бўлган. Ўзингиз бир чамалаб кўринг, бир кунда қанча вақт телевизор кўрасиз, болангиз-чи? Болалардаги чарчаш, асабийлик теледастурларни кўп томоша қилиш оқибатида пайдо бўляпти. Бундай носоғлом реакция экран ёруғлигининг мунтазам ўзгариб туриши ва ёруғлик пульсацияси сабаб юзага келмоқда. Шифокорлар кўп йиллик ўрганишлардан сўнг шундай хulosага келишди: 7 ёшгача бўлган болалар бир кунда 30-40 дақиқа телевизор кўришлари мумкин, 8-12 ёшдаги болалар 1 соат, 12-14 ёшдагилар 1,5 соат, 14-17 ёшли ўсмирлар эса 2 соат кўришлари мумкин. Кўриш бузилганда ёки болаларнинг таъсирчанлиги ортганда телевизорни ҳафтада 2-3 мартадан кўп кўриш тавсия этилмайди.

Кўриш аъзосига юклама ортганда бола асаб тизимида салбий ўзгаришлар бўлади, унинг диққати бўлинади, тез қизишади, нотинч ухлайди.

Ёдингизда бўлсин!

Хар қандай кўриш иши каби теледастурларни кўриши ҳам толиқишига олиб келади. Кўзнинг зўриши телевизорнинг спецификаси эмас, балки кўриши аъзоларининг қўшимча юклама тушиши билан изоҳланади.

Кўриш билан боғлиқ муаммолар мактабдаги муаммоларни келтириб чиқаради

Бола мактабга
борган кунданоқ
унинг хотиржам
ҳаёти якун топади.
Мактабдаги ҳар
қандан вазият –

омад ҳам, омадсизлик ҳам инсоннинг келажак ҳаётини, унинг касбий ўсишини ва ижтимоий ҳолатини белгилайди. Ҳамма бола ҳам мактабда жиддий қийинчиликларга дуч келавермайди, аммо маълум босқичларни истисносиз босиб ўтади.

Болаларнинг хулқида кўпинча қуидагилар кузатилади:

- фикрни жамлашнинг пастлиги;
- дикқат-эътиборнинг етишмаслиги;
- доимий ёмон хулқ (тиниб-тинчимайдиган);
- ҳиссиётга берилувчан – эмоционал бузилишлар (хусусан, агрессив ва депрессияга тушадиган болалар);
- психосоматик бузилишлар (бош оғриғи, қорин оғриши, тунда пешоб ушлолмаслик, дудукланиш);
- мактабдаги омадсизликлар болаларда ўқиш иштиёқини сўндиради;
- дислексия, ўқиётгандаги, ҳисоб-китоб қилаётгандаги қийинчиликлар, ўта ҳаракатчанлик (гиперфАОПЛИК) ва дикқатнинг етишмаслиги синдроми битта – «дефицит» – камчилик тушунча остида жамланади.

Хўш, бу камчиликларнинг кўзга қандай алоқаси бор? Болаларда учрайдиган бу камчиликларнинг кўз билан нима алоқаси бор? Маълум бўлишича ўзлаштиромаслик доим ҳам кўриш, кўз билан боғлиқ муаммолар билан изоҳланавермайди. Лекин шуниси қизиқки, кўздаги у ёки бу жисмоний ёки физиологик муаммолар кўпинча юқорида саналган мактаб муаммолари фонида пайдо бўлади ва уларни яна ҳам кучайтиради!

Психологик оғишлар ёки ўқищдаги мураккабликларга эга ҳар бир бола офтальмолог ҳузурига қанча эрта келса, кейин юзага келадиган кўз касалликларининг

олди шунча самарали олинади. Ҳозирда катаректа, глаукома, түр парда ва кўз нервлари касалликлари, шунингдек, бош миядаги жиддий ўзгаришлар болаларда ҳам учрамоқда.

Кўриш қобилиятининг пасайиши – бу кўпинча содир бўладиган, лекин доимий бўлмаган муаммо. Бу муаммонинг чораси – фақат шифокор ташхис қўйиб, сўнг кўрсатма берган кўзойнакни тақиши. Болаларнинг кўзи ўзига хос ва жуда кучли ўз-ўзини бошқариш механизмига эга. Шу механизм туфайли кўз мушаклари зўриқиб ишлаганда, кўз гавҳари оғишидаги ўзгариш хисобига ҳатто энг жиддий кўз бузилишлари ҳам бирмунча тикланиши мумкин. Кўришни одатий усупларда текшириш ҳеч нимани кўрсатмайди. Фақатгина қорачиқни кенгайтирадиган маҳсус томчи томизиб, сўнг текширилганда кўз аъзосининг ҳақиқий ҳолати аниқланади.

Рефракцион тузатишлар, яъни узоқни яхши кўриш, яқинни яхши кўришга боланинг мияси кўп куч сарфлайди, оқибатда мактаб дастурини ўзлаштиришга кучи қолмайди.

Шу каби муаммо кўзи ғилай болаларда ҳам пайдо бўлади. Ғилайлик доим ҳам билинавермайди, унинг ёпиқ турини фақат маҳсус тестлар орқали текшириб билиш мумкин. Бу муаммолар ўқиш-ёзишда қийинчиликлар туғдирди, аммо буларни оддий усул билан ҳал этиш мумкин: тўғри танланган кўзойнак ва уйда ёки офтальмологик марказлардаги маҳсус хоналарда ўтказилиши керак бўлган машқлар сис-темаси ёрдам беради.

Қизиқарли далил

Француз олимларининг тасдиқлашларича, 2 ёшгача бўлган болаларга телевизор кўриш умуман мумкин эмас, чунки уларда ҳали тасвир ва овозни бир-бирига bogлаб қабул қилиши ривожланмаган бўлади. Болалар телевизор кўргандагуда катта энергиясини, яъни, атрофни ўрганишига сарф бўладиган куч-қувватини ана шу bogланишини тутишига кетказади.

Кўриш қобилияти туфайли бола мактабда ёмон ўзлаштираётган, хулқи бузилаётган бўлса, қайси белгилар бизни огоҳликка чорлаши керак? Ота-оналар ҳам, ўқитувчилар ҳам эътибор қилиши керак бўлган мана ўша «сигналлар»:

- ўқиш ва ёзишдаги қийинчиликлар;
- ўқишни, чизишни ёки амалий ишлар (қоғоздан қирқиб ёпиштириш, тикиш, бирон нима ясаш)ни хоҳламаслик;
- озгина дикқат қилганда тез чарчаб қолиш;
- боланинг доим кўзини ишқалаши;
- кўзини тез-тез пирпиратиши ёки кўзини қисиши;
- ишлаётганда кўз ҳолатининг ўзгариши;
- ёруғликка сезувчанлиги;
- бирор буюмни кўраётганда ноиложликдан бош ҳолатини ўзгартириши ёки яқин келиб қарашга ҳаракат қилиши;
- кўзини ғилайлостиши;
- бош оғриғига, боши оғриганда кўзига нарсалар иккита кўринаётганидан шикоят қилиши;
- беўхшов ҳаракатлари;
- қўрқоқлиги ва дадил эмаслиги.

Демак, кўриш бузилганини билдирадиган белгилар жуда кўп экан. Фақат катталар унинг шикоятларига қўл силтамасалар, ўз болаларига эътибор берсалар, унинг дангасалигини пеш қилмасалар, жўн қилиб айтганда, бемаънилик деб юзига солмасалар бўлди.

20-қоида КОМПЬЮТЕРГА ОИД ТАВСИЯЛАР ЁКИ КЎЗНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТОЛИҚТИРМАСЛИК ҲАҚИДА

Компьютерда ишлаётганда кўзга кўшимча талаблар кўпаяди. Дастрекни машғулотларсиз ва кўриш малакасисиз кўз тугул тана ҳам азият чекади. Компьютер фойдаланувчиларида кўпинча кўришнинг зўриқиши, кўришнинг ёмонлашуви, орқа, бел, бўйин ва бошда оғриқ туриши кузатилади. Сўнгра уларда ўта кучли кўзойнак-

ларга эҳтиёж пайдо бўлади, бошқа ёқимсиз ва оғрикли белгилар безовта қиласди.

Кўзни компьютер таъсиридан асрарнинг еттита са-марали усули мавжуд.

- Маълум обеъктларга нигоҳни қаратиш имконияти;
- Экранда шуълалар-нинг бўлмаслиги;
- Хонадаги ёруғликнинг меъёрда бўлиши;

Уларни бажариш иш ўрнида қулайлик яратиб, сизнинг мукаммал кўришингизни ва кўзларингиз дам олишини таъминлайди. Шунингдек, ёруғлик манбайнинг тўғри тақсимланиши сизни жисман ва руҳан толиқтирмайди.

- ҳар 3-5 сонияда киприк қоқиш;
 - ишлаётганда фагат экранни кўрмаслиқ;
 - бошқа нарса-буюмларга тез-тез қараш;
 - имкони борича компьютер нуридан сақлайдиган маҳсус кўзойнак тақиши.

Тўғри киприк қоқиш, «очиқ» нигоҳ (экранга қараётганда атрофда нималар бўлаётганини англаш) ва ишлаётганда қисқа танаффуслар кўзларингиз саломатлигини сақлайди, кўз нурини равшан қиласди. Шунингдек, фикрингизни ҳам жамлай оласиз.

Китобимизнинг кейинги ўринларида еттита шартнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталамиз.

Дастлабки учтаси иш жойига тааллуқли

Кейинги тўртта машқ эса компьютерда ишлаётганда кўриш тиниқлигини сақлашга ёрдам беради

21-қоида КОНТАКТ ЛИНЗАЛАР МУҲИМИНИ ЁДДАН ЧИҚАРМАНГ

Кўзойнакни ҳар доим ҳам тақишининг имкони йўқ десак, фикримизга кўшилаверинг. Чунки спорт билан шуғулланаётганда, рақсга тушаётганда кўзойнақдан фойдаланиш қулай эмас, айниқса, чиройли кўринишни хоҳлайдиганлар учун (кўзойнак эса сизнинг ички қиёфандигизни ҳам, ташки қиёфандигизни ҳам бироз ўзгартиргандек бўлади). Масалан, совуқ турган ёки ёмғир ёғаётганда кўчага чиқиш керак бўлади, бундай об-ҳаво шароитида кўзойнак музлайди, терлайди, ёмғир томчиси тушади, тасвир хиракашади – умуман, кўзойнаксиз ҳам, кўзойнак билан ҳам ҳаёт осуда эмас. Шундай вақтларда контакт линзалар ёрдамга келади.

Контакт линза танлаш учун шифокорга қачон мурожаат қилинади?

далангандан бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айниши пайдо бўлди, нарса-буюмлар шаклини бузиб кўрсатди. Шунда албатта кўзга «бемалол жойлашиб» оладиган, шох пардага «ўтириб», кўзга тушадиган тасвир ўлчами ни ўзгартирмайдиган контакт линзалар қўл келади.

Кейинги вазият – иккита кўзнинг кўришидаги фарқ катта бўлганда контакт линза тақишига тўғри келади. Катта фарқ – бу уч диоптриядан катта бўлган ҳамма нарса. Масалан, бир кўзингиз минус уч ойнали кўзойнак билан нарсаларни 100 фоиз кўради, иккинчиси эса минус олти ярим ойна билан 100 фоиз кўради. Бундай ҳолатларда кўзлар кўриши орасидаги фарқ катта бўлиб, мия ўлчам ва тасвир сифатидаги бу фарқни «қабул» қила олмайди, агар иккала кўзга мос кўзойнак танланса, мия билан боғлиқ муаммо ҳам ҳал этилади. Шунда фақат

Биринчидан, тиббий кўрсатмалар бўлиб, кўзойнак тақдингиз, унинг кучи шу қадар юқорики, кўзойнақдан фой-

яхши күрадиган күз ишлайди, ёмони эса фақат ёрдам беради. Лекин тұла күриш учун мия сифатли тасвириңін тұла қабул қилиши керак. Тұлақонли тасвириңін контакт линзаларгина бера олади.

Күзойнак тақиб юриш мүмкін бўлган вазиятларда бу мослама яхши, аммо күзойнак таққан теннисчини ёки дарвозасини ҳимоя қилаётган футболчини қаерда кўргансиз? Бунинг устига контакт линзалар хавфсиз, бехосдан тушиб синмайди, юзингизга шикаст етказмайди, боз устига жуда қулай. Энг сифатли ва аъло даражадаги күзойнаклар ҳам күриш майдонини чегаралайди ва ноқулайлик туғдиради. Контакт линзалар эса ундей эмас. Күзойнак тақадиган актёр ижодий фаолияти давомида фақат күзойнакли қаҳрамон образини ўйнамайди-ку! Шундай вақтларда контакт линзалардан фойдаланишга шошамиз.

Күзойнак кучини билган тақдирда ҳам линзаларни ўз билганича харид қилмаслик керак. Контакт линзаларни маҳсус билим ва тажрибага эга офтальмолог танлайди, у нафақат күзингиз ўтқирилгигини, балки күзингиз хусусиятларини ҳам ўрганади, умуман, контакт линза сизга мүмкінми ёки йўқлигини аниқлайди.

Контакт линзаларни тақишдан олдин

Агар кўзингизда бирон-бир шамоллаш, аллергия ёки конъюнктивит белгилари бўлса, күз шиллиқ пардаси ёки шох парда бутунлай меъёрий ҳолатга келмагунча контакт линзалар тақилмайди. Шунингдек, шамолланганда, тумовда ҳам контакт линзаларни тақиш тақиқланади. Шифокор кўзларингизда муаммолар йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, линзалар параметрини – кучи ва эгилиш радиусини ҳисобга олиб танлайди. Иккала параметр асоратлар бўлмаслиги учун ўта муҳим: линзалар жуда кучли бўлса, сиз компьютерда ишлаганда, китоб ўқиганда ноқулайлик ҳис этасиз, линзалар кўзда яхши жойлашмаганда сурилиб кетади (бунда тасвир

бузилади ёки күзга бегона нарса киргандек ҳис пайдо бўлади) ёки линза күзга шунчалик зич ёпишадики, кўз керакли миқдордаги кислородни олмайди, етарлича кўз ёш суюқлиги билан ювилмайди (бунда кўз қизаради, кечга бориб хиралашади).

Линзалар параметрлари ҳисоблангач, шифокор сизнинг кўзингизга мос тушадиган линзаларни таклиф этади. Линза тақишида кўзларнинг соғлом бўлиши ва қулайликни ҳис этиши муҳим. Замонавий хом ашёлардан юқори технологиялар асосида ишланган контакт линзалар кислород ўтказди, улар кўзни намлантирадиган компонентга эга. Бугунги кунда линзалар юқори даражадаги қулайликларга эга.

Линзалар қаттиқ ва юмшоқ турларга бўлинади, тақиб юриш муддати ҳам ҳар хил (1-3 ой тақиладиганидан тортиб ҳар куни алмаштириладиган линзаларгача мавжуд), турлича намлик ва қулайликка эга линзаларнинг қайси даражадагисини танлаш мижознинг ўзига ҳавола.

Линзаларга ўрганиш даври кимдадир бир неча кун, яна кимдадир организми хусусиятларига кўра узоқ давом этади. Линзаларни биринчи куни фақат 2 соат тақинг. Сўнг ҳар куни бир соатдан кўшиб боринг. Линзаларни кечаси кўздан олиб қўйинг. Қандай линза танланганидан қатъи назар, линзаларни тақиш муддати, тартиби ва қоидаларига албатта риоя этинг.

22-қоида

КОНТАКТ ЛИНЗАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА ОИД ТАВСИЯЛАР

Кўз шифокорингизнинг барча маслаҳатларига, тавсияларига амал қилишингиз ва линзаларни сақлашда фойдаланиладиган воситаларни қўллаш қоидаларини билишингиз шарт. Бу кўрсатмаларга риоя этмаслик кўзнинг шикастланишига, жиддий касалликлар ривожланишига олиб келади. Бу қоидалар шунчалар оддийки, сиздан уларга амал қилиш талаб этилади, холос.

Линзани тақиши ёки кўздан олишдан аввал қўлни яхшилаб ювиш зарур. Агар бармоқлар тозалаб ювилмаган бўлса, қўлдаги кир линзада из қолдиради, кеинин линзанинг тиниқлиги камаяди. Яна тирноқларнинг узун-калталигига ҳам эътибор қаратиш лозим, айниқса, линзадан энди-энди фойдаланишни бошлаган бўлсангиз. Агар тирноқ жуда ҳам узун бўлса, ҳали линза тақиши малакангиз бўлмагани учун линзани тирнашингиз ёки тешиб қўйишишингиз мумкин. Линза жуда нозик ва нафис материалдан тайёрлангани сабаб битта тирналишнинг ўзи унинг йиртилиши ёки кўз юзасини шикастлаш учун етарли. Бунинг устига линзани контейнердан олиш ва қўйиш учун маҳсус пинцетдан фойдаланган яхши. Бу ҳам гигиена, ҳам хавфсиз усул.

Аввал линза тақилади, сўнг пардоз ишлари бажарилади. Линзани ечаётганда ҳам шундай: аввал линза олинади, сўнг юз-кўздан пардоз воситалари ювилади.

Иложи бўлса косметиканинг офтальмологлар томонидан таклиф этилганини ишлатиш керак. Ҳозирда контакт линза тақадиганларга мўлжалланган маҳсус туш, маҳсус қаламлар ишланган. Нима бўлганда ҳам оқиб, кўзга тушадиган тушлардан фойдаланмаслик керак – туш линзага ёпишиб унинг сифатига путур етказади, ҳатто кўзни қизартиради.

Линза тақиандада сувда сузиш тақиқланади. Агар шундай қилиш жуда зарур бўлса, сузганда кўзга ва кўз соҳасига сув киритмайдиган маҳсус герметик кўзойнак тақилади. Ёки бўлмаса, сузадиган кунлари бир марталик, ҳар куни алмаштириладиган линза тақилади. Бунинг бир қанча саблари бор: биринчидан, линзага сув текканда сув билан бирга кўздан чиқиб кетади. Иккинчидан, сувда жуда кўп микдорда элемент ва металлар борки, улар линза материалининг тиниқлигини, рангини ёки намлик ушлаш хоссасини бузади. Учинчидан, сувда бактерия ва микроорганизмлар бўлиб, кўз ва линзага тушганда юкумли касалликларини чақиради. Линзалар маҳсус эритмаларда

ювилгандა ҳам бу инфекция ташувчилар кетмайди, шунинг учун, яхшиси, таваккал қилмай кўя қолинг.

Линза тақиб ухлаш мумкин эмас. Бу қоида мунтазам тақиладиган линзаларга тааллуқли эмас. Қолган пайтларда уйқуга ётишдан олдин линзалар кўздан олини нади. Агар метрода кетаётиб, ярим соатга кўзингизни юмиб мудраган бўлсангиз, ҳечқиси йўқ, хавфли воқеа содир бўлмайди. Мабодо, линзада ухлашга ўрганиб қолсангиз, ухлаганингизда кўзингиз кам дам олади, кам кислород етиб келади ва кўз ёш билан кам ювилади. Тасаввур қилинг, ухлашга ётмоқчисиз, ечинмадингиз, кўчалик кийимингиз ва пойабзалингиз билан ўринга келиб ётдингиз. Менимча, бу сизга ёқимли бўлмаса керак. Ботинка кийиб ётган чойшабларингизнинг аҳволини-ку гапирмаса ҳам бўлади...

Жиддий гапирадиган бўлсак, офтальмолог ва контактологларнинг фикри ҳар доим ҳам бир жойдан чиқмайди. Сиз кўзингизга меҳр ва муҳаббат билан ёндашинг, ана ўшанда кўзлар сизга ҳам шундай жавоб қайтаради...

Линзаларнинг тақиши муддатига амал қилиш зарур. Ишлаб чиқарувчи линзанинг бу моделини қайси вақтгача тақиб юриш мумкинлигини ёрлиқда бежиз таъкидламайди. Муддати ўтгач, линзанинг хусусиятлари ўзгаради, намликни йўқотади, тиникилиги бузилади, юзасида кир қатлам пайдо бўлади. Худди шу гаплар эритмага ҳам тааллуқли: уни ҳар куни алмаштириш шарт.

Эрталаб линзани тақаётганда эритмани контейнерда қолдиринг ва уни ўзингиз билан олинг. Агар бирон нима содир бўлса, линзани ечишга тўғри келса, линзага путур етказмай ечасиз ва контейнерига солиб қўясиз. Уйга қайтганингиздан сўнг контейнердаги эски эритмани тўкиб юборинг, янги эритма билан чайиб ташланг, ичига учдан икки қисмини қуйинг-да, сўнгра ечилган ва янги эритма билан чайилган линзаларни солинг. Агар эритма анча олдин очилган, ундан фойдаланмаган

бўлсангиз, кейин борлигини эслаб қолсангиз, фақат битта нарса қилиш мумкин: эски очилган эритмани ташлаб юбориб, янгисини сотиб оласиз. Идишда эритма очилгандан кейин қанча вақтгача ўз хусусиятларини саклаши ёзилган бўлади. Агар муддати ўтган бўлса, эритма стерил ҳисобланмайди, ундан фойдалансангиз, кўзнинг яллиғланишига олиб келади. Кўзларингиз мунтазам соғлом бўлишини истасангиз, линза тақиши тартибига қатъий амал қилинг, кўзларингиз ва шахсий соғлиғингиз учун зиқналик қилманг.

Мабодо, қуидаги белгилар пайдо бўлса, шу заҳоти линзаларни ечинг:

- кўз қизарса;
- кўзда бегона нарса борлигини ҳис қилсангиз ва у ўтиб кетмаса;
- оғриқ турса;
- кўз ёшланса;
- ёруғликдан қўрқсангиз;
- кўздан ажралмалар чиқса;
- қовоқ, шиллик парда ёки конъюнктив шишса ва яллиғланса.

Ўз билганингизча даволанишга киришманг – дарҳол шифокор кўригига боринг, фақат кўз шифокоригина кўзингиз хусусиятларини аниқ белгилай олади!

23-қоида
КОНТАКТ ЛИНЗАЛАР.
ҲИСЛАРДАН КЎЗ ЮММАНГ

Линзаларни тақиши қулай бўлиши масаласи кўп қиррали, шунинг учун офтальмолог фақат ўз мутахассислиги доирасида эмас, балки ҳамма томонлама кўришга мажбур. Контакт линзаларни тақишида нокулайлик пайдо қиласидан сабаблар фойдаланувчининг организми кечадиган объектив ва субъектив жараёнларга, унинг характеристига боғлиқ.

Ташқи муҳитнинг салбий омиллари

Хавода аэрозол, чанг, турли газлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси линзага кириши мумкин ёки линзанинг ифлосланишига сабаб бўлади. Шунинг учун линза тақадиганлар умумий чекиш учун ажратилган хоналарга кирмасликлари, агрессив компонентлар даражаси юқори бўлган ишлаб чиқариш хоналарида бўлмасликлари талаб қилинади. Мабодо тўсатдан кирилса, чанг, тутунли хоналарни тарк этгандан сўнг контакт линзалар дарҳол ювилади;

- кондиционер ва иситкич мосламалар ўрнатилган хоналар, саunalар, кондиционерли ва автопечли автомобиллар, самолёт ва тезюарар поездларда ҳаво намлиги кам бўлади, бундай ерларда асосан қуруқ ҳаво ҳукмрон, бу линзаларнинг дегидратациясига, яъни намликни йўқотишига сабаб бўлади. Агар шундай жойларда узоқ туриб қолинса, албатта, намлантирувчи томчилардан фойдаланиш зарур.

- ҳаво таркибидағи аллергенлар, чанг, ўсимлик чанги, аэрозоллар кўзга салбий таъсир қилиши мумкин. Турли кўринишдаги аллергияга чалинган кишилар ҳар куни алмаштириш мумкин бўлган линза тақиш мумкинми ёки йўқми, буни билиш учун ўзларининг кўз шифокорлагрига учрашиши шарт.

Ички омиллар нима?

Линзаларни тақишидаги кулайлик кўзингиз саломатлигига боғлиқ. Айниқса, кўз ёш ажратадиган аъзолар муҳим аҳамиятга эга. Улар фаолиятининг бузилиши кўз суюклигининг етарли даражада ажralиб чиқмаслигига ва кўз қуриши синдромининг пайдо бўлишига олиб келади. Агар линза тақсанда ўзингизни ноқулай ҳис этсангиз, кўзингизни текширитиринг.

- Ошқозон ва ичак тракти, жигар ҳам кўз ёш аъзолагрига, кўз ёшга ва кўзнинг шиллиқ пардасига бевосита

- Ҳавода аэрозол, чанг, турли газлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси линзага кириши мумкин ёки линзанинг ифлосланишига сабаб бўлади. Шунинг учун линза тақадиганлар умумий чекиш учун ажратилган хоналарга кирмасликлари, агрессив компонентлар даражаси юқори бўлган ишлаб чиқариш хоналарида бўлмасликлари талаб қилинади. Мабодо тўсатдан кирилса, чанг, тутунли хоналарни тарк этгандан сўнг контакт линзалар дарҳол ювилади;

- кондиционер ва иситкич мосламалар ўрнатилган хоналар, саunalар, кондиционерли ва автопечли автомобиллар, самолёт ва тезюарар поездларда ҳаво намлиги кам бўлади, бундай ерларда асосан қуруқ ҳаво ҳукмрон, бу линзаларнинг дегидратациясига, яъни намликни йўқотишига сабаб бўлади. Агар шундай жойларда узоқ туриб қолинса, албатта, намлантирувчи томчилардан фойдаланиш зарур.

- ҳаво таркибидағи аллергенлар, чанг, ўсимлик чанги, аэрозоллар кўзга салбий таъсир қилиши мумкин. Турли кўринишдаги аллергияга чалинган кишилар ҳар куни алмаштириш мумкин бўлган линза тақиш мумкинми ёки йўқми, буни билиш учун ўзларининг кўз шифокорлагрига учрашиши шарт.

- Линзаларни тақишидаги кулайлик кўзингиз саломатлигига боғлиқ. Айниқса, кўз ёш ажратадиган аъзолар муҳим аҳамиятга эга. Улар фаолиятининг бузилиши кўз суюклигининг етарли даражада ажralиб чиқмаслигига ва кўз қуриши синдромининг пайдо бўлишига олиб келади. Агар линза тақсанда ўзингизни ноқулай ҳис этсангиз, кўзингизни текширитиринг.

- Ошқозон ва ичак тракти, жигар ҳам кўз ёш аъзолагрига, кўз ёшга ва кўзнинг шиллиқ пардасига бевосита

таъсир қилади. Бу бир қараашда ғайритабийдек туюлади, аммо ўта мұхим ички омиллар күз саломатлиги ва линзаларни бенуқсон, камчиликларсиз ҳамда ўзини қулай ҳис этиб тақиб юришда бевосита иштирок этади.

- Организмнинг умумий ҳолати ҳам кам аҳамиятли әмас. Уйқуга түймаслик, сурункали чарчоқ, жисмоний фаоллик етишмаслиги контакт линзаларни тақишда нокулайликларни келтириб чиқаради. Күзнинг қизаришига, қичишишига ва қўриш равшанлигининг пасайишига сабаб бўлади.

24-қоида БҮЁҚЛАРДАН ҚЎШИНГ

Контакт линзалар олам гўзалликларини тиниқ қўришингизга ёрдам бериши билан бирга, кўз рангини ўзгартириш хусусиятига ҳам эга. Келинг, бунинг қанчалар мақсадга мувофиқлиги ва хавфсизлиги ҳақида гаплашайлик.

Кўз ранги ҳақида гапирганда, биз оқ кўз ва қизил кўзларни тушунмаймиз (булар конъюнктивит ва бошқа кўз яллиғланишларида пайдо бўладиган белгилар). Балки кўз гавҳарининг ёй пардаси деб аталадиган кўзнинг рангдор пардасини англаймиз. Ёй парда юононча «ирис» сўзидан олинган, маъноси «камалак» ёки Ирида – камалак илоҳаси. Албатта, кўзнинг камалак рангидаги пардаси ҳақиқий камалакнинг ҳамма рангини ўзида акс эттирмайди, аммо оч кулрангдан тўқ жигар рангача бўлган тусларга ўзгаради.

Рангдор парданинг туси наслдан-наслга ўтади. Бу механизм мураккаб бўлиб, уни тушунириш ҳам, тушуниш ҳам осон әмас. Масалан, кўйкўз (тўқ жигар ранг) кишилар нима учун фарзандларининг кўзи мовий рангда экани ҳақида узоқ бош қотиришлари мумкин. Бу камдан-кам бўладиган ҳолат бўлса-да, барибир ҳаётда учраб туради.

Янги туғилган чақалоқларда рангдор парда маълум бир рангга эга әмас – уларнинг кўзи хира кулрангга ўх-

шаш тусда, баъзан хира-мовий рангда бўлади. Ички томонида тўқ қоплама, яъни пигментли эпителий бўлгани сабаб кундузги ёруғлик кўзга тўла кирмайди, кўз юзасида тўла сочилмайди. Ёруғликнинг қисқа тўлқинли кўк компоненти кўпроқ акс этади, натижада янги туғилган чақалоқларда биринчи кундан кўзлари мовий бўлади. Албатта, альбинослар бундан мустасно. Уларда туғилгандан пигментли ҳужайралар бўлмайди, шунинг учун ёруғлик терининг ўта тўқ қаватларига, шунингдек, кўзга ҳам сингиб кетади. Шу хусусиятга кўра, альбинослар ёруғликка жуда сезгир, уларнинг кўзига ёруғлик тўғри тушганда деярли шаффоф кўринади, рангдор парда эса бутунлай ёруғ бўлади. Бола олти ойлик бўлганда, рангдор парда тўла шакланади ва маълум бир генетик рангга киради.

Бола туғилган кунданоқ унинг кўзи кейинчалик қайси рангда бўлишини айтиш мумкин. Агар кўзи оч кулранг-мовий бўлса, демак, қўйкўз бўлади.

Кўплар наҳотки кўз ранги ўзгариши мумкин деган саволни беради. Бу нимага асосланади? Меланин ишлаб чиқарувчи ҳужайралар (меланин – бу пигмент, жигар-ранг «бўёғи», унинг миқдори бизнинг соч ва теримиз рангини белгилайди) ҳаётимизнинг ilk ойларидаёқ сарғиш тусдан жигар рангача бўлган «доғчалар» ҳосил қилиб рангдор парда юзасига тўпланади. Шу тариқа бутун ҳаётимиз давомида сақланадиган кўзимиз ранги шакланади: оч мовий рангдан кўк рангача, яшил рангдан оч ва тўқ жигар рангача. Кўз ранги ҳақидаги тасаввурларимиз рангдор пардаги пигментларнинг миқдорига ва ёритишига боғлиқ тарзда пайдо бўлади. Яшил кўзни кузатганимизда бу фарқни сезамиз, уни микроскоп остида кўрганимизда яшил эмас, мовий рангдор парда эканини кузатамиз, парда юзасида сарғиш-жигар рангдаги доғчалар кўп бўлади.

Кўз рангининг турлича бўлиши ва тарқалиш частотаси инсоннинг қайси мамлакатда яшашига ва аҳолининг

келиб чиқишига боғлиқ. Күпчилик мовий күзлилар Болтиқбүйи ва Скандинавияда яшайды. Дунё аҳолисининг 10 фоизигина мовий күз соҳиби ҳисобланади. Яқин йилларда олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, АҚШда 42 фоиз аҳолининг кўзи мовий тусда, 22 фоизиники қўйкўз, 15 фоизиники яшил, 11 фоизиники эса кулранг-жигар ранг, 10 фоиз аҳоли ўз кўзи рангини аниқлашга қийналган. Кам бўлса-да, ҳаётда кўзи турли – туғилганидан бир кўзи мовий рангда, иккинчиси эса қўйкўз бўлган кишиларни учратиш мумкин. Бу табиатнинг «бебараз эрмаги», унинг инсон организмига ҳам, кўзига ҳам, кўриш ўткирлигига ҳам салбий таъсири йўқ.

Мовий кўзлиларга алоҳида қизиқиш билдирилади. Бундан тахминан ўн минг йиллар аввал одам геноменида мутация содир бўлган (генетик ўзгаришлар). Унда эумеланин деб номланган жигар ранг пигмент ишлаб чиқарилишига масъул ген фаоллиги пасайган. Оқибатда ҳамма мовий кўзли кишилар бир одамнинг авлоди бўлиб чиқади. Улар Яқин шарқда яшашган ёки Қора денгизнинг шимоли-ғарбий қирғозида истиқомат қилишган.

Кўз рангини қандай қилиб ўзгартирса бўлади? Энг хавфсиз ва оғриқсиз усул – рангли контакт линзаларни тақиши.

Оч ва тўқ рангли кўз соҳиблари турлича тусдаги линзаларни тақишлиари кераклигини ёдда тутишлари зарур. Оч тусдаги кўзли кишилар ранг берилган линзаларни, масалан, кулранг-мовий кўзни бинафша рангига айлантирадиганини тақиб кўришлари мумкин. Бу линзалар кўзда билинмайди ва табиий кўринади, кўп ҳолларда самарали ҳисобланади. Бир вақтлар қабулимга бир ёш оила келиб, эр-хотин кўзларининг ранги бир хил бўлишини исташаётганини айтган эди. Бахтимизга, ҳар иккисининг кўзи оч тусда экан. Уларнинг истагини ҳеч бир қийинчилексиз қондириш мумкин бўлди. Агар кўзингиз рангини, масалан, жигар рангдан зангорига ўзгартиromoқчи бўлсангиз, рангли контакт линзалар тақиши

тавсия этилади. Рангли контакт линзаларга рангдор парда бўлиши керак бўлган ранг берилган. Бундай линзалар билан кўз ифодаси ўзгармайди, маълум бурчак остида нур тушганда кўз сунъий ёки протез деган тасаввур пайдо бўлади. Кўйкўзни тўқ кўк ёки яшил тусга ўзартиришга уриниб кўриш анчайин маъқул кўринади, лекин бу яна барибир рангдор парданинг индивидуал тусига боғлиқ бўлиб қолаверади.

Яна шундай линзалар борки, уларга смайл, мушук кўз, вампирлар кўзи шакли ва бошқа тасвиirlар туширилган. Агар улар кўрсатмага асосан, яъни фақат кечаларда тақилса яхши. Мабодо, ҳар куни турлича кўриниш мақсадида тақадиган бўлсангиз, мактаб, олий ўқув юртлари, ишдаги раҳбарият норозилигига сабаб бўласиз. Шунинг учун аввал ишда раҳбариятингиз билан келишиб олиб, сўнг таваккал қилинг. Умуман, бу дидга боғлиқ масала – ҳар бир инсон қандай кўринишга эга бўлишини ўзи ҳал қиласди.

Эҳтиёт бўлинг: энг юқори сифатли линза ҳам кўз учун ёт жисм ҳисобланади. Линза тақишига од қоидаларни ногаҳон бузган тақдирингизда оғир ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бу ҳар қандай байрам ва кечани бузиши табиий (ахир, сиз айнан шунинг учун имижингизни ўзгартирмоқчи бўлгандингиз-ку!), кейин бир неча кун уйда ўтириб даволанишингизга тўғри келади.

Рангли контакт линзалар шоҳ пардада яра, конъюнктивит, кўзнинг қизаришини чақириши ва кўриш асосий функцияларининг бузилишини келтириб чиқаради. Шунинг учун рангли линзалар ва бошқа ҳар қандай сифатдаги исталган контакт линзалар шифокор ёки оптик-контактолог томонидан индивидуал танланиши зарур. Ўз-ўзидан англашиладики, линзаларни маҳсус эритма билан ювиш ва дезинфекциялаш керак. Шунингдек, линзаларни бошқа бирорлар билан алмашиб тақиш, дўстига ёки қариндошига бериб туриш мумкин эмаслиги ҳам тушунарли. Линзаларни тақиб ухлаш,

ишлиб чиқарувчи белгилаган муддатдан ортиқ тақиб юриш тақиқланади.

Бошқа хом ашёдан ясалган рангли линзалар кислородни кам ўтказади ва кўзнинг шикастланишига олиб келади. Шубҳасиз, илм-фан бир жойда тўхтаб қолмайди, доимо ривожланишда, шунингдек, контакт линзалар учун хавфсиз ва қулай бўлишини таъминлайдиган янги материаллар ишилб чиқиш устида тадқиқотлар давом этмоқда. Қолаверса, линза тақищдан олдин шифокорингиз билан маслаҳатлашинг ва унинг кўрсатмаларига амал қилинг.

25-қоида КЎЗ УЧУН ФОЙДАЛИ КОСМЕТИКА

Кўпинча кўзнинг қичишиши пардоз воситасини ишлатиш билан боғлиқ бўлади, аникрофи, унинг таркибидаги ингредиентлар сабаб. Шунинг учун косметика воситасини танлашда нималардан қочиш кераклигини билиш шарт.

Биринчидан, қошларга керакли тарзда ишлов берилади. Қошлар ташқи кўринишишимизда ва кўз ифодамизда муҳим ўрин тутади. Кўпчилик аёллар (эркаклар ҳам) фақат кўз устидаги қошларга пардоз бериш мумкин деб ҳисоблаб, қаншар ҳақида ўйламайдилар, бурун устидаги тукларни кўпинча териб ташлайдилар. Тўғри, қош шакли ва йўналишини ўзгартириб, юз ифодасини кучлироқ ёки заифроқ, яъни инсонни янада очиқ ёки бироз юмшоқ, мулойимроқ инсон қилиб кўрсатиш мумкин. Лекин кескин ўзгартириш йўлларини излаш шарт эмас: турлича кўринишига ёрдам берадиган косметик воситалар билан қошга ишлов берилса бўлди, шу заҳоти ички оламингиз ташингизда зоҳир бўлади. Бунда албатта ёдингизда тутингки, табиат қошни фақатгина чирой учун ато этмаган, юзнинг юқори қисмида жойлашган қош бизнинг кўзларимизни асрашга, тер, чанг, ифлослардан ҳимоя қилишга асосланган. Шунинг учун эътиборли бўлинг: қошни қанча кўп терсангиз, кўзингизга

кириши мумкин бўлган тер, ёмғир томчиси, чанг заррала-рининг кўзга тушиш хавфини шунча орттирасиз ва булар, ўз навбатида, кўзниг қизаришига, шикастланишига, ка-салланишига сабаб бўлади.

Қизиқарли далил

Инсон кўзи атиги еттита рангни ажратса олади: қизил, тўқ сариқ, сариқ, яшил, зангори, кўк ва бинафшаранг. Бундан ташқари, оддий одамнинг кўзи минглаб рангларни ажратса, профессионаллар, масалан, рассомлар миллионлаб рангларни ажратади!

Қовоқ устига суриладиган тенлар – яшил тусдаги тенлардан эҳтиёт бўлинг, унда мис оксиди бўлиб, аллергик реакцияни пайдо қиласади. Кукун ёки упа шаклидаги турли рангли тенлар ҳам

хавфдан йироқ эмас. Теннинг майдагина зарраси кўзга тушади. Контакт линза тақадиган аёлларда жиддий кўз шикастланиши пайдо бўлиб, кўзга қум киргандек бўлади. Контакт линза тақмайдиганларнинг эса кўзига зарралар кириб, кўришда ноқулайлик пайдо қиласади.

Сочилувчан тенлар билан бирга кремсимон тенлар ҳам борки, улар бевосита қовоқ устига сурилади. Кремсимон тенлар таркибида бўёқ модда жуда кам миқдорда, миллиметрнинг мингдан бир қисми тушганда ҳам шоҳ пардага хатари камроқ.

Туш харид қилаётганда эътиборли бўлинг. Киприкни узайтирадиган восита ёки киприкни қалинлаштирадиган тушлардаги қўзғатувчилар ингичка микротолалардан иборат бўлиб, улар киприкка ёпишиб қолади. Ҳамма муаммо мана шунда, бу толалар кўзга тушиши мумкин. Афсуски, ҳатто сувда ёйилмайдиган туш ҳам бу муаммони ҳал этолмайди. Биринчидан, у тез-тез тўкилади, иккинчидан, тушни маҳсус молочко ёки ёғли компонентлардан таркиб топган крем воситаси билан тозалаш мумкин, крем таркиби ҳам кўзга тушиб кўзниг қизаришига, қичишишига сабаб бўлади.

Нима бўлганда ҳам туш танлаётиб, айниқса, линзадан фойдаланадиганлар ёки аллергик реакциядан азијат чекадиганлар косметик восита қадоғи устида таъсирчан кўзлар учун деган ёзувнинг борлигига аҳамият беришлари, қолаверса, туш ҳам офтальмологик синовлардан ўтган бўлиши шарт.

26-қоида
КЎЗОЙНАК ТАҚҚАН АЁЛ: ПАРДОЗ
НОЗИКЛИКЛАРИ

Кўзойнак тақадиган аёлларнинг пардоз қилиши ўзлари истагандай бўлавермайди, улар пардоз ишларини кўзойнакнинг шакли ва гардишига мос тарзда амалга оширадилар. Декоратив косметика ҳам гардишнинг ранги ва материалига мос тарзда танланади. Кўзойнак тақадиган ва пардоз қиласидиган ҳар бир аёл бу борада бир қанча оддий қоидаларни билиши ва уларга амал қилиши керак.

Ҳаммаси сизнинг катталаштирувчи шиша ойнали кўзойнакдан (узоқни яхши кўришни коррекция қилиш учун) ёки кичиклаштирувчи шиша ойнали (яқинни яхши кўришни коррекция қилиш учун) кўзойнакдан фойдаланишингизга боғлиқ. Қандай кучга эга кўзойнак тақишингиздан ва яна ойнасининг қалинлигидан келиб чиқиб, кўзингиз катта ёки кичик кўриниши мумкин. Албатта, кўзойнакда ёруғликни юқори даражада синдириш хусусиятига эга линзалардан фойдаланиш ҳам мумкин, улар кўз ўлчамининг ўзгаришини барқарорлаштиради. Лекин кўзойнакларнинг ўз хусусиятлари билан бирга, узоқни яхши кўрадиган кўзойнак эгалари қовоқ четларига тўқ ранг беришдан ва тўқ рангдаги тенларни суришдан қочишлари керак. Пардоз қилаётганда кипприклар ёпишиб қолмайдиган даражада тен суртинг, акс ҳолда катталаштирувчи кўзойнак шишаси ортидан ҳар бир кипприк толаси шундоқ кўриниб туради ва қаршингиздаги одамда хунук таассурот қолдиради. Қовоқлар учун

мақбул рангларни танлашда майин тусларга ёки тери рангидан бироз түқроқ тусларга эътибор қаратинг.

Минус линзали күзойнак тақадиган аёллар, аксинча, ялтироқ тенлардан ва ёркін ранглардан фойдаланишлари керак. Бу ранглар күзни катта күрсатади ҳамда ойнанинг юқори синиш самарасини кучайтиради. Агар урфга қизиқиб, күнглингиз оқ рангта тортса, у ҳолда бу ранг юқори даражадаги яқинни күришни коррекция қиладиган күзойнакдан фойдаланувчи аёлларга тавсия этилади. Оқ ранг күзни бўрттириб ва катталаштириб күрсатади.

Доимо күзойнак тақсангиз, қовоқлар учун жигар-қаймоқ рангдаги тенларни танлаганингиз маъқул. Кўз учун пардоз қилишда мутахассис билан маслаҳатлашинг ва күзойнакни доимо ёки вақти-вақти билан тақишингизни ҳам албатта ҳисобга олинг.

27-қоида КОНТАКТ ЛИНЗАЛАР ВА ПАРДОЗ ВОСИТАЛАРИ

Ёдингизда бўлсин!

Аввал кўздан линза олинади, сўнг пардоз бўёги тозаланади ва ҳеч қачон линза билан ухлаб бўлмайди. Косметиканинг ингредиентларига эътибор қаратинг.

Офтальмолог ва кўришни контактли коррекция қилиш бўйича мутахассислар декоратив косметикадан иложи борича фойдаланмасликни маслаҳат берадилар. Бунда ҳам айрим

хавфсизлик қоидаларини, чора-тадбирларини билиб, уларга амал қилиш зарурати пайдо бўлади. Айтиш мумкинки, кўз косметикани яхши қабул қиласи, фақат сифатли маҳсулот танланганда ва пардоз воситаси таркибидаги ингредиентларига эътибор қаратилганда! Пардоз воситаларини кўздан тозалаётганда ҳам сифатли воситаларни қўллаш талаб этилади.

Ҳаммамизга аёнки, яхши қилинган пардоз юз чиройини очади, кишининг кайфиятини кўтаради, доимо яхши кўринишда бўлишига ёрдам беради. Пардоз воситасини харид қилаётганда таркибидаги ингредиентлари рўйхатини ўқиб кўринг, улардан кўпи хавфсиздек туюлади назаримизда. Бугунги кунда 8000 дан ортиқ шундай ингредиентлар қатори мавжуд. Мен кўзга зиён қиладиган айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқчиман:

- A / В АНА – альфа-гидроксид кислотаси – кўз аллергиясини келтириб чиқаради;
- Анилин – саратон пайдо қиладиган бўёқ модда;
- Q / R / ST / U / V тиомерсал (линзаларни парваришлишда қўлланиладиган консервант) кўз яллиғланишини келтириб чиқариши мумкин.

Аёлларга жуда муҳим маслаҳат: кўз учун ҳар қандай пардоз воситасини – крем бўладими ёки тозаловчи воситами, тен ёки тушми – уч ойдан ортиқ ишлатиб бўлмайди! Гап тушнинг қотиб қолишида ёки кремнинг сифати йўқолишида эмас, балки кремда шу вақт ичидиа бактериялар уруғлаб кетади. Чиройли қадоқ қутиласида ётиб, урчиш пайтини кутаётган бактериялар шамоллаш, енгил шикастланиш, масалан, кўзга кипприк тушиши каби ҳолатларда кўзда яллиғланишни юзага келтиради.

28-қоида ЁШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАКУЛЯР ДЕГЕНЕРАЦИЯДАН САҚЛАНИШ

Ёш билан боғлиқ макуляр дегенерация (ЁБМД) марказий кўришнинг йўқолишига олиб келади. Макула атамаси лотин тилидан олинган, тўр парда марказидаги 2 квадрат миллиметрлик соҳани англатади. Бу соҳа кўз ўткирлигига масъул. Бошқача қилиб айтганда, бу соҳа «сарик доғ» ҳам дейилади. Бу ерда кўз тўр пардасининг колбочка деб номланган ўта сезувчан ҳужайрала-

ри жойлашган. Сезувчи хужайралар рангни узатади ва тасвир аниклигини таъминлайди. Бу хужайралардаги меъёрий алмашинув жараёни ёш катталашгани сари турли сабабларга кўра бузилади ва тўр парданинг марказий дистрофиясига ёки ЁБМД (ёш билан боғлиқ макулляр дегенерация)га олиб келади.

Касалликнинг иккита тури мавжуд: қуруқ ва нам.

- Қуруқ ЁБМД – деярли 80 фоиз ҳолларда учрайди. Касаллик жуда секин ривожланади. Илк белгилари матн ўқиётганда сезилади. Касалликнинг бошланишида шрифт марказида кулранг ёки липиллаётган доғ пайдо бўладики, бу доғ ҳарфларни беркитиб кўяди, касаллик ривожлангани сари доғ ҳам катталашиб бораверади. Ёш билан боғлиқ макулляр дегенерациянинг муҳим белгиси шуки, кўз ёки бош ҳаракатланганда доғ ўша жойида қолаверади, кўриш майдонидан йўқолмайди.

- Ёш билан боғлиқ макулляр дегенерациянинг нам кўриниши 20 фоиз касалларда учрайди. Қуруқ ЁБМД-дан фарқли ўлароқ, у тез ривожланади ва обьектга қаралганда тўғри чизиқлар қийшайиб, сузуб кетаётганга ўхшайди, марказда хиралашиш пайдо бўлади. Қуруқ ва нам ЁБМД бир-бирига ўтиши мумкин. Олимларнинг ҳисоблашларича, ёш катталашгани сари тўр пардадаги модда алмашинуви, жумладан, макулалар бутунлай йўқолмайди. Улар тўр парда остида тўпланиб, таъсирчан ҳужайраларнинг ўзгариши ҳамда нобуд бўлишига олиб келади. Ўз навбатида, марказий кўришнинг йўқолишига сабаб бўлади.

Шикастланган марказий тўқима атрофидагилар ўзининг функционал имкониятларини сақлаб қолади ҳамда одамга мўлжал олишга ва «ёнламачасига қараш» орқали кўришга имкон беради. Махсус лупалардан фойдаланган ҳолда ҳатто ўқий оладилар ҳам.

Модда алмашинуви интоксикацияси ва ҳужайраларнинг нобуд бўлиши оқибатида юзага келадиган метаболизмнинг бузилиши қуруқ макулляр дистрофиянинг пайдо бўлишига бевосита сабаб бўлади.

Ёш билан боғлиқ нам макуляр дегенерацияга түр пардадаги қон ўтказувчи томирларнинг катталашиб кетиши сабабчидир. Бу томирлар ортиқча эмас, аммо улар түғри ишлай олмайди, томирлардаги намлик эса түр парда остига ўтади ва шиш пайдо қиласди.

Кўзи оч рангли одамлар тўқроқ рангли одамларга қараганда кўпроқ ёш билан боғлиқ макуляр дегенерацияга чалинади. Бунинг сабабларидан бири кўзи тўқ рангли кишиларда меланин пигменти кўп миқдорда, бу пигментлар заарли ультрабинафша нурларини ютади. ЁБМД 50 ўйдан катта кишиларда кўрликка олиб кела-диган сабаблардан бири ҳисобланади.

Ёш билан боғлиқ макуляр дегенерацияни ривожлантирадиган хавфли омиллар қўйидагилар:

- қон босимининг ошиши, қон босимининг тушиши;
- чекиш;
- маълум бета-каротиноидларнинг, жумладан, лютеиннинг кескин етишмаслиги.

Хўш, қандай эҳтиёт чораларини кўриш зарур?

55 ўйдан бошлаб офтальмолог кўригидан мунтазам ўтиш шарт қилинади. Шунингдек, ўзининг кўриш қобилиятини диккат билан кузатиш, бирон ўзгариш сезилган заҳоти вақти йўқлигини, жуда бандлигини баҳона қилмай, зудлик билан шифокорга учраш талаб этилади. Киши кўришда ўзгариш, масалан, кўз олдида қора доғ пайдо бўлганини сезган ҳамоноқ шифокор кўрсатмаси асосида даволанишни бошласа, жараён шунча таз барқарорлашади.

Гап ниманинг яхши кўринишида кетаётгани йўқ, мутлақо, даволанишдан мақсад – кўз ва кўриш қобилиятининг бундан ҳам ёмонлашмаслиги-

Қизиқарли далил

Кўз олтита мушаклар ёрдамида ҳаракатланади. Мушаклар кўзнинг ҳамма йўналишларга қаршида иштирок этади. Шу сабаб биз бир нарса-буюмдан иккинчисига қарай оламиз, улар ўртасидаги масофани аниқлаймиз.

нинг олдини олишдан иборат. Бу тавсиялар ёш билан боғлиқ макуляр дегенерациянинг нам шаклига ҳам таалуқли. Тұғри чизиқларнинг қийшайишини, чаплашиб, «сузиб» кетаётганини сездингизми, дархол офтальмологга мурожаат қилинг! Дистрофиянинг бу шаклида самарали даволаниш имкониятлари мавжуд. Фақат үз вақтида даволаниш орқали тезроқ муваффакиятта эришиш мумкинлигини унутмасанғыз бўлди.

29-қоида ДИАБЕТИК РЕТИНОПАТИЯДАН САҚЛАНИШ

Диабетик ретинопатия – жуда оғир касаллик. Кўз саллигининг бу тури қандли диабет асорати сифатида юзага келади. Бу ошқозоности бези ҳужайраларининг етарли инсулин ишлаб чиқармаслиги билан боғлиқ. Инсулин қондаги қанд миқдорини бир меъёрға келтиради. Диабетик ретинопатия жуда секин, одатда, қондаги қанд миқдори тұғри тақсимланмаганда ва бир сутка давомида бир неча марта катта күрсаткичлар чегарасида ўзгарганда ривожланади. Бошқача диабет билан оғриған ўсмирларда ретинопатия жуда тез ривожланади.

Қандли диабетда тұр парданинг шикастланиши секин кечади, бу томирларнинг шикастланишидан бошланади. Томирлар девори қондаги глюкозанинг мураккаб биокимёвий жараёнлари натижасида ўзининг эластиклигини йўқотади, синувчан, мұрт бўлади, натижада тұр пардани озиқлантириш вазифасини йўқотади. Модда алмашинуви жараёни бузилади, томирларнинг ўтказувчанлик хоссаси ортади, тұр пардага ва кўзнинг бошқа тўқималарига қон қуйилади. Симптомлар секин-аста кўпайиб боради, қон қуйилган ерларда чандиқлар пайдо бўлиб, тұр парданинг нерв тўқимасига халақит қилаади, оқибатда ёруғлик ва ахборот қабул қилиш хусусияти камаяди. Тұр парданинг сенсор ҳужайралари шикастланиш даражасига қараб ахборотни мияга етказиш хос-

сасини йўқотиб боради. Кейинроқ глюкозанинг қондаги миқдори ортиб кетиши нерв тўқималари ва томирларнинг шикастланишини чуқурлаштиради. Тўр пардадаги чандиқлар сони кўпайиб, шишасимон танаачалар билан кўшилиб кетади. Ноқулай ва салбий шароитларда, ма-салан, ийқилганда, кўл ногаҳон кўзга текканда тўр парданинг қалинлашиши содир бўлади. Тўр парданинг қаватланиши кўрликка олиб келадиган оғир касаллиқдир.

Эҳтиёт чоралари: Бу муаммо бутун организмни ишдан чиқаришига қарамай, ҳамон диабетни тўла даволаш усуслари топилмаган. Ишланган муолажа усуллари фақатгина профилактикага йўналтирилган.

Яна шу ҳақда: диабет қанча эрта аниқланса, мижоз қанчалик ўз парҳезига қатъий киришса, ҳаёт тарзида ўзгаришлар қилса, даволовчи шифокорнинг ҳамма кўрсатмаларини бажарса, офтальмолог кўригидан мунтазам ўтиб турса, касалликни барқарорлаштириш имконияти шунча юқори бўлади.

Тўр парда шикастлана бошлаган бўлса, ўз вақтида олиб борилган консерватив даво (тўр пардада қон айланишини, озиқланишини яхшилаш, заарарли моддалар миқдорини нейтраллаш) ёки тўр парданинг лазер коагуляцисини қўллаш (кераксиз ва хавфли томирларнинг кўпайишини тўхтатиш учун) ёрдамида кўриш қобилиятини сақлаб қолиши мумкин.

Мижоз касалликни ўзи барқарорлаштира олади ва шундай қилиши ҳам керак:

- ўз вазнини мунтазам назорат қилиши;
- парҳезли таомларни истеъмол қилиши;
- чекмаслиги, спиртли ичимликлар ичмаслиги;
- қандли диабетда тўр парда шикастланиши билан бирга, кўз гавҳарининг хираллашиши ривожланиши ҳам эрта бошланади (катаракта). Агар тўр парда яхши ҳолатда қолса, у ҳолда катаректани жарроҳлик йўли билан олиб ташлаб, яна илгаригидек кўриш мумкин бўлади.

30-қоида**ТҮР ПАРДАНИ ҚАВАТЛАНИШДАН САҚЛАШ**

Түр парданинг қаватланиши жуда жиддий ҳодиса. Түр парда қаватланганда, түр парданинг ёруғлика сезувчан қавати томирларга эга түқимадан ажралиб қолади. Шундан сүнг сенсор ҳужайралар кислород ва озуқавий моддалар билан бошқа таъминланмайды. Агар тезда жарроҳлик амалиёти ўтказилмаса, ҳужайралар нобуд бўлади. Түр парданинг қаватланганига уч ойдан ошган бўлса, уни даволаб кутилган натижага эришиш мушкул. Меъёрий кўриш қобилиятини тиклаш имконияти қийинлашади.

Түр парда қалинлашганининг биринчи белгиси кўпинча кўз олдида қора ёки кулранг пашшалар учгандек бўлади, узоқларда майда учқунлар кўринади, кейинги босқичларида кўриш майдонидан бирон бир худуд тушиб қолади. Бу белгиларнинг қайси бири пайдо бўлса, зудлик билан офтальмологга учрашинг, ҳаммаси жойида эканига ишонч ҳосил қилинг, лоқайдлик қилиб, ўзи ўтиб кетади деб түр парданинг қалинлашиб кетишига йўл қўйманг.

Түр парда турли сабабларга кўра қаватланади: оғир шикастланиш, диабет, кўз тубидаги ўзгаришлар билан кечадиган турли даражадаги узоқни кўра олмаслик, кўз саратони, жарроҳлиқдан кейинги асоратлар ва бошқалар.

Түр парданинг қаватланиб қолиши зудлик билан жарроҳлик амалиёти ўтказишни талаб қиласди. Қанча эрта аниқланиб, ташхис қўйилса, жарроҳлик шунча муваффақиятли кечади.

Жарроҳлик амалиёти пайтида түр парда ва унинг томирли сирти маҳсус асептик яллигланиш жараёни (инфекция иштирокисиз) ёки лазер ёрдамида бир-бирига уланади. Мижоз кўз саломатлигини тиклаш даврида жарроҳлиқдан сўнг бир неча кун касалхона тартиби-

да сақланади. Уч ой давомида эгилиш, оғир юк кўтариш, оғир жисмоний меҳнат қилиш ва ҳоказолар билан шуғулланиш тақиқланади. Бир қанча вақтгача кўзни шамоллашдан асраш ва қўёш нуридан ҳимояловчи кўзойнак тақиши тавсия қилинади.

Демак, тўр парданинг қаватланиб қолмаслиги учун офтальмолог кўригидан мунтазам ўтиш ва у ёки бу кўз касаллиги аниқланганда ўз вақтида даволаниш керак.

31-қоида КЎЗ ТОМИРЛАРИНИ НОБУД БЎЛИШДАН САҚЛАШ

У ёки бу томирнинг кўз тўр пардасида тиқилиб қолиши (ёки окклюзия) тўқиманинг ҳалок бўлиши ва кўриш қобилиятининг йўқолишига сабаб бўлади. Чунки тўр парда тўқимасига кислород етиб келмайди. Бу вена ёки артерияда тиқинлар ҳосил бўлиши натижасида келиб чиқади. Артерия окклюзиясида тўр парда тўқимаси зааралланганда тўқималарнинг нобуд бўлиши тез содир бўлади.

Веноз окклюзияда эса тўқима артериалга нисбатан кўпроқ. Агар тўр парда марказий вена ёки артерияси тромб билан тўсилган бўлса, бутун тўр пардага зарар етади. Агар битта тармоғи беркилиб қолса, оқибати у қадар оғир эмас. Ҳаммаси қайси тармоқ шикастлангани ва муолажани қанча тез бошлашга боғлиқ.

Адекват даволанмаган мижозларнинг оғриган кўзи кўриш қобилиятини тез йўқотади. Бундан ташқари, окклюзия тўр парданинг кислород билан бирикишига олиб келади, оқибатда эса тўр пардада ҳам, рангин пардада ҳам кўп миқдорда янги томирлар пайдо бўлади. Бу томирларнинг кўпайиб кетиши жуда хавфли: кўз структураси ўзгариб, кўз ичи босимининг ошиб кетишига олиб келади.

Тўр парданинг марказий артерия тромбозида тўр парда зааралнади, тезда кўрликка олиб келади, бундай кўзни даволашнинг иложи йўқ. Агар тўр парданинг марказий артерияси шикастланган бўлса, кўриш қоби-

лияти сақланади, фақат заарарланган соҳага тегишли кўриш майдони ҳудудини кўролмайди.

Кўзда артерия ёки вена окклюзияси ривожланишига нималар омил бўлади?

- қонда холестерин миқдорининг кўп бўлиши;
- юқори қон босими (гипертония);
- қандли диабет;
- ортиқча вазн (семизлик),
- чекиш;
- глаукомалар (кўз босими юқори кўз касалликлари);
- оиласда наслий юрак қон-томир касалликлари;
- жисмоний ҳаракатсизлик;
- томирларнинг яллиғланиш касалликлари;
- қон таркибининг ва қон ивиши тизимининг бузилиши.

Эҳтиёт чоралари: кўздаги томирлар нобуд бўлаёт-ганига шубҳа уйғонган заҳоти тезкор муолажа бошлаш керак. Бир кўзда кўриш қобилияти тўсатдан йўқолганда ҳам дарҳол шифокорга мурожаат қилинади, иложи бўлса, ихтисослаштирилган кўз клиникасига бориб кўз текширувларидан ўтган маъқул. Вена окклюзиясидан сўнг кўриш ўткирлиги пасаяди. Айрим ҳолатларда лазерли терапиядан сўнг кўриш яхшиланиши мумкин, шу билан бирга, баъзан ёмонлашади ҳам. Ҳар иккала ҳолатда ҳам даволаш ишлари давом эттирилади. Муолажалардан кейин офтальмолог назорати остида бўлинади. У кўриш қобилиятини мунтазам текшириб боради. Шифокор томир окклюзиясини чақирган сабабни топишга ва уни бартараф этишга ҳаракат қиласи.

32-қоида ГЛАУКОМАДАН САҚЛANIШ

Глаукома – бутун дунё бўйича кўрликка олиб кела-диган сабаблар ичидаги биринчи ўринда туради. Шикастланиш энг аввал кўриш нервидан бошланади, яъни кўз

ичи босими юқори бўлгани боис касаллик секин ва сезилмасдан ривожланади.

Бу касаллик мижоздан ҳамжиҳатлик ва тартибга риоя этишни талаб қиласди:

- у туз, қаҳва истеъмолини чегаралаши, маҳсус парҳезга риоя этиши;
- бир суткада ичадиган суюқлик миқдорини назорат қилиши (кечасига кўп сув ичиш мумкин эмас);
- қуёш қия тушадиган ерда узоқ вақт ишламаслиги ёки қуёшда бош кийимисиз юрмаслиги;
- узоқни кўришга, аниқроғи, ўқишга мўлжалланган кўзойнаги ўзига мос танланган бўлиши;
- спорт билан шуғулланиши, ҳеч бўлмаганда, эрталабки гимнастика машқларини қилиши ёки кўпроқ пиёда юриши;
- артериал қон босимини назорат қилиши;
- кўрсатилган кўз томчиларини томизиши ёки ёзиб берилган дориларни қабул қилиши керак.

Қон босимини туширадиган томчиларни доим томизиб юриш шарт. Бемор кўзида жарроҳлик амалиёти ўтказилмаган бўлса, умрининг охиригача томчи дорини томизиши лозим. Агар қон босими барқарорлаштирилмаса, кўриш нерв толалари нобуд бўлади. Унда глаукомали мижоз кўзи суратдаги тасвирни худди мозаикани йикқандек кўради, яъни бош ва кўзини ҳаракатлантириб, сурат қисмларини жамлайди, сўнг битта тасвирни ҳосил қиласди. Томчилар қон ичи босимини пасайтиришга ёрдам бермаса, жарроҳлик амалиётини ўтказишга тўғри келади. Кўпчилик жарроҳликдан сўнг кўришим тикланади деб нотўғри фикрга боради. Афсуски, мўъжизалар содир бўлмайди. Жарроҳликдан кўзланган ягона мақсад – кўриш қобилиятини бор ҳолича сақлаб қолиш учун қон босимини пасайтиришдан иборат. Жарроҳлик амалиётидан сўнг кўриш тикланмайди, чунки кўз гавҳари хиралаша бошлайди. Бу ёқимсиз, лекин қўрқиш керак эмас. Зарурат туғилса, хиралашган кўз

гавҳарини олиб ташлаш учун кейинги жарроҳлик амалиёти ўтказилади.

Қизиқарлы даил

Мушук инсон учун керакли ёргулук олти мартаға камайтирилганды ҳам атрофдаги нарса-буюмларни аниқ күра олиши қобилятига эга.

Мушукнинг түр пардасида маҳсус қайтарувчи парда бор. Шу сабаб унинг күзи қоронгига ялтираб туради.

Энг муҳими, күз ичидаги босимни барқарорлаштириш, күриш нервини меъёрдагидек ишлашини, етарлича озуқа олишини таъминлаш лозим. Глаукомада күриш нервнинг функцияларини меъёрий қўллаб-куватлаш учун жарроҳлик олдидан ва ундан кейин, одатда, кўзда қон айланишини, түр парда ва күриш нервининг кислород сингдиришини яхшилайдиган препаратлар билан муолажа қилиш курси тавсия этилади. Яна бир марта эътиборингизни қаратишни истар эдим: глаукомани даволаш ишини умрингиз охиригача давом эттиришингиз керак!

Жароҳатлар – бутун ҳаёти давомида ҳеч ким бундан кафолатланмаган. Оғир шикастланишлар (механик, куйиш, кўзнинг куйиши) кўр бўлиб қолишгача олиб келади. Таваккалига ҳаракат қилманг – ҳаётингиз хавф остида қолмасин, металл ёки учли, ўткир кесадиган буюмлар, кимёвий моддалар билан ишлаётганда эҳтиёт бўлинг! Янги йил арафасида портловчи моддалардан фойдаланманг, мушак отмоқчи бўлсангиз, уларнинг устига энгашманг, яқин масофага келманг, акс ҳолда портлаш натижасида кўзга жиддий жароҳат етиши, энг ёмони, кўздан айрилишгача олиб келиши мумкин.

Кўриш қобилиятининг йўқолишига яна бир сабаб бу – инсульт. Агар тромб миядаги майда қон томирлари йўлида қон ўтадиган йўлни тўсиб кўйса, мия ҳужайраларида кескин кислород танқислиги юзага келади ва мия ҳужайралари ўлади. Миянинг қайси соҳаси шикастланганига кўра, кўриш қобилияти ҳам пасаяди ва ҳатто йўқолади.

33-қоида

АМБЛИОПИЯДАН САКЛАНИШ

Амблиопия ёки «кўролмайдиган кўз» ёки «дангаса кўз» – нима деб аталмасин, моҳияти битта – боланинг бир кўзида кўриш қобилияти яхши, иккинчисида эса турли сабабларга кўра (рефракциядаги катта фарқ, кўз гавҳарининг хирашуви туғма ёки шоҳ парданинг орғаник ўзгаришларсиз хиралашгани) ёмон.

Кўз шунчаки кўришга «ўрганмаган». Яхши кўрадиган кўз ҳамма юкламани ўзига олади, ёмон кўрадигани эса ишлагиси келмай, қотиб қолади. Одамнинг кўриш анализатори қандай қурилганини тасаввур қиласлик. Кўз оддий суратга олиш камерасига ўхшайди, унда атрофи олам маҳсус сезувчан пардада проекцияланади. Тўр парда худди фотоаппаратдагидек атрофни йирик тасвирга олади. Кейин кўриш ахбороти кўзнинг кўриш нервини тарқ этади, бу жараён бош миянинг энса соҳасида рўй беради. Яъни, олдинги кўринган тасвирлар ҳис этилади, боғланади.

Инсон туғилганида кўриш анализатори тўла ривожланмаган бўлади. Боланинг кўриш қобилияти ёруғлини ҳис этиши даражасида баҳоланади. Кейинроқ бориб кўриш ўткирлиги тез кўтарилади, кўриш ўткирлиги боланинг биринчи ойида максимал даражада ривожланиши бошлайди.

Ёш улғайгани сари кўриш функциясининг ўсиш суръати пасаяди. Бола бир ёшга етганда, кўриш ўткирлиги катталар билан солиштирганда 30-40 фоизни ташкил этади, бола беш ёшга тўлганда кўриш ўткирлиги 100 фоизга етади. Унгача бўлган вақтдаги кўриш ўткирлигини окулистлар сенситив (сезувчан) давр деб атайдилар.

Кўриш анализаторининг меъёрдагидек ривожланиши учун атрофи олам, табиат манзараси кўзнинг сезувчан пардаси – тўр пардада акс этиши зарур. Фақат шу тарзда кўзнинг ривожланиши меъёрдагидек кечади. Бошқача

айтганда, күриш шахсий ҳис қилиш тажрибаси орқали ривожланади. Бунинг учун қуидаги шартлар керак бўлади:

- оптик мұхит (шох парда, кўз гавҳари, шишасимон тана) шаффофф бўлиши;
- кўз оптикаси тўр пардада тасвиринг аниқ фокусини тўплаши;
- тўр парда кўриш ахборотини қабул қилиши ва мияга узатиши.

Агар кўриш анализаторининг ривожланиши кўриш тажрибасининг йўқлиги сабаб (илк болалик чоғларида тўр пардада тасвиринг аниқ бўлмаганлиги) бўлмаса, бундай вазият амблиопия ёки «танбал кўз» деб аталади.

Офтальмологлар амблиопияни қуидаги турларга ажратадилар:

Амблиопия – боланинг сенситив ривожланиш даврида депривация (сенситив тажрибанинг йўқлиги) натижасида ривожланувчи оптик коррекцияланмайдиган кўз ўткирлигининг пасайиши.

Офтальмологлар касалликка қуидагича таъриф берадилар: амблиопия – сенситив даврда депривация оқибатида (сенситив малаканинг бўлмаслиги) ривожланган оптик коррекцияланмайдиган кўз ўткирлигининг пасайиши.

Амблиопиянинг бир неча турлари мавжуд: Анизометропик – кўзнинг тасвири синдириш хоссаси сезиларли даражада, масалан, бир кўз 100 фоиз кўрса, иккинчиси узоқни яхши кўрмаса ёки яқинни яхши кўрмаса. Амблиопиянинг бу тури З диоптриядан юқори рефракция фарқида юзага келади. Уч диоптриягача бўлган икки кўз орасидаги фарқни мия қабул қила олади, ундан юқори бўлган фарқдаги ахборотни мия қабул қилишга қийналади, ҳамма юклама яхши кўрадиган кўзга тушади, иккинчиси эса ишлашдан «бош тортади».

Депривацион ёки обскурацион амблиопия – кўриш анализатори оптик мұхитнинг (шох парда, кўз гавҳари, шишасимон танача) шаффофф бўлмаслиги туфайли ри-

вожланмай қолганда юзага келадиган амблиопия. Бу амблиопиянинг энг оғир шакли. Сабаби – кўз гавҳарининг туғма хиралашиши. Кўз гавҳарининг хиралашишига кўп омиллар сабаб бўлади: аммо илк даврда жарроҳлик амалиёти ўтказилса, мунтазам кўзойнак тақилса ёки контакт линзалардан фойдаланилса, ўз вақтида муолажалар қилинса, кўз «тўғри кўришни ўрганади».

Дисбинокуляр амблиопия – ғилайликда ривожлана-ди: мия фақат бир кўздан келадиган ахборотни ўқиди.

Асабий амблиопия (психоген кўрлик) – оғир руҳий шикастланишдан сўнг асорат сифатида юзага келиши мумкин. Одам жазавага тушганда кўриш анализаторлари функциялари бузилади (ёруғликни ҳис этиш, кўриш майдонининг торайиши, ёруғликдан кўркиш ва ҳоказолар)

Рефракцион амблиопия – рефракция бузилиши коррекция қилинмагани сабаб объектлар битта ёки иккала кўз томонидан аниқ фокусланмайди. Бу ҳолатларда кўз оптикаси бузилгани сабаб кўриш анализатори ривожланишдан тўхтаб қолади. Амблиопиянинг бу тури кенг тарқалган. Бунга кўз оптикаси турли меридианлардаги нурни бир хил синдирмаслиги (астигматизм) ёки узоқни яқинни яхши кўролмаслик даражасининг юқорилиги сабаб бўлади.

Кўпинча рефракция камчиликларини йўқотиш ва тасвирни тўр пардага тўплаш учун буюрилган маҳсус кўзойнак тақсан болаларни учратамиз. Агар узоқни яхши кўролмаслик ёки яқинни яхши кўролмаслик юқори бўлса, болага контакт линзаларни тавсия этиш мумкин. Кўзойнак ёки линза тақсанидан қатъи назар, тўр парданинг марказий соҳасини ва кўриш нервини стимуляция қилиш мақсадида аппаратли муолажалар олиб борилади. Шуни ёдда тутиш муҳимки, амблиопиянинг бу турини даволашнинг зарурий муолажа усули кўзойнак тақиши ҳисобланади. Яхши ва ёмон кўрадиган кўзлар ўртасидаги фарқ жуда катта бўлса, яхши кўрадиган кўзойнак ойнаси устига маҳсус қоплама қўйилади. Шунда яхши кўрадиган кўз беркитилади, бола ёмон кўрадиган кўзини «ишлатиш»га мажбур бўлади. Шунингдек, қоп-

лама ёпиштирмай күзойнакнинг ўзи билан коррекция қилиш мумкин, бунда яхши кўрадиган кўз устидаги күзойнак ойнаси кўзниң кўришини пасайтиради, шунда дангасалик қилаётган кўзниң бошқа иложи бўлмай, тасвири кўришга, тўр пардада фокуслашга ва мияга узатишга мажбур бўлади.

Қўйидагиларни эслаб қолиш жуда муҳим

- амблиопияга эрта ташхис қўйилиши даволаниш муддати ва ҳажмини қисқартиради;

- агар бола фақат 10 фоизга кўраётган бўлса, бу унинг хулқида акс этмай қолмайди;
- амблиопияни илк даврларда даволаш самаралироқ кечади (қанча эрта бўлса, шунча яхши);
- амблиопия 12 ёшгача даволанса, муолажа муваффақиятли ўтади. Энг яхши самара 8-9 ёшгача даволангандаги кўринади. Шу билан бирга, бола ва ота-онанинг ҳамжиҳатлиликдаги ҳаракати ижобий бўлса, 12 ёшдан кейин ҳам даволаш самарали кечади.

Катталарнинг (она-оналар, буви боболар) шифокор кўрсатмаларига амал қилишни истамасликлари оқибатида амблиопияни даволаш самараси паст бўлади. Улар кўзойнак тақишини, линзалардан фойдаланишни хоҳлашмайди ёки яхши шифокорни узоқ қидирадилар, ноанъянавий усууллар билан даволанишга уринадилар.

Қизиқарли далил

Психологлар бегона кишилар нимаси билан бизни ўзига жалб қилишини ўргандилар. Маълум бўлишича, уларнинг у ёки бу ҳис-туйгуларни ўрганаётган ялтироқ кўзлари атрофдагиларни ўзига тортар экан.

Йўқотилган вақтида маълум самарага эга бўлишлари мумкин бўлгани ҳолда ота-оналар бу билан фақат қимматли вақтни бой беришади. Кўпчилик кўзойнак кўриш қобилиятини бузади, кўз ўзи мустақил ишлаши керак деб ўй-

лайди. Бу янглиш фикр оғиздан-оғизга ўтиб тарқалган, бу фикр нимага асосланган – ҳеч ким билмайди.

Амблиопия бинокуляр күриш (иккала күз билан тұла күрмаслик) билан бирга кечиши мүмкін, бу инсоннинг меңнат қилиш лаёқатини чеклаб құяды.

34-ҚОИДА УВЕИТДАН САҚЛАНИШ

Увеит – күзнинг томирли пардаси яллиғланиши қасаллиғи. Бу хасталик яхши күролмаслик ва сүқириллик сабаб бўлади (таксминан 25 фоизга). Увеитда дарҳол офтальмологга мурожаат қилиш зарур. Касалликнинг асосий белгилари қуйидагилар: күз олди хиралашади, күриш қобилияти пасаяди (тўлиқ кўрлик бўлиши ҳам мүмкін), күз қизаради, ёруғликдан қўрқиш пайдо бўлади, күз ёшланади.

Увеит бир ёки икки ёқлама, такрорланувчан, яъни, кулай вазият пайдо бўлганда вақти-вақти билан қайталанадиган турларга бўлинади. Қайталанса, оқибатда катаракта, глаукома юзага келади, шишасимон таначанинг хиралashiши, яъни кўришнинг пасайишига олиб келадиган касалликлар ривожланади. Увеитни юзага келтирадиган сабаблар турлича, кўпинча илк сабабини аниқлаш қийин бўлади. Ҳар қандай вазиятда ҳам ЛОР (бурун ички қавати, тонзиллит касалликларининг асорати күз касалликларига сабаб бўлади), стоматолог (кариесга учраган тишларнинг, айниқса, юқори жағдагисининг даволанмагани, пломбаланган тишлар илдизидаги кистогранулемаларнинг ташхис қилинмагани), организмдаги ҳеч бир аъзонинг күз шамоллашига сабаб бўлмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун ёки аксинча, сил, аутоиммун касалликларни, қалқонсимон без ва бошқа кўплаб касалликларни аниқлаш мақсадида терапевт қўригидан ўтиш шарт. Текширув давомида қон, пешоб таҳлиллари ўтказилади, бурун бўшлиғида

ўсимталар бор-йўқлигини, ўпкада ўзгаришларни кўрадиган рентген текширувлари, тишлар пантомограммаси ўтказилади. Кўпинча увеитнинг сабаби учук – герпес, бошқа вируслар ёки инфекциялар бўлиб, булар маҳсус қон таҳлиллари натижасида аниқланади.

Увеитни ҳам ҳар қандай кўз касаллиги каби тезда даволаш зарур. Бир вақтнинг ўзида унинг сабабини аниқлаш мақсадида умумий кўриқдан ўтилади. Яхшиси, маҳсус ихтисослаштирилган кўз клиникасида тиббий кўриқдан ўтган маъқул. Таҳхис қўйилгандан сўнг даволаниш муддати, қандай даволаниш, томчилар билан кифояланса бўладими ёки укол, таблеткалар қабул қилиш керакми – аниқ бўлади.

Албатта, жарроҳлик аралашувини талаб қиласидиган турли асоратлар пайдо бўлиши мумкин. Лекин бу фақатгина текширувлардан кейин маълум бўлади. Қайта таҳлиллар ўтказилади. Офтальмологга қанча эрта мурожаат қилсангиз, қанча ўз билганингизча даволан-масангиз («нима бўлибди, кўзим қизарибди, конъюнктивит бўлса керак. Альбуцид томизсам ўтиб кетади»), яллигланиш шунча тез бартараф этилади ва кўришнинг пасайишига олиб келадиган жиddий асоратларнинг ривожланиш хавфи шунча камаяди.

35-қоида КАТАРАКТАДАН САҚЛАНИШ

Шаффофф кўз гавҳарининг хиралашиши катаректа дейилади. Катаректада кўзга тушадиган ёруғлик, нур тўр пардага тушмайди ва кўзнинг ўткирлиги сусаяди. Бу кўп учрайдиган кўрмасликка олиб келувчи сабабдир. Ҳар бир кишида катаректа бўлиши, кўз гавҳарининг хиралашиши шарт эмас, инсон умрининг охиригача кўриш қобилияти ўзгармай яшаши мумкин. Лекин экологиянинг глобал бузилиши, овқатланиш тартиби, ҳаёт тарзининг ўзгариши, кишиларнинг заарли ишлаб чиқаришларда

мөхнат қилиши, ёмон шароитларда истиқомат қилиши, радиоактив моддаларнинг мунтазам ортиши натижасида катаректадан қийналаётган одамлар сони тобора ортиб бормоқда.

Жаҳон Соғликни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, 20 миллиондан ортиқ киши катаректа оқибатида сўқир бўлиб қолган.

Катаректанинг илк симптомлари нималардан иборат? Агар ёшингиз катта бўлса, кексаларга хос узоқни кўра олмаслик ҳолати сизда ҳеч ҳам таажжуб пайдо қилмайди. Агар узоқни кўра туриб, тўсатдан кўриш қобилияtingиз ўз-ўзидан яхшиланганини ҳис этсангиз, хурсанд бўлишга шошилманг. Катаректанинг бошланишида кўз гавҳари ўз шаклини ўзгартиради, аввалгидан кўра кўпроқ бўртади, шу сабаб узоқни кўра олиш дарожаси «пасаяди».

Яқинни яхши кўришда эса, аксинча, унинг даражаси ортади, узоқни кўришга мўлжалланган кўзойнаклар уни аввал қониқтирган бўлса, энди кўзига мос тушмай қолади ва бундан ҳам кучлироқ кўзойнакларга эҳтиёж туғилади. Кейинроқ булатли кунларга қараганда қуёшли кунларда кўриши ёмонлашади. Кўз гавҳаридаги ёруғликнинг хиралашган тарзда сочилиши кучайиб боради. Хиралашиш, асосан, кўз гавҳарининг марказида бўлади, қуёшда эса қорачиқ тораяди, шунинг учун хиралашган қисми билан кўришга мажбур бўлади. Ҳаво булатли кунларда қорачиқ кенгайганча қолади ва нур тўр пардага камроқ ўзгаришларсиз тушади.

Нима қилиш керак? Кўз тизими меъёрида бўлганда кўз гавҳари, одатда, шаффоф бўлади. Унинг таркибида сув, оқсиllар ва минерал моддалар мавжуд. У кўз ичидаги суюқлик ҳисобига яшайди. Бу суюқликни кўзning ўзи ишлаб чиқаради ва доим кўз гавҳарини юваб туради. Кўз гавҳаридаги хиралашиш бошландими, бу камчиликни бутунлай йўқотишнинг иложи йўқ, фақатгина тўхтатиш мумкин, холос. Ана ўшанда беморда: «Зудлик

билан жаррохлик амалиётини қилдирсаммикин ёки яна бироз кутсаммикин?» деган савол пайдо бўлади. Агар вақтни чўзсангиз, витаминли томчилар томизишингиз керак. Бу томчилар таркибида витаминлар, озуқавий моддалар ва антиоксидантлар бўлиб, улар кўзнинг нафас олишини ва озиқланишини яхшилайди, шу йўл билан хиралашув кучайиб кетишининг олди олинади.

Профилактика мақсадида, яъни катаракта бошланмаслиги учун томчиларни томизиш керак эмас – бизнинг кўз ёшларимиз ва кўз ичи суюқлиги меъёрида ўз вазифасини яхши бажаради. Томчилар эса кўздаги табиий мутаносибликни издан чиқаради.

Кўпинча, катарактани даволашда халқона усуллардан фойдаланса бўладими деб сўрашади. Уриниб кўриш керак, аммо самараси юқори бўлади деб ваъда беролмайман.

1-рецепт. Уч ош қошиқ ёнғоқ барги, бир чой қошиқ майдаланган наъматак илдизи, икки чой қошиқ наъматак гули, унча катта бўлмаган алоэ илдизини олинг, устига 500 мл қайнаган сув қўйинг, бироз дам есин. Сўнг ҳаммаси уйқуга ётишдан олдин ичилади. Даволаниш курси: 1 кун ичилади, 3 кун дам олинади. Бу муолажа 20 марта такрорланади.

2-рецепт. Тухумни қайнатинг, илиқлигига устидан тешик очиб, саригини олинг, ичига 1 чой қошиқ тоза, сифатли асал қўйинг. Тухум тешигини ёпиб, уни музлаткичга 1 суткага қўйинг. Бир кундан сўнг тухум оқи ичидаги асал тиниқ ва тиниқ бўлмаган қаватларга ажralиб қолади. Пипетка билан тиниқ қаватини олинг ва уни янги қайнатган, ичидаги сариги олинган тухум ичига солиб, яна бир сутка музлаткичда сақланг. Эртасига бу вазифа яна такрорланади. Учинчи тухумдан олинган асалли суюқлик қайнаган илиқ сувда 1:4 миқдорда эритилади, яъни 1 қисм асалга 4 қисм дистилланган сув қўшилади. Бунда томчилар музлаткичда 3 кундан ортиқ сақланмайди.

Томчилар кўзга 1 томчидан кунига 5 мартагача томизилади. Агар асалли томчилар кўзни қаттиқ қиздирса, куйдираётгандек бўлса, асал ва сув бирикмасини кўпайтиринг, яъни 1:10 миқдорда, томчилар бир ой томизилгач тўхтатилади. Даволаниш охирига бориб томчи концентрацияси 1:1 ёки 1:2 нисбатгача орттирилади.

3-рецепт. Туятовон, қариқиз ва буквица гиёҳларидан бир хил миқдорда – 4 ош қошиқдан олиб, аралашма устига ярим литр қайноқ сув қўйинг. Дамламани қуёш нури тушмайдиган жойга қўйинг. Икки соатдан сўнг тайёр бўлади. Дамламани кўзингизга кунига уч марта қўйинг. Шу дамламани кўзга бир чой қошиқ қўйиш мумкин.

Катарактани даволаш курси давомийлигини беморнинг ўзи белгилайди, кўриши яхшилангандан сўнг муолажани тўхтатади. Агар аҳволи яхшиланмаса, заарарли оқибатлар бўлмаса, даволанишни 4 ҳафтадан ошириш мумкин.

Асалли томчиларни қандли диабет ва асалга аллергияси бўлган беморларга томизиш мумкин эмаслигини унутманг.

Яна бир қанча халқона усуллар борки, улардан томчи сотиб олишнинг имкони бўлмаган ёки жарроҳлик ўтказишининг иложи бўлмаган вазиятларда фойдаланилади.

Ёдда тутиш зарур бўлган яна бир муҳим нарса шуки, панацея (ҳар қандай касалликдан қутқарадиган восита) бугунгача мавжуд эмас. Олимлар шундай томчилар устида қизғин ишлашмоқда. Аммо улар фақат катарактани тўхтатади ёки кўз гавҳаридаги турли босқичларда бўлган хиралашибни тўхтатади.

Агар иложи борича тезроқ жарроҳлик амалиётини ўтказмоқчи бўлсангиз, кўриш қобилиятингизнинг сезилмас даражада (10-40 фоизга) пасайишини унутманг, аммо бу жарроҳлик ўтказмаслик керак экан дегани эмас. Замонавий технологиялар ривожланган асримизда кўзларимизнинг кўриш қобилиятидан маҳрум бўлгунча кутишга ҳожат йўқ, қолаверса, етилган катарак-

Қизиқарлы даил

Бизнинг кўзимиз наслимиз ҳақида маълумот беради. Масалан, мовий кўзли кишилар кўпроқ шимолий ҳудудларда истиқомат қилишади, жигар ранг кўзлилар эса мўътадил иқлим шароитида, қора кўзли аҳоли экватор ва экваторга яқин бўлган ерларда яшайди.

тада улар ёрдам бермайди, фақат жарроҳга янги услублар билан амалиёт ўтказишга халақит қиласди. Катаракта жуда ҳам етилган ва ҳатто ўтиб кетган бўлса (шунақаси ҳам учраб туради), у ҳолда жарроҳлик асоратлар қолдирувчи эски услубларда олиб борилади. Фақат битта кўзингиз

кўрса, шу битта кўз билан ҳам ҳали кўп ўқийверасиз, кеин нима бўлишини кўрамиз. Ҳар қандай кам асоратли жарроҳлик ҳам нуқсон қолдириши мумкин бўлган таваккалчилликдир. Балки одам бутунлай кўр бўлиб қолиши мумкин, буни ҳеч ким олдиндан айтолмайди. Битта кўз билан кўриш мумкин бўлган тақдирда жарроҳлик амалиётидек жиддий таваккалчилликка боришга ҳожат йўқ!

36-қоида КЎЗИ ОЖИЗЛИКДАН САҚЛАНИШ

Кўпинча одамлардан ўзлари ёки бошқалар ҳақида кўр, сўқир деган гапларини эшитиб қоламиз. Одатда, кундалик сўзлашувда бу сўз кўриш қобилияти сезиларли пасайган кишиларга нисбатан ишлатилади. Аслида кўзи ожизликнинг ўзи нима?

Тажриба ўтказиб кўрамиз: хонага киринг, пардаларни ёпинг, дераза ойнасидан тушмасин биронта ёруғлик, чироқни ўчиринг, кўзингизни юминг ва устидан қора мато билан боғланг. Сиз ҳеч нимани кўрмайсиз. Кўзингиз олдида фақат қоронғилик. Зим-зиё, қоронғилик мана шу бўлади, кўрмаслик ҳам. Инсон ёруғликни қабул қиласлар экан, у кўзларининг кўраётганига бемалол ишонса бўлади. Яъни, кўриш жуда пасаяган, аммо ёруғлик ва

қоронғиликни ажратиши мумкин. Бу жуда оғир вариант. Келинг, кейинроқ бу нарса содир бўлмаслиги учун нима қилишимиз кераклигини кўриб ўтсак.

Буюк Британиялик олимлар қизиқ бир хулосага келишиди. Уларнинг таъкидлашларича, таомномага денгиз маҳсулотларини киритиш аёллар учун жуда фойдали экан. Кальмар, креветка, мидия, краб, саккизоёқ ва бошқа денгиз маҳсулотлари кўриш билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқишидан сақлашга қодир экан. Денгиз маҳсулотларини ҳафтада ҳеч бўлмаса икки марта истеъмол қилиш тавсия этилади. Бундай рацион аёлларга хавф соладиган етук ёшдаги кўрликнинг ривожланишини тахминан икки марта камайтиради.

Гарвард тиббиёт мактаби профессори Уильям Кристен балиқ ва денгиз маҳсулотлари фойдасини улар таркибидаги омега-3 ёғ кислоталарининг мавжудлиги билан изоҳлади. Бу ёғ ёш билан боғлиқ макуляр дегенерацияни бартараф этади. Айнан макуляр дегенерация катта ёшлиларда кўриш функциясининг йўқолишига сабаб бўлади. Макуляр дегенерация тўр парда ҳужайраларининг нобуд бўлишидир.

Маълум қилишларича, доктор Кристен ва унинг ҳамкаслари тажрибалари ўн йил давом этди, тажрибаларда 38 минг нафар аёл иштирок этди. Улар мунтазам денгиз маҳсулотларини ва балиқ истеъмол қилишган, кўриш билан боғлиқ хавф 42 фоизга камайган. Европа мамлакатларида кўзи оқизликнинг кенг тарқалган сабаби бир қанча кўз касалликлари билан боғлиқки, биз улар ҳақида кейинги ўринларда батафсил маълумот берамиз.

Қизиқарли далил

Кўзнинг рангдор пардаси инсон қўйл бармоқ излари каби жуда кам кишилардаги на тақрорланади. Бундан фойдаланишига қарор қилишиди!

Паспортни текшириши билан бирга айрим ҳудудларда инсон шахси унинг кўзидаги рангдор парда орқали аниқланади.

37-қоида

КҮЗНИ СИФАТЛИ ВА МУНТАЗАМ ТЕКШИРТИРИШ

Күриш қобилиятини мунтазам ва сифатли текширтириш – турли күз касалликларидан сақланишнинг энг яхши йўли. Фақат шифокоргина даволаб бутунлай бартараф этиши мумкин бўлган касалликни унинг илк бошланиш даврида аниқлай олади. Күриш қобилиятингиз ёмонлашиб қолишини ёки тасвирлар ёйилиб кетиши ўз-ўзидан ўтиб кетишини кутманг. Ҳозир кўраётганингиз ҳамма нарса устидан кейинчалик қизил парда тортилади ёки кўзингизда оғриқ пайдо бўлади.

Кўз ўткирлигини аниқлаш маълум бир масофадан деталларни фарқлай олишдан иборат. Кўз ўткирлиги катта оралиқлардан, яъни, 5 метр (узоқни кўриш) дан аниқланади, яқинни кўриш ўткирлиги ҳам шундай аниқланади (яқиндан кўриш).

Кўришни текширтириш учун ҳеч қандай тайёргарлик талаб этилмайди. Агар кўзойнак тақсангиз ёки контакт линзалардан фойдаланаётган бўлсангиз, уларни ўзингиз билан олинг, текширув пайтида керак бўлиб қолади. Шунингдек, ўзингиз билан илгари кўзойнак учун ёзиб берилган рецептларни ёки контакт линза қадофини олинг. Мабодо, шифокор ҳузурига контакт линза билан келган бўлсангиз, контейнерини маҳсус эритмаси билан олинг, кўзойнакни ҳам: у ерда линзани ечишга тўғри келади ва кўзойнакни тақасиз. Шифокор кўзойнакнинг кўзингизга мос тушиш ё тушмаслигини аниқлаши зарур.

Шунингдек, яна офтальмологга сизни нима безовта қилаётганини тушунтиришга ҳаракат қилинг, нима учун кўзойнак ёки линза тақишга эҳтиёж сезаётганингизни, кўзингизда қандай ва қайси вазиятларда нокулай белгиларни ҳис этаётганингизни айтинг.

Келинг, шу ўринда кўришни нима учун текширтириш кераклигини муҳокама қилсак. Сабаблари бир қанча бўлиши мумкин:

- күришни коррекция қилишга эхтиёж борми (узоқни ёки яқинни күриш учун сизда күзойннак ёки контакт линзалар тақиши га эхтиёж борми?);

- күзнинг турли касалликларида ўз вақтида даво чораларини күриш учун (масалан, узоқни яхши кўра олмаслик, глаукома, тўр парданинг қаватланиши, диабет, гипертония, ҳомиладорлик ва бошқалар);

- кўзда бирон-бир шикастланиш, тирналиш бўлган бўлса;

- ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш ёки баъзи касбда ишлашга рухсат олиш учун.

Кўзларингизнинг соғлиги – умумий соғлиғингизнинг ифодасидир. Ўз вақтида олиб борилган текширувлар натижасида диабет, юқори қон босими, айрим ҳолатларда ҳатто ОИТС аниқланиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, касалликлар қанча эрта аниқланса, даволаниш самарасига ва муваффакиятига умид шунча кўп бўлади.

Кўз ўткирлигини мунтазам текширитириш шарт. Агар күриш билан у ёки бу муаммолар бўлмаса, у ҳолда ёш билан боғлиқ тарзда күриш қобилиятини маълум бир даврларда назорат қилиш лозим:

- туғилгандан сўнг;
- 6 ойликда;
- 3 ёшда;
- мактабга чиқиш олдидан ва мактаб даврида ҳар йили;

Ёдингизда бўлсин!

Баъзи дорилар кўриш қобилиятига салбий таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун шифокорингизга албатта қандай препараторларни қабул қилаётганингизни айтинг, яхиси, унутмаслик ва чалкаштирмаслик учун номларини, миқдорини қозогза ёзиб олинг.

Кўз ўткирлигини қачон текширитириш керак?

- 19 ёшдан 64 ёшгача бўлган даврда ҳар 2 йилда;
- 65 ёшдан сўнг ҳар йили.

Бу муддатлар тахминий, уларга кўриш билан ҳеч қандай муаммолар бўлмаган пайтда амал қилинади. Мабодо, кўриш ўткирлигига бирон камчиликлар пайдо бўлса, шифокорнинг ўзи қабулига тез-тез келиб туриши тавсия этади.

Одатда, кўриш билан боғлиқ муаммолари ва шикоятлари бўлмаган ёшларда наслий хатарлар бўлмайди, уларга ҳар 3-5 йилда шифокор кўригидан ўтиш етарли.

40-64 ёшлар орасидаги кишиларга кўз ўткирлигини ҳар 2-4 йилда текширириб туриш маслаҳат берилади. 64 ёшдан кейин кўришни текширириш учун ҳар йили ёки икки йилда шифокор ҳузурига борилади. Кишиларнинг офтальмолог қабулига келиши уларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ, шунинг учун шифокорнинг тавсияларига қулоқ солинг. Унинг маслаҳатларига, кўрсатмаларига сўзсиз амал қилинг.

Агар соғлиғингизга ёш билан боғлиқ ёки наслий касалликлар хавф солса, у ҳолда кўзингизни тез-тез текширириб туришингиз шарт.

Агар кўз касаллигига мойиллик йўқлигига ишончингиз комил бўлмаса, шифокор билан маслаҳатлашинг. Ёши катта кишиларда, шунингдек, диабет ва белгилари кўзда намоён бўладиган бошقا касалликлар билан оғриган беморларда хатар кўпроқ бўлади. Бундан ташқари, кўп йиллар олдин кўзга етган жароҳатлар ёки наслий касалликлар вақт ўтгани сайин кучаяди.

Кўз ўткирлиги қандай текшириллади?

Кўз ўткирлигини текшириш учун турли тестлардан – узоқни кўра олиш кўз ўткирлигини кўпинча Головин-Сивцев жадвалидан (офтальмолологлар С.С. Головин ва Д.А. Сивцев номи билан аталган) фойдаланилади. Жадвал 12 та горизонтал ҳарфлар қаторидан ташкил топган. Унинг юқори қисми-

Кўз ўткирлигини текшириш учун турли тестлардан – узоқни кўра олиш кўз ўткирлигига ишончингиз комил бўлмаса, шифокор билан маслаҳатлашинг. Ёши катта кишиларда, шунингдек, диабет ва белгилари кўзда намоён бўладиган бошقا касалликлар билан оғриган беморларда хатар кўпроқ бўлади. Бундан ташқари, кўп йиллар олдин кўзга етган жароҳатлар ёки наслий касалликлар вақт ўтгани сайин кучаяди.

да энг йирик ҳарфлар жойлаштирилган. Ҳар бир қаторда ҳарфлар маълум қоидаларга асосан ўлчами кичрайиб боради. Жадвал деворга илинади, мижоз эса 5 метр узоклиқдаги масофада туради.

Хозирда осма жадвал ўрнига белгиларнинг электрон проекти қўлланилмоқда. Чунки мижозлар жадвалга кўп қараганларидан уни деярли ёдлаб олганлар. Электрон проект ҳарф ёки белгиларни экранда кўрсатади. Мижоз, яъни сиз ҳар бир қатордаги ҳарфларни ўқишиングиз керак. Агар юқоридан 10-қатордаги ҳамма ҳарфларни фарқлай олсангиз, унда сизнинг кўз ўткирлигинги 1,0, яъни кўришингиз меъёрида. Агар мижоз ҳарфларни фақат 9-қатордагисини кўрса, (10-қаторни кўрмайди), у ҳолда кўриш ўткирлиги 0,9, агар 8-қатордан бошлаб кўрса – 0,8 ва ҳоказо.

Аввал ҳар бир кўзнинг кўриш ўткирлиги алоҳида-алоҳида белгиланади (бир кўз кўраётганда иккинчиси беркитиб турилади). Сўнг бирданига иккала кўз билан кўриш ўткирлиги текширилади. Агар мижоз жадвалдаги ёки обьектдаги энг йирик ҳарфларни фарқлай олмаса, шифокор кўриш ўткирлигини текшириш учун бошқа техникаларни қўллайди.

Баъзан ҳарфлар ўрнида оптотип деб номланадиган маҳсус белгилардан фойдаланилади. Оптотиплар турли томонларга ўгирилган (масалан, Ш ўгирилиб Е га айлантирилади), ҳалқасининг бир ери узилган, учи турли томонларга қараган ҳарфлардир. Мижоз ўқишни билмаса ёки текширув унинг она тилида олиб борилмаган тақдирда оптотиплар шифокор ва мижоз учун вазиятни анча юмшатади. Мижоздан кўрсатилган белгини идентификациялаш, ҳарфлар учи қайси томонга йўналганини айтиб бериш талаб қилинади (масалан, Ш нинг учлари қаерга қараган?). Кичик ёшдаги болаларнинг кўз ўткирлиги текширилганда ҳайвонлар, ўйинчоқлар ва бошқа болаларбоп расмлардан фойдаланилади. Текширувдан олдин болани иложи бўлса, жадвалга

яқин олиб келиш, унга асосий объектларни кўрсатиш, номларини тўғри айтиш керак. Чунки бола кўраётган нарсасининг номини ҳамиша ҳам билавермайди (масалан, қуш билан самолётни, балиқ билан қайиқни ва бошқаларни чалкаштириши мумкин).

Яқинни кўра олишни текшираётганда унча катта бўлмаган жадвалдан фойдаланилади, унда бир нечта матн хатбошилари бўлади. Ҳар бир хатбоши турли ўлчамдаги ҳарфлардан терилган. Матн 33-35 см масофа оралиғида туради. Кўриши меъёрида бўлган мижоз матнни ўқий олади.

Агар текширув натижасида кўриш ўткирлигини 1,0 дан паст деб баҳоланса (кўриш ўткирлиги меъёри 1,0 га teng), у ҳолда шифокор офтальмолог кўришнинг пасайиши сабабларини тадқиқ этади – мижознинг рефракциясини текширади.

Хозир кўришга бағишлиланган кўплаб сайтларда кўз ўткирлигини текширадиган тестларни юклаб олиш тавсия қилинмоқда. Масалан, Сивцев-Головин жадвалини юклаб, принтердан чиқариш ва деворга осиб, маълум масофадан ҳарфларни ўқиш мумкин. Одатда, бу ҳаммага бирдек қизиқ бўлса керак, аммо бу икки сабабга кўра фойда бермайди:

биринчидан, уй шароитида кўз ўткирлигини текшириш қўпол, чунки текширув олиб бориш учун мўлжалланган ҳамма шароитларни уйда яратади олмайсиз (ёруғлик, белгилар контрасти ва ҳоказолар);

иккинчидан, кўриш ўткирлигини аниқладингиз ҳам дейлик, қайси кучдаги кўзойнакни тақиши лозимлигини ўзингиз мустақил белгилай олмайсиз. Фақат шифокоргина рефракциянгизни кўриб (синов кўзойнак тўпламидан ёки маҳсус мосламалардан фойдаланиб) аниқлайди. У белгилаган кучдаги кўзойнак ёки контакт линзалар сизнинг кўриш сифатингизни оширади. Шунинг учун вақтингизни ҳам, кучингизни ҳам беҳудага сарфламанг.

Мижоз рефракциясины текшириш – күриш үткірлігінің юқори дарражагача күтариш учун

Рефракцияни текшириш нима?

мижозга күришни коррекция қиладиган күзойнакли линзанинг оптик кучини аниклаш. Рефракцион хатолар ёруғлик нури түр пардада аниқ жамланмай, унинг ёни ва атрофида ёйилганда содир бўлади. Рефракция күзойнак тақадиган ёки контакт линзадан фойдалана-диган мижознинг жадвалдаги ўнинчи қаторни кўрмаган вазиятларда текширилади. Шу билан бирга, периферик кўришни текшириб кўриш учун кўриш майдони ҳам текширилади. Кўриш майдони – нигоҳ маълум йўналишга қаратилганда кўринадиган ҳамма соҳадир. Кўриш майдони марказида жойлашган обьектлар ҳаммасидан аниқ, периферияда эса ёмон кўринади. Агар шифокорда мижоз рангларни тўғри аниқлай олмаяпти деган шубҳа бўлса ёки гап маълум касбга, ишга кириш ҳақида кетса, мижознинг рангларни қандай ҳис этишини текширадиган тестлар үтказилади. Шу тариқа рангларни ажратолмаслик касаллиги (далътонизм) аникланади. Далътонизм – түр парда ёки кўриш нерви касаллиги, бу касаллик наслий бўлиши ҳам мумкин. Далътонизмни аниклашда маҳсус жадваллардан тузилган тестлар үтказилади. Кўряпсизки, кўришни текшириш етарлича мураккаб жараён экан, шунинг учун вақтингизни кетказмай, мустақил нима бўлаётганини аниклайман деб ўзингизга уринманг. Кўзингизни, кўриш қобилиятиңгизни фақат шифокор-офтальмолог ҳузурида мунтазам текширитириб туриңг. Кўришингизда бирон ўзгаришни, қандайдир вазиятларда кўзингизда нокулайлик (узоқни яхши кўрмайдиган, тасвирни аниклай олмайдиган, китобни ўзингиздан узоқ ёки жуда яқин тутиб ўқиётган, ипни нинага үтказишга қийналаётган бўлсангиз) сезсангиз, дарҳол шифокорга мурожаат қилинг.

Кўзойнаклар тарихи ҳақида

Замонавий кўзойнаклар жисмоний камчилик эмас, бу – ҳашам. Уларнинг дизайнни иложи борича такрорланмайдиган, ўзига хос ёки ўта олифтанамо бўлишига ҳаракат қилишмоқда. Ким учундир кўзойнаклар ўқимишлилик, зиёлилик белгиси, яна кимгадир иши ва лавозимини билдиради, шу билан бирга, кўзойнаклар ҳаётий зарур инструмент ҳамдир.

Кўзойнаклар – қимматбаҳо моделлардан тортиб оддий, арzon гардишилари гача – бугунги ҳаётимизга кенг кириб келди, уларни катталар ҳам, кичик ёшдаги болалар ҳам тақишиади.

Кўзни қуёш нуридан сақлайдиган кўзойнаклар аллақачон бозорни эгаллаган, ҳеч биримиз усиз дам олишга боришни тасаввур қилолмаймиз. Кўзойнаклардан турли мақсадларда кенг фойдаланамиз-у, аммо бу миттигина шоҳ асар намунасининг тарихи хаёлимизга келмайди.

Оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ҳикоя, афсона шаклини даги маълумотлар қадимда кўпчилик учун янгиликлар, билим манбай, асоси бўлган ва ёзувнинг пайдо бўлишига туртки бўлган. Ёзма маълумотлар бевосита ва билвосита алмашинувга имконият берган, ёзув инсоният тараққиётининг кувватли импульси бўлди. Сўзсиз, ҳозир ҳам бизнинг замондошларимиз билим олиш учун ўқишни, ёзишини билишлари, саводхон бўлишлари шарт.

Қадимги даврларда кўришни коррекцияладиган буюмлардан фойдаланилмаган. Аммо мустақил тарзда белгиларни ўқий олмаганлар шогирдлари, хизматкорлари ёки қуллари ёрдамидан фойдаланганлари маълум. Буюк олим, сиёsatчи ва ёзувчи Цицерон (эрамиздан олдинги 106-43 йиллар) кўриш ўткирлиги ёмонлашганидан шикоят қилган. Қадимги замонларда ёзиш, матнни ўқиш учун маҳсус силлиқланган шиша мунчоқлар ёки шарчалар ичига сув тўлдирилган, булар ҳарф ва белгиларни катталаштириб кўрсатган, аммо ўқишида бундай

«иҳтиролар»нинг ёрдами у қадар кўп бўлмаган. Араб олими Ибн ал-Хайтам (965-1039 йиллар) ўзининг «Линзалар хазинаси» китобида кўзга ёрдам бериши учун силлиқланган оптик линзаларни ишлатишни таклиф қилган биринчи киши бўлди.

Араб олимининг бу фикри кўп асрлардан кейин, таҳминан 1240 йиллардан сўнг, Ибн ал-Хайтам иши араб тилидан таржима қилингач қўллаб-кувватланди ва Европа руҳонийлари томонидан қабул қилинди. Кўп китоб ўқийдиган, билимларини кенгайтирадиган, диний китоблардан нусха олиб кўпайтирадиган (асосан руҳонийлар)лар кўз ўткирлигининг пасайганидан шикоят қилганлар, уларнинг ўқий олмаслиги ҳақиқатан ҳалокат эди. Руҳонийлар кварцдан ёки тоф биллуридан ўқиш учун дастлабки тошни ясадилар. Бу тошлар асоси силлиқ яримсферали қавариқ бўлиб, уни ҳарфларни катталаштириши учун ҳужжат устига қўйганлар. Тошни ҳар бир сатр устида юргизиш керак бўлгани учун у катта ёшдаги, кекса руҳонийларга қийинчиллик туғдирган. Матнни ўқиб бўлгач, ўзлари ёзган матн устидан ҳам юргизишларига тўғри келган.

Катталаштириб кўрсатувчи шу каби линзалар учун яримқимматбаҳо берилл тоши материал бўлди, Вегули немис тилидан таржима қилинганда кўзойнак деган маънони билдиради. Ундан ўқишда фойдаланишган. Линза ёрдамида катталаштириш тамойили такомиллаштирилди ва Рожер Бэкон (1214–1294 йиллар) томонидан илмий нуқтаи назардан ўрганилди.

XIII аср охирига келиб ўқиш учун мўлжалланган тошни қайта ишлашнинг мураккаб жараёни анча соддлашди: линзаларнинг ўлчами кичиклаштирилди, улар янада силлиқлашди ва атрофига ҳошия қўйилди, кеийинчалик ҳошияга линзани кўз олдида бевосита туриши учун ёғоч ўрнатиш имконияти ҳам пайдо бўлди. Шундан кейин ўқиш осонлашди, чунки кўриш майдони кенгайди ва тасвир ўлчамлари катталашди, бошқа предметларни ҳам кўздан кечириш имкони юзага келди.

Линзалар монокль учун фойдаланилар экан (бир күзга тутиладиган күзойнак ёки дурбин), ҳар иккала күз тасвирни яхши күриши учун унинг конструкцияси (қурилиши)ни ўзгартириш ғояси пайдо бўлди. Диаметри 3 сантиметр бўлган иккита линза ушлаб турувчи мослама (ҳозирги замонавий күзойнак гардиши)га ўрнатилди ва бир-бирига уланди. Шу тариқа ибтидоий күзойнак пайдо бўлди.

Янги ихтиро катта амалдорлар, масалан, доминик руҳонийлари томонидан ҳам юқори баҳоланди. Руҳоний Жордано да Ртвальто 1305 йилда ёзган ўз қайдларида күзойнакнинг яратилиши сўнгги 20 йил ичидаги энг муҳим ва зурурий ихтиролардан бири бўлди, деб тан олган эди. Ўша даврда энг зўр күзойнак Муранода ишлаб чиқарила бошланди, уни машҳур шишадамгарчилик устахоналарида ясашди. Муранолик уддабуролар шишанинг қадрини яхши билишган ва линзани нима учун силлиқлаш зарурлигини тушунишган. 1300 йиллардан бошлаб Мурано устахоналарида ясалган күзойнак узоқ йиллар давомида юқори сифат намунаси бўлиб хизмат қилди. У даврларда ишлаб чиқарилган ҳар қандай күзойнак ҳашамат белгиси эди, уни фақат бадавлат кишилар тақиши мумкин бўлган.

Дастлабки күзойнакларда шишалар бир-бирига тола билан бириккан, кейинроқ металлдан, ёғочдан ёки шоҳдан гардиш ишланди, гардиш нимадан ишланмасин, моҳияти битта – ҳар бир күз күриши учун мўлжалланган иккита шишани битта гардиш орқали ўзаро бириктириш керак эди. Илк күзойнаклар юзда турмас, уларни, албатта, күз олдида ушлаб туриш керак бўлган. Бутамойил кўп йиллар давомида сақланиб қолди. Доимий ишлатиладиган ашё мунтазам мукаммаллаштирилади. Шунингдек, күзойнак ҳам XIV аср иккинчи ярмига келиб металл, ёғоч, суюк ёки шоҳдан қилинган гардишини қулайроқ қилиб ясай бошладилар, шишалар ўзаро ингичка сим билан эмас, қайриладиган «кронштейн» (девор ёки колонкага маҳкамланадиган токча) – қаншар ёрда-

мида бириктирилди. Бу қурилма анча барқарор бўлиб, дизайн учун ўзгартериш имкониятларини яртар эди. Бундан ташқари, кўзойнакни энди кўл билан ушлаб туришга ҳожат қолмади, иккита шиша ўртасидаги бириктирув нокулайлик туғдирмайдиган бўлди: у қаншарда туриши учун кўзойнак маҳсус қайта ишланган тери ёрдамида бириктирилди. Кўзойнак ерга тушиб, шишаси синмаслиги учун эса (у вақтда ҳали қулоқ ортига кийдирладиган қисми ихтиро қилинмаган) унга занжир улаб қўйилди. Шундай қилиб, кўзойнакни сақлаш варианти ўйлаб топилди. Ахир кўзойнаклар жуда қиммат ва у жуда мураккаб усулда тайёрланар эди-да! Кўзойнак шишаси синиб қолса, кўзини алмаштириш қийин бўлган.

XVI ва XVII асрларда кўзойнаклар Испанияда кенг тарқалди. Кўзойнак инсоннинг жамиятдаги ўрнини ва бадавлатлигини билдирган. Иккинчидан, кўзойнак тақишига имкони бўлганлар алоҳида ажralиб турарди. Европанинг бошқа давлатларида эса вазият бироз бошқачароқ тус олди: у ерда кўзойнаклар ёшни ифодалади, айниқса, кўзойнакдан ёши катта эркаклар кўпроқ фойдалана бошлидилар.

XV асрда муҳим ўзгаришлар содир бўлди: унга қадар кўзойнак шишаси фақат жамлаб бериш (плюс) хусусиятига эга эди, кейин яқинни яхши кўрадиганлар учун кўришни коррекциялаш мақсадида сочувчи шиша (минус) линзали кўзойнаклар ишлаб чиқарила бошланди. Ўша вақтлардаги кўзойнакларга таъриф берилганда «бурунда ўтирган» ибораси ишлатилади. Аммо XV асрдан XVI асргacha бўлган даврда қулоғимизга ғалати эшитиладиган «қалпокли кўзойнаклар» модели пайдо бўлди ва фойдаланилди. Бу кўзойнакларда шиша оддий металл қурилмага шундай жойлаштирилди, натижада шиша деярли кўзининг рўпарасида турди. Бунда кўл ишлатилмас, бурунда ҳам гардиш изи қолмасди. Кўзойнакнинг тушиб кетиши ва синиши хавфи камайди.

Ўша даврларда кашф этилган қайчисимон кўзойнаклар тарихи ҳам қизиқарли. Қайчисимон кўзойнакни юзда ушлаб туриш зарур эди, ундан эркакларга қараганда аёллар кўпроқ фойдаланиши. Кўзойнак-қайчиларга худди елпигич-ўйинчоқдек муносабатда бўлинади, бу аёлларнинг ўзига ишончини оширади.

Кўзойнакларнинг эстетик кўриниши у қадар катта аҳамиятга эга бўлмасада, аёл барибир аёллигича қолаверади. Бундан ташқари, аёллар алоҳида жамият қатламига мансублигини билдириш мақсадида кўзойнакни эркакларга нисбатан кам ишлатишган. Қалпоқقا маҳкамланган кўзойнаклар эса ташки кўринишини ва шляпанинг кўринишини бузарди.

Юқорида айтилганидек, монокль – нозик, яхши силлиқланган ўқиш учун мосланган бир тош эди. Иккинчи шишани олиб ва иккинчи кўз билан қараш ўрнига, кишилар қулайлик, услубни афзал билдилар, монокль дастлабки мақсадидан узоқлашиб, урфга кирди. Аввалига линзани кўз олдида тутиб туришган бўлса, XVI асрдан бошлаб юз юқорисида ва юқори қовоқ ўртасида ушлаб туриш урф бўлди. 1800 йиллардан бошлаб замонавий монокль анча катталашди. У қадар сезилмайдиган шишали диск эркаклар учун ҳашамат, давлатмандлик, олий маълумотлилик ва юқори табақага мансубликни ифодалади. Илк моноклларни ишатишда қўл банд бўларди, бу эса юқори табақага мансуб ишламайдиганларнинг алоҳида белгисини намойиш этиш эди. Вақти келиб монокллар соддалашди, улар занжирланган ёки занжирсиз ингичка гардишли линзанинг катта қисмини ташкил қилди. Бу ғоя XV асрда Италияга кириб келди, бу ерда ёғочдан ишланган гардишга боғич бойлашди ва қулоқ ортига маҳкамлашди. Аёлларнинг моноклдан фойдаланиши уларнинг боши очиқлиги белгиси бўлди. Машҳур романнавис Жорж Санд бир қаватли монокл билан нотаниш эркаклар даврасидан ўтганда уларни ҳайратга солган ва таажжублантирган эди.

Аср охирига келиб занжирили монокль ҳарбийлар ва амалдорлар орасида кенг тарқалди. Уни худди қимматбаҳо шляпа ёки қўлқоп каби яхши кўринишга эга бўлиш учун олиб юришган (ундан фойдаланганда юзни бузиб кўрсатган бўлса ҳам). Ўша вақтда моноклдан фойдаланилганда кўз атрофида ажинлар тез шаклланган. Агар ўша моноклдан фойдаланаидиган киши бирон даврада имижини кўрсатиши учун керак бўлмай қолса, уни чўнтақка солған, чўнтақ четида фақат моноклга уланган занжири кўринган. Шляпага уланган «пешона кўзойнак»лардан ҳам шундай фойдаланилди. Кейин уни бурун устига қўндиришди, лекин барибир қулоқ оптига маҳкамлаш ғояси пайдо бўлмагунча юзда мустаҳкам туриш усулини тошишолмади. Кўзойнаклар металдан бўлгани учун металл ҳалқача ясад бошга кийиш ғояси ҳам бўлди. Фақат 1797 йилга келибина мустаҳкамлашнинг иккинчи ғояси таклиф этилди. Оптик Dudley Adams қулоқ оптига ўтказгич ясашни айтди. У, шунингдек, иккала кўз қорачиқлари ўртасидаги масофани ҳисобга олган биринчи киши бўлди. Қорачиқлар ҳисобга олинганда кўзойнакларнинг қулайлиги янада ортар эди. XVIII асрдан бошлаб бугунги кунгача фойдаланаётганимиз кўзойнаклар кундалик турмуш тарзига кирди. Уларни ухлаш учун кўзойнаклар дейишарди, чунки қулоқ оптига ўтказилган кўзойнаклар киши ухлаганда ҳам, бошини энгаштирганда ҳам тушиб кетмасди. Орадан кўп вақт ўтмай турлича усулларда мукаммалаштирилган, ҳақиқатан юзда маҳкам турган мослама юқори босим сабаб юзага келадиган бош оғриқларини тўхтатгани маълум бўлди. Кўзойнаклар тараққиёти бугун ҳам давом этмоқда. Эндилиқда кўзойнакнинг шакли эмас, уларни қандай материалдан ишлаб чиқариш масалалари устида бош қотиришмоқда. Кўзойнаклар кўришга ёрдам бериш билан бирга XX аср ўрталаридан бошлаб аксессуар ролини ҳам ўйнай бошлади.

38-қоида

ЯНГИ КЎЗОЙНАКЛАР СОҒЛИҚ УЧУН ФОЙДАЛИ

Кўриш қобилиятидаги ҳар қандай ўзгариш (яхши томонга, ёмон томонга) кўзойнакларни алмаштиришни талаб қиласди. Агар танланган кўзойнакни тақиш кўришда ноқулайлик пайдо қилса, кўзингизни толиқтириб қўймай дарҳол алмаштиринг. Гардиш шакли ўзгарган ва тирналган линзаларни ҳам тақиш ярамайди. Кўзойнагингида қулай ва яхши кўраётганингизни кузатинг. Узоқни кўриш учун мўлжалланган кўзойнак кейинчалик кўришнинг ёмонлашишига олиб келади деган фикр ҳалигача бор. Аввалгидек ҳисоблашларича, кўзойнак тақиш ташки кўринишни бузадиган жисмоний камчилик эмиш. Йўқ, бундай вазиятда «Мен ҳамма нарсани яхши кўряпман» деган ҳақиқат олдинга чиқади ва кўзойнак тақиш муҳокама қилинмайди. Бунда ҳамма нарсани яхши кўраётган кишининг ўз яқинларини таниш-танимаслиги (юз ифодасини фарқлай олмаслик), автоҳалокатга учраши (нафақат ўзингнинг, балки кўриши ёмон бўлгани учун бошқа бегуноҳларнинг ҳаётини хавфга қўясан), тез толикиши (бутун кучинг бирон нарсани кўришга кетади) энди бошқа масала.

Сифатли ва яхши гардишни сотиб олишнинг имконияти бўлмаган вақтлар ўтиб кетди. Бугун кўришда ҳеч қандай камчилиги бўлмаган кишилар ҳам ўз имижларини ўзгартириш учун ўз услубларига мос гардишларни танлашмоқда. Демак, «Кўзойнак менга ярашмаяпти» деган гап танқидга муҳтож эмас.

Шундай қилиб, биз сиз билан кўриш қобилиятини текширтириш учун бордик ва меъёридан қанча ўзгарганини кўрдик, шифокор сизга узоқни кўриш учун кўзойнак ёзиб берди. Узоқни кўриш учун кўзойнак ўз отидан келиб чиқиб, анча масофа наридаги буюмларни, яъни телевизор кўраётганда, доскадан кўчириб ёзаётганда,

театрда спектакль томошасида, күргазмаларда тақила-ди. Лекин узокни күришга мүлжалланган күзойнаклар яқин масофадаги ишлар қилаётган чоғда – компьютерда ишлаётганды, китоб ёки газета ўқиётганды олиб қўйилади.

Олдинига гардишни танлаймиз. Гардиш енгил, қулай ва юзингизга мос тушиши керак. Қулоққа ёки қаншарга босим бермаслиги, гардиши ва четлари күриш майдонини чегараламаслиги лозим, бошқача айтганда, күзойнак таққанда унинг гардишини кўрмаслигингиз керак. Металл ёки пластик гардишлisisини танлайсизми – бу сизнинг ихтиёриңгиз. Қоидасига кўра, оптикаларда гардиш танлашга ёрдам берадиган тажрибали ходимлар ишлайди, улар сиз гардиш танлаб бўлганингиздан сўнг ойнасини танлашга ёрдам беришади.

Хўш, кўзойнакни танлаб бўдингиз. Аввалига таққанингизда ҳамма нарса яхши кўринади, кейин аллақандай ҳис пайдо бўлади: ё кўзингиз яхши кўрмайди ёки бўлмаса, кўзойнак негадир яхши тушмайди. Ҳар иккала ҳолатдаги вазиятингиз шубҳа-гумонга боришингизга асос бўлади. Олдин офтальмологга учрашинг ва текширувдан ўтинг. Шунда нима учун кўзойнак таққанингизда ўзгариш бўлганини биласиз.

Агар кўришингиз ҳақиқатан ёмонлашган бўлса, ўзингизча бунга қарши курашаман деган бемаъни хаёлга борманг, озгина тақсам кўзим ўрганади, ўтиб кетади деманг. Ўтиб кетишини пойлаб, кўзни толиқтирасиз, шунинг учун кўзингизга мос тушмаган кўзойнакни зинҳор тақманг.

Агар шифокор текширувдан сўнг яна олдинги рецептни ёзиб берса, демак, ҳамма гап кўзойнақда экан. Кўзойнак деформацияланган, тирналган (агар ойнаси билан стол устига қўйилса), ойна устида чанг, хира из бўлиб, нур тарқатиши кучайган. Бу ҳолатларда биз кўзойнакларнинг ўз-ўзидан тўғриланишини кутмасдан, янгисини харид қилишга шошиламиз.

Яна бир марта эслатиб ўтаман: кўзи билан боғлиқ ҳеч қандай муаммолари ёки наслий омиллар хатари

бўлмаган ёшлар ҳар 3-5 йилда текширувлардан ўтишлиари етарли. Агар бирон муаммо бўлса, у ҳолда зудлик билан шифокорга учрашиш ва сабабини аниқлаб, бартараф этишга ҳаракат қилиш зарур.

39-қоида ЯҚИННИ ЯХШИ КЎРА ОЛМАСЛИК ҶАРИЛИК АЛОМАТИ ЭМАС

Яқинни яхши кўра олмайдиган кишилар 50 см дан узоққа қараганларида тинч ҳолатдаги аккомадацияда тасвир тўр пардада аниқ фокусланмайди, чунки бунга кўзнинг оптик кучи етмайди, яъни кўз ички зўриқишиларсиз тасвирни кўролмайди. Кўз гавҳари йиллар давомида зичлашиб боргани сабаб қайишқоқлиги камаяди, илгаригидек ўз оғувчанлигини ўзгартиrolмайди, бу ҳолат матнни ўқишда кўзойнак тақишига эҳтиёж туғдиради.

40 ёшдан ўтган кишилар ихтиёrsиз равишда содир этадиган ва кенг тарқалган яна бир хатолик: ажойиб кунларнинг бирида биз кўлимииз билан ўқиётган китобимизни ўз-ўзидан нарироқ итараётганимизни ёки бошимиз ҳолатини ўзгартираётганимизни сезиб қоламиз, яъни бошимизни матндан узоқлаштирамиз ёки матнни кўзимизга яқин олиб келамиз ёки бўлмаса, негадир ёруғлик этишмаётгандек бўлади. Бу шифокорга кўринишимиz учун жиддий сабаб бўла олади. Демак, яқинни кўриш учун дастлабкиси ҳам, сўнгиси ҳам бўлмаган кўзойнак танлашимиз керак. Ёш катталашгани сари кўз мушаклари заифлашади, уларга плюс шишиали кўзойнаклар ёрдамга келади. Илгарилари бундай ўзгаришлар ҷариллик белгиси ҳисобланар ва айнан ҷариллик билан боғланарди. Кексалик-да деб кўпчилик рецепт олиш ишини кейинга суради ёки кўзойнак тақишига кўрсатма олган тақдирда ҳам бир парча қоғозни чўнтакка соладилару, кўзойнак олиб тақиши ва кўришни яхшилаш ўрнига ҳам масини унутадилар, қўядилар. Шу ерда сизни бироз ранжитаман, ҳам хотиржам қиласман: кўриш яхшилан-

майди – бу бир, күриш қобилияти вақтида муолажа қи-линса, ҳозиргидан ёмонлашмайдио, аммо аввалгидан яхшиланмайди ҳам! Бундан хафа бўлиш керак эмас. Бу ёш билан боғлиқ табиий ўзгаришлар, худди йил мав-сумларида табиат ўзгарганидек. Ахир кузда дараҳтлар сарғайиб тўкилганида хафа бўлиш ҳеч кимнинг хаёли-га келмайди-ку! Биз юксак ишбилармонлик даврида яшаяпмиз, паспортда кўрсатилган ёш кўрсаткичлари-миз бугунги ижтимоий ҳаётда аҳамиятсиз. Бундан анча йиллар олдин 50 ёшга кирган бувиларимиз нафақага чиқиб, фарзандлари ва набиралари учун тикиб, тўкиб ўтиришарди. Ҳозир замондошларимиз 50 ёшда ҳам ёш, кўркам кўринади, улар куч-қувватга тўла, ғайратли, ўз услубига эга, қолаверса, ярашган гардишли кўзойнак уларнинг ҳуснига фақат ҳусн қўшиб, кўркамлик, савлат бағишлайди. Эркакларимиз-чи, 50-55 ёшдаги оталари-миз, акаларимизни кузатинг, услубларини ўзгартириш-ларини кўринг. Бундан қўрқиши керак эмас, ўқиётганин-гизда кўзойнакни доим алмаштиришингиз шарт эмас, бир жуфт кўзойнак олинг, биттасида узоқ ва оралиқни кўрасиз, иккинчисида эса яқинни. Кўзойнаклар қиммат бўлгани боис, бифокаль кўзойнаклардан фойдалансан-гиз ҳам бўлади, улар ҳозир анча мукаммал ишланган, матн ўқигингиз келса узоқни кўришга мўлжалланган кўзойнакни ечиб ўтирмайсиз. Агар компютердан фой-даланмоқчи бўлсангиз, кўзойнак фақат газета ўқишига керак бўлса, камида ҳар беш йилда алмаштириш мум-кинлигини ҳисобга олиб, қулай кўзойнак олинг.

Мабодо яқинни кўриш учун кўзонак тақищдан қоч-сангиз, кичик кўнгилсизликлар бошланади – бош айла-нади, сўнг кўзда оғриқ туради, кўз, қовоқ қизаради, кўз ичи босими ортади. Шунинг учун, ўйлашимча, иккита олтин қоидани эсингизда сақлаб қолинг:

- кўзойнакка эҳтиёж бўлган пайтда кўзойнакни тақинг;
- ўқиганда ёки ишлаганда яқин масофада ноқулайлик ҳис этганингиз замоноқ кўзойнак кучини ўзгартиринг.

Қуёшдан ҳимояловчи күзойнаклар тарихи

Инсон күзининг
үта ёруғ нурга та-
биий сезувчанлиги
қорачиқларининг

торайиши билан белгиланади, кўз қисилади. Қадимги давр олими Плинний ўз ёзма ишларида маълум қилганидек, император Нерон гладиаторлар жангига пайтида кўзини қуёш нуридан ҳимоялаш мақсадида силлиқланган зумрад тошини ишлатган экан.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, илк қуёшдан ҳимояловчи күзойнаклар тахминан 1200 йилларда шарқий Арктикада ишланган экан. Эскимослар кит мўйлови ёки ҳайвонлар суягини гардиш қилиб, гардишга терини торғанлар ва мустаҳкамлаш учун бошларига боғлаганлар. Бу саёҳат ёки ов вақтида кўзни оладиган кучли ёруғлиқдан сақлаган.

Араб солномачиси Ибн ал-Хайтам (965 – 1039 йиллар) шундай ёзади: «Агар кўз ўта ёруғ нурга қараса, бундан кўз шикастланиши мумкин. Агар кузатувчи қуёшга қараса, кейин бошқа нарсага яхши қарай олмай қолади, чунки кўзи қуёш нури таъсирида тиниб кетади».

Тахминан ўн бешинчи юз йилликдан одамлар қуёш нуридан ҳимоялайдиган күзойнакларни тақиши бошлаганлар. Оптик күзойнаклар тадқиқотчиси Альберт фон Пфугк тарихни ўрганиб, қадимда кўк шишали кўзойнакларга қараганда яшил шишали кўзойнаклардан кўпроқ фойдаланишган деган холосага келди.

XVIII асрдан бошлаб қуёшдан ҳимояловчи күзойнаклар кенг фойдаланилди ва бу оммага маъқул келди. 1752 йилда Жеймс Эйскоу кўк ва яшил рангдаги шишали кўзойнакларни қайта ишлади. Бизнинг кунгача турли – яшил, кўк, сариқ ва қизил шишали кўзойнаклар етиб келган. Фақат Хитойдагина кўзойнакларнинг кўпгина намуналари сақланиб қолган, уларнинг ҳар бири санъат асари ҳисобланади.

Кўзойнакнинг ён томонидан кўзга ёруғлик тушмаслиги учун кўзойнак гардишларида терилардан ва матодан

фойдаланишган, 1797 йилдан бошлаб эса инглиз Ричардсон ён томонга құшимча қўйилма – яшил рангдаги шишани үрнатди. Кўзойнакнинг бу кўриниши оммага маъқул келди ва XIX асрнинг ўрталариға қадар мамнуният билан кенг фойдаланилди.

Георг Бартиш ўзининг «Ophthalmodouleia» (Дрезден, 1583 йил) китобида яшил шишани кўришни яхшилаш учун мўлжалланган буюм сифатида таърифлайди. Людвиг Бем (1811 – 1869 йиллар) оғриган кўзларга яшил рангдаги шишали кўзойнак тақишини тавсия қилган. У кобалыт оксиди шишани кўк рангга бўяб, нур интенсивлигини юмшатишга хизмат қиласиди деб ҳисоблаган.

Дастлабки ҳақиқий қўёшдан ҳимояловчи кўзойнаклар савдога «Fieuza», «Hallauer», «Euphos», «Enixantos» номи билан чиқарилган. Кейинроқ, аниқроғи XIX асрнинг иккинчи ярмида швейцариялик шифокор-офтальмолог Альберт Фогт (1879 – 1943 йиллар) ультрабинафша нурларининг, айниқса, кўринмайдиган спектрнинг инсон кўзига заарли таъсирини топди. Шундан сўнг ультрабинафша нурларини ушлаб қоладиган шиша устида қайта ишлаш бошланиб, XX асрнинг 20 йиллариға қадар давом этди. Физик олим Ханс Гартингер (1868 – 1951 йиллар) инсон кўзига қўёш нурининг физиологик таъсирини бешта гурухга ажратди:

- узун тўлқинли (1300 нм) инфрақизил нурлар кўзининг ташки қисмларини заарлайди;
- қисқа тўлқинли (1300 нм ва 760 нм оралиғидаги) инфрақизил нурлар ўта интенсив ёруғлиқда рангдор пардани, кўз гавҳарини ва тўр пардани шикастлайди;
- кўринадиган ёруғлик (760 нм ва 400 нм оралиғидаги) интенсивлиги юқори бўлганда кўзни қамаштиради ва ҳамма нарсани қизил рангда кўришни келтириб чиқаради;
- узун тўлқинли (400 нм ва 314 нм оралиғидаги) ультрабинафша нурлари жиддий шикастлар келтирмайди;
- қисқа тўлқинли (314 нм ва ундан паст нм даги) ультрабинафша нурлари конъюнктив ва шох парданинг шикастланишига олиб келиши мумкин.

Поляризация учун хизмат қиладиган (ёруғликнинг кутбланиши) кўзойнак савдога Иккинчи жаҳон уришидан бир оз олдин кириб келди. Кўпгина тадқиқотлардан сўнг немис ихтирочиси Эрвин Кеземан 1937 йилда дастлабки поляризация учун хизмат қиладиган фильтрни қилди. У ёруғликни ютадиган бўёқларни молекуляр тартибда коллоид пардаларда сақлаб қолди. Молекула параллел жойлаштирилгандан сўнг поляризациялайдиган парда иккита шиша пластинаси ўртасига тортилди. Ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб Polaroid Corporation компанияси бозорга поляризацияланган кўзойнакларни киритди ва улар ҳамон юқори даражада фойдаланиб келинмоқда.

ХХ асрнинг бошларида Шотт фирмаси Umbral маркаси остида күёшдан ҳимояловчи кўзойнакларни 25 фоиз, 50 фоиз, 65 фоиз ва 80 фоиз хиралаштириб (қоронғилаштириб) чиқарди. Bausch&Lomb; Lomb компанияси 1930 йилдан бошлаб күёшдан ҳимояловчи кўзойнаклар туркумини ишлаб чиқарди, жумладан, 1934 йилда ҳозиргача машҳур бўлган капалак моделини яратди. 1937 йилнинг март ойидан Bausch & Lomb; Lomb компаниясидан ҳозир ҳамма биладиган Ray Ban номини олган хиралаштирилган кўзойнаклар ишлаб чиқарувчи тармоғи ажралиб чиқди.

Иккинчи жаҳон уриши тугагандан сўнг кўзойнак ишлаб чиқариш кескин равишда ўсди ва 50 йилларда юқори чўққига чиқди. Ўша даврдан бошлаб тадқиқотчилар күёшдан кўзни тўла ҳимоя қилиш учун фақат сифатлisisini тақиши керак деб қанча кўп таъкидлашмасин, кўзойнаклар нафақат машҳур оптик фирмалар томонидан, балки бошқа кўплаб компаниялар томонидан ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Кейинроқ бориб гардишлар дизайнига ҳам ўзгартиришлар киритилди, улар турли рангларда, турли қалинликда ишланди, қолаверса, кўзойнак линзаларининг ҳам ранги ўзгарди. Улар яримниқоб шаклида – хирадан тортиб, бутунлай қора,

оч қора тусга кирди. Оч тусдагиларни ҳатто иншоот ичидა ҳам тақса бўлади. 1986 йилдан бошлаб ультрабинафшани фильтрловчи юқори сифатли пластик ишланди ва савдога киритилди, унинг физик ва оптик хусуситларига кўра ҳамон ўзгартиришлар киритилмоқда. Яри-мақрилли линзалар ёки минераллардан ишланган шишалар ранг берилган ҳолда

ҳам, шаффоф бўлганлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Агар қуёшдан ҳимояловчи кўзойнакнинг яхши ва сифатлисини сотиб олишни истасак, ёдимиизда сақлашимиз керак: яхши кўзойнаклар 400 нм ва ундан паст узунликдаги (UV-A, UV-B ва UV-C) нурларнинг ўтишидан ҳимоя қиласди, шунингдек, 400 ва 470 нанометр оралиғидаги спектрнинг кўк қисмини камайтиради.

Қизиқарли далил

XIII асрда Хитойда қуёшдан ҳимояловчи кўзойнак тақишининг бошқача анъанаси бўлган – кўзойнакларни судъялар судлаш жараёнida тақшиганд. Улар қорайтирилган шишадан ясалган, судъя иш жараёнida қора қўзойнакни тақсан, шунда унинг кўз ифодасини судланаётган ёки гувоҳлар кўришимаган. Судъянинг кўзи кўринмаган, лекин унинг ўзи ҳаммани кўрган!

40-қоида

ҚУЁШДАН ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН КЎЗОЙНАКЛАР ФОЙДАЛИМИ ЁКИ ШУНЧАКИ УРФ?

Қуёшдан тарқаладиган ультрабинафша нурлари кўз пардасининг шикастланишига олиб келиши мумкин, ҳатто кўпгина касалликларга сабаб бўлади. Унинг миқдори ҳавони ифлослантирувчилар таъсирида кўпаяди. Кўзни тозалаш учун ҳам қуёшдан ҳимоялайдиган кўзойнак керак. Кўзойнак кўзга кирадиагнини ультрабинафша нурларини камида 99 фоизга тўхтатади.

Хамма қүёшдан ҳимоя қилувчи күзойнаклар кучига күра қуидаги категорияларга ажратиласы:

- 0 категорияси – бу шаффофф, тиниқ ёки енгил тус берилген шиша (ёруғлик үтказувчанлиги 100 фоиз);
- 1-категория – енгил тус берилген шиша (ёруғлик үтказувчанлиги 80 фоиз);
- 2-категория – ўртача тус берилген шиша (ёруғлик үтказувчанлиги 43 фоиз);
- 3-категория – кучли тус берилген шиша (ёруғлик үтказувчанлиги 18 фоиз);
- 4-категория – кучли тус берилген шиша (ёруғлик үтказувчанлиги 8 фоиз).

Хозирда хамелеон деб аталадиган замонавий күзойнакни тақиши урф бўлди. Бу күзойнаклар ёруғлик дара-жасига қараб қораяди. Фототроп қүёшдан ҳимояловчи бу күзойнакнинг икки тури мавжуд. Биринчиси секин аста қораяди ва очаради, иккинчи тури эса тез қораяди ва тез очаради.

Яхши ва сифатли қүёшдан ҳимоялайдиган күзойнакларга қандай талаблар қўйилади? Биринчидан, улар 380 нанометргача узунлиқда бўлган ёруғлик нурларини ютиши керак. Албатта, бу талаб хамелеон күзойнакларига ҳам тааллуқли. Шуни ёдда тутиш керакки, ҳар қандай қорайтирилган күзойнак қүёш нуридан автоматик ҳимоя қилавермайди, агар уларда ультрабинафша нурланишдан ҳимоялаш бўлмаса, у ҳолда бундай күзойнакни тақиши билан соғлигимизга катта зарар етказган бўламиз. Сифатсиз қора шиша ортида кўз қорачиги кенгаяди ва ультрабинафша нурлари кўзга яна ҳам кўпроқ үтади, оқибатда кўз гавҳари ва тўр пардага шикаст етади.

Қуёшда кўп юришга тўғри келадиган касб эгалари (курувчилар, далада ишлайдиганлар ва ҳоказолар) ён томонлама ҳимоялайдиган күзойнакни тақишилари зарур, шунда кулоқقا тақадиган ён қисмидан кўзга кўп ёруғлик тушмайди, унинг гардиши қулай бўлиши керак. Никел гардишли күзойнакларни тақишдан қочиш керак,

чунки улар осон деформацияга учрайди, яъни шакли ўзгаради, иккинчидан, кўпинча терида аллергик реакцияларни келтириб чиқаради.

Шишанинг ҳамма тузи ҳам кўзингизни қўёш нуридан ва кўз тинишидан сақтайвермайди. Урфга кирган оч ҳаворанг шиша қўёшдан ҳимояланиш мақсади учун умуман ярамайди. Диоптрияли қўёшдан ҳимоялайдиган кўзойнакка буюртма берадигандан (узоқни кўриш ёки яқинни кўришни коррекция қилувчи) синиш коэффициенти юқори бўлган линзалардан фойдаланиш тавсия этилади, чунки бундай кўзойнак максимал ҳимоялашини таъминлайди. Контакт линза тақадиганлар эса гардишни дикқат билан тўғри танлай билишлари лозим: линза қўёшдан, ультрабинафша, шунингдек, шамол билан киравчи чанг ва ифлослардан сақтай олиши шарт.

Кўзойнаклар ёруғликнинг кўринадиган қисмидан ва кўринмас ультрабинафша ҳамда инфрақизил нурларидан асраши лозим. Ультрабинафша нурланиш ер юзасида шуълаланади ва кучаяди. Ультрабинафша нурларининг кучи йил фасллари, кунга боғлиқ тарзда ўзгаради, шунингдек, ўзгарувчанлик жуғрофий кенглик ва денгиз сатҳидан қанча баландлиқда бўлишига ҳам боғлиқ. Ҳар 1000 метр баландлиқда УБ нурлари кучи тахминан 15 фоизга кучаяди. Қўёш чараклаб турган об-ҳаво шароитида УБ нурлари булутли кун ёки тутунга тўла осмон бўлган шаҳарлардан кўра кучлироқ.

Шундай қилиб маълум бўлдики, конъюнктив, шох парда ва кўз гавҳари ультрабинафша нурлари таъсири остида ўзгириши мумкин экан. Юқори интенсивликдаги нурланиш қуйидаги кўз касалликларини пайдо қиласди:

Қизиқарли далил

Сўзсиз кинофильмлар ишланган даврларда кино юлдузлар қўёшдан ҳимояловчи кўзойнакни мамнуният билан тақишиган, қолаверса, кўзойнак суратга олиш майдонида ёрқин чироқлардан ва қўёш нурларидан кўзларини ҳимоя қилган.

- кўз шиллиқ пардасининг яллиғланиши (конъюнктивит);
- «қорнинг кўз олиши» (фотокератит);
- шоҳ парданинг хиралашиши ёки ундаги дистрофик касалликлар, масалан, птеригиумнинг ривожланиши;
- катарктанинг ривожланиши;
- тўр парданинг ультрабинафша нурларидан шикастланиши.

Юқорида саналган ўзгаришлар кўз учун хавфли, улар пайдо бўлиши билан дарҳол офтальмологга учрашиш керак. Халқимиз айтганидек, ҳар қандай касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал. Шунинг учун фақат сифатли қуёшдан ҳимоя қиласидан кўзойнаклардан фойдаланинг.

Қизиқарли даили

Кор ультрабинафша нурларини қорнинг кирланганлик даражасига кўра 50 фоиздан 85 фоизгача акслантиради, қумда эса тахминан 15 фоиз, сувда 5 фоиз аксланади.

Бу сув омборлари ёнида, соҳилда, қорли ҳудудларда ҳам қора кўзойнак тақиши шарт деганидир.

веради. Кўзойнак тақмаслик ёки арzon, қалбаки кўзойнакларни тақиши кўз учун ўта хавфли. Шунинг учун кўзойнакларни фақат оптикадан сифатлисини харид қилинг. Ахир соғлиғингиз ҳамма нарсадан устун!

Деярли ҳамма замонавий линзалар ультрабинафша нурларидан ҳимоялаш хусусиятига эга бўлсада, линза тақсан тақдирда ҳам барibir кўзойнак тақиши шарт! Линза фақат кўзнинг бирор қисмини ҳимоя қиласиди, қовоқ ва конъюнктив эса ҳимоясиз қолади.

41-қоида

РУҲИЯТИНГИЗНИ АСРАНГ!

Кўпинча мижозлар ўзларининг кўз касалликларини оғир руҳий ҳолатлари билан боғлайдилар. Оғир руҳий кечинма, тушкунлик узоқни яхши кўролмасликнинг кучайишига сабаб бўлганини ўз оғизларидан эшитиб қоламиз. Оғир қайғу, алам чекканларидан сўнг кўзларида катарақта пайдо бўлганини тан оладилар.

Кўпинча шундай ибора юради: «Йиғлайверганимдан кўзимда ёш қуриди», мижоз кўп йиғлаган пайтидан бошлаб кўриш қобилиятининг ёмонлашганини сезади. Орқа увеитнинг ривожланишини кучайтирадиган вазият кўпинча турмуш ўртоғининг ўлими ёки ажримлар, ҳатто кам аҳамиятли бўлган стресслар, яъни ўқишдаги имтиҳон олдидан бўладиган ҳаяжон касалликнинг бошланишига ёки чуқурлашишига қўшимча сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, ички агрессия босими ҳам аутоиммун жараёнларининг ривожланишига «туртки» беради, яъни организм ўзига ўзи қарши курашишни бошлаган жараёнда кўз касалликлари юзага кела бошлайди.

Увеитта психосоматик касаллик сифатида ҳам қарааш мумкин, узоқ пайт стресс ҳолатида юриш организмдаги захираларнинг тугашига олиб келади. Мижоз қизишиш, депрессия ва аутоагressия охир-оқибат бирон нимага дучор қилиши билан бирга бутун организмнинг ҳимояланиш хусусияти ҳам издан чиқишини билиши керак. Мижоз низоли вазиятларда ўзини бошқаролмаслиги мумкин, лекин жиддий вазиятларда ўзини босиб хотиржам тутмаса, оқибатда увеит ривожланади. Шунинг учун психолог ёки психотерапевтга касаллик энди-энди бошланганида муружаат қилинади. Унинг ёрдамида вазият юмшатилади ва даволаниш муваффақиятли ўтади.

Мижозларимнинг бу борадаги тажрибалари битилган мактубларини сизга ҳам ҳавола этмоқчиман.

«Ёшим 57 да, мен мактабда дарс бераман. 1988 йилдан бүён увеитдан қийналаман. Шамоллаш туфайли чап күзим шишасимон таначасининг аҳволи жуда ёмонлашганды күзим ўткирлиги пасайди. Мен жарроҳлик амалиётини ўтказдиришга қарор қилдим – күзимдаги шишасимон танаҷчанинг бир қисмини алмаштиришди. Кейинроқ кўз гавҳари хиралашгани сабаб яна жарроҳлик амалиёти ўтказилди, хиралашган кўз гавҳари сунъий кўз гавҳарига алмаштирилди. Натижада яллиғланышдан тўр парда ва кўз ўткирлигига масъул соҳа шикастланди. Шундан сўнг кўзим ўз функцияларини аниқ бажаролмай қолди. Яхши кўролмаслигим туфайли севгани ишимдан бўшашга тўғри келди.

Нафақага чиққанимдан кейин чуқур депрессияга тушдим ва психологга мурожаат қилдим. Психолог билан ишлаш яна пайдо бўлиб безовта қилишни бошланган чуқур қайғуларим сабабини топишга ёрдам берди, энг муҳими, ўз касаллигимни тушуниш ва кўришга ёрдам берди. Содир бўлаётган воқеликларни қандай бўлса шундайлигича қабул қилишни ўрганганимдан сўнг ўнг кўзим фаолиятини кучайтиридим, касал бўлгунча ўнг кўзим яхши кўрмас эди. Кейин яхши кўра бошлади. Мен чап кўзим ҳаётни қабул қилишни ўрганишга сабаб бўлганидан ва касаллик бошлангунча унча яхши кўрмаган ўнг кўзимдан ҳам миннатдорман.

Хўш, бу ёмон касалликнинг бошланишига нима турткни бўлди экан? 1988 йилда мен жиддий автоҳалокатга учрадим, кўзда яллиғланиш жараёни ўшандан бошланди, лекин шифокорлар буни орадан уч йил ўтгачгина топишган. Унгача ўтган уч йил ичидан мен эрим билан турмуш курган кунимизнинг ўзидаёқ ажрашдим (бу жуда катта қайғу эди мен учун). Ҳозир увеит сабаб бу ҳолатга яна тушдим, лекин психолог сухбатларидан сўнг ҳаётимда яна янги босқич бошланди. К.М.»

Кўряпсизми, кўнгилдаги кучли изтироблар, стресс ҳолати, кўнгил қолишлар, хафагарчиликлар ҳақиқатан

кўз касалликлари ўтишини чуқурлаштиради, аммо бундай ҳолатларда умидни сўндириласлик ва қўл силтаб кўйиш ярамайди – одам муваффақиятларга эришиш учун ўз устида ишлаши керак.

Яна бир мижозимнинг бошидан ўтганлари билан танишинг:

«Менинг ёшим 35 да, увеитдан азият чекаман. Иккала кўзимнинг шишасимон таначаси хиралашган, кўз гавҳарим 10 фоиздан ортиқ кўрмайди. Мен шишасимон таначани алмаштириш бўйича жарроҳлик амалиётини ўтказдим, энди навбатдаги жарроҳлик амалиёти катаракта бўйича ўтади. Кўзимдаги жиддий ўзгаришлар мени ногиронлар қаторига қўшиб кўйди. Боз устига ҳаётга бўлган қизиқишим ҳам бутунлай сўнди. Бунда ҳаётий режаларим барбод бўлганида кўзимни айблайман. Севимли касбимдан айрилдим, ўзимнинг болаларим бўлмайди энди. Тушкунлик ва кўнгил қолиш нафратнинг кучайишига сабаб бўлди: мен кўзларимдан ва барбод бўлган ҳозирги ҳаётимдан нафратланаман! Психолог билан сухбатлардан сўнг ўзимга бўлган ишонч пайдо бўлди, туйфуларимни, ҳиссиётларимни бошқардим. Ўзимни, кўзларимни, бутун оламни айблашни бас қилдим. Ҳозирги кўраётган нарсаларимдан ҳам завқлашишни, қувонишни ўргандим. Ю.С.»

42-қоида
**КЎЗИНГИЗ СОҒЛИГИНИ АСРАНГ,
ҚЎЛ СИЛТАМАНГ!**

Кўриш қобилияти кескин пасайган инсон унга хавф солаётган вазиятни аниқ ва тўғри баҳолай олмайди, у кўпгина соҳаларда ишлай олмайди ҳам. Яқинларининг, атрофидаги кишиларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолади. Буларнинг барига чидаш осон эмас ва бу кишида оғир руҳий муаммоларни, депрессияни келтириб чиқаради.

Кўриш қобилиятини йўқотиш ҳамма кишилар учун ҳаётий имкониятларни чегаралайди. Мўлжални аниқ олиши қийинлашади, адашиб қолмаслик учун фақат ўзи ўзлаштирган йўналишдагина ҳаракатлана олади, жамоатчилик транспортидан, айниқса, йўловчилар оқими кўп бўлган катта шаҳар транспортидан фойдаланиши мушкул.

Кўзи кўрмайдиган кишиларнинг ҳаётини енгиллаштириш учун нималар қилиш керак? Сўқир одам узун таёқ ёрдамида кўчада ва йўл чети йўлакларида мўлжални аниқ ола олади, таёқ ёрдамида тўсиқларнинг узоқ ва яқинлигини, жойлашиш ўрнини белгилайди. Бундан ташқари, атрофидаги кишилар сўқир одамга ҳар доим ёрдам кўрсатишга шошадилар. Махсус ўргатилган кучклар ҳам кўзи ожиз одамга тўсиқлардан ўтишга ва йўлни топишга ёрдам беради.

Брайл шрифти – кўриш қобилияти кескин пасайган ва сўқирлар учун маҳсус яратилган шрифт. Шрифт франциялик Луи Брайл томонидан ишланди, Луи аслида этикдўзнинг ўғли, уч ёшлигига кўзига бигиз кириб кетиб кўриш қобилиятини йўқотган. 15 ёшга тўлганида артиллерия капитани Шарль Барьбе таклифи билан қоронғида ўқиш учун «тунги шрифт»ни ўйлаб топди. Ҳарфларни Брайл шрифтида тасвирлаш учун иккита қаторга уттадан тизилган 6 та нуқтадан фойдаланилади. Брайл шрифтининг бир хусусияти шундан иборатки, матн ўнгдан чапга қараб ёзилади. Сўнг кейинги саҳифа ўгирилиб, ёзилган матн чапдан ўнгга қараб ўқилади. Ёзаётганда нуқталар ўйиб туширилади, бармоқ учлари нуқталар устида юриб, «ҳарфлар» ўқилади. Ёзишда эса матн тескари келади. Мазкур шрифтни ўрганишдаги қийинчилик мана шунда.

Брайл шрифти кўзи ожизларга қўл келсада, унинг бир камчилиги бор: мазкур шрифтга ўгирилган китоблар бугунги китоблардан бутунлай бошқача – катта ва оғир бўлади. Бундай оғир китобларни ўзи билан олиб

юрган күр одамни тасаввур қилиш қанчалар оғир. Күз олдингизга келтириңг: «Уриш ва тинчлик» романини Брайл шрифтида ўқиши истаган одам қандай оғирликтеги китобни күтаришга мажбур!

Аммо илм-фан, технология бир жойда муқим турмайды, корея мутахассислари ўзларининг янги технология соҳасидаги ихтиrolарини – рельеф юзали технологиядан фойдаланадиган электрон китобни таклиф этишди. Одатий компьютерлар мониторинги юзасида тасвири бўртган ҳолда беришнинг имконияти йўқ, бу сўқир кишиларнинг яна ўз брайл шрифтидаги китобларни ўқишига мажбур қилади. Шунинг учун Seon-Keun Park, Byung-Min Woo, Sun-Hye Woo ва Jin-Sun Park кореялик мутахассислар куйидаги концепцияни таклиф этишди: электрофаол полимерларни экран юзида қўллаш ҳисобига қурилма ўз шаклини ўзгартиради ва бўртган нуқталарни, Брайл алифбосини тасвиrlашга ярайдиган рамзларни ҳосил қилади. Натижада электрон китобларни ўқиш учун компакт қурилма пайдо бўлади. Бу одатий босма китобларни ўқиш имкониятидан маҳрум бўлганлар учун жуда қулай ва енгил. Электрон китобнинг бу варианти қайта ишланиш босқичида, аммо биз умид қиламизки, яқин кунларда у миллионлаб кўзи кўрмайдиган кишиларнинг яқин дўстига айланади.

Янги технологиянинг яна бир имконияти матнни оғзаки нутқقا айлантириб беради. Ҳозирда энг яхши замонавий ва классик адабиёт намуналари аудиокитоб тарзида, дискларда ёки MP3 форматида чиқкан, уларни ажойиб ва иқтидорли артистлар ўқиган. Кўзи кўришлар учун ҳатто газета ва журнал мақолаларини ҳам аудивариантларда териш бошланган.

Амалда ҳар қандай стол компьютерини кўриш қобилияти суст бўлган кишилар ҳам ишлаши учун мослаштириш мумкин. Интерфейс модификацияси қурилмаларида экран ёрқинлигини, ранглар гаммасини ўзгартириш, ҳарфларни катталаштириш, овозли сиг-

напларни ишга тушириш имкониятлари мавжуд. Тасвир ўлчами муаммосини эса катта монитор ўрнатиш билан ҳал этса бўлади. Лекин энг тежамкор вариант бу маҳсус – катталаштирадиган ойна дастурини (GipsySoft компаниясининг «Zoom+» ёки Eckard Productions компаниясининг «Zoomer») компьютерга ўрнатишдир. Бундай дастурлар экрандаги фаол ҳудудларни оддий сичқонча ҳаракати билан катталаштириш имконини беради. Компьютердан кўзи ожизлар фойдаланишлари учун эса маҳсус қурилма зарур. Ҳозирда бундай қурилмалар кўпгина ғарб периферий товарлар ишлаб чиқарувчилар томонидан чиқарилмоқда. Аммо уларнинг нархи ногиронлар мустақил сотиб олишлари учун жуда қимматлик қиласди. Кўзи кўрмайдиганларнинг фойдаланадиган асосий қурилмалари бу брайл экранлари ва принтерларидир. Брайл экрани (шунингдек, брайл ёзма матни ҳам дейилади) матнни геркон ва полимер технологияси ёрдамида Брайл алифбосига ўгиради. Қаторлар худди резина тасма кўринишида бўлиб, уларда майда ғуддачалар, яъни Брайл шрифти пайдо бўлиб, яна йўқолади. Матн қатори клавиатура ёнига ўрнатилади ва кўрадиган одам мониторда қандай ишласа, кўр одам компьютерда худди шундай бемалол ишлайверади. Кўрлар учун мўлжалланган баъзи компьютерларнинг (масалан, Baum Elektronic компаниясининг «Давид») умуман одатий экрани йўқ; компьютер жамламасида бор-йўғи клавиатура ва брайл қатори бор. Кўрлар учун принтерлар матнни брайл шрифтида чиқаради, бунда принтер бошчаси бўртган нуқтачаларни босиб чиқаради. Шу каби кўпгина қурилмаларда икки ёқлама белгили тугмалар (одатий босиб чиқаришга ва Брайл шрифти бўйича босиб чиқаришга мўлжалланган) ва овоз функциялари қурилмаси мавжуд. Кўпгина принтерлар босиб чиқариш функциясини тугатгач, хатолик кетганда ёки янги қофоз қўйиш керак бўлганида овоз чиқариб бу ҳақда маълум қиласди. Гарчи матнни териш кўр одамга қийинчилик

туғдирмасада (клавиатурада ёзиш учун уни күз олдида бўлиши шарт эмас), аммо ўқишда кўп ногиронлар матнни эшитиб қабул қиласидиган ва сўзларда ифода этадиган нутқни аниқлаш тизимидан фойдаланадилар. Шу тариқа компьютер айтиб турилганда ёзади ва оддий овозли буйруқларни қабул қиласиди. Муаммо шундаки, бунинг учун юқори тизимлар қаторини таъминлайдиган анчагина қувватли қурилмалар керак бўлади.

Юқорида таъкидланганларга қўшимча қилиб ёдингизга солмоқчиман, кўзи кўрмайдиган кишилар ва яхши кўрмайдиганлар яхши эшитади, яхши эслаб қолади ва тезроқ ишлайди, уларда таъсирчанлик ва ҳис этиш шунчалар кучлики, овоздан ташқи кўринишни аниқлайдилар, умумий

рангини идрок этадилар. Услуб ва ранглар гаммаси бўйича мукаммал асарлар яратадиган кўр модельерлар бор, кўр мусиқачилар ва қўшиқчилар бутун қалбини мусиқа ва қўшиқقا баҳш этган ва ўзимизга, дунёга бошқача кўз билан қарашга ундаган. Орамизда ҳеч ким ҳаётида кўриш қобилиятини, бу олам гўзалликларидан баҳра олишдек буюк неъматни йўқотишни истамайди, инсон олам қанчалар ноҳакликларга, тўсиқ ва ғовларга тўла бўлмасин, ҳаммасини ўз кўзи билан кўришни хоҳлайди. Баҳорнинг яшиллигидан, кузнинг тилла рангидан, қорнинг шаффоғлигию, ёзнинг чиройли гулларидан кўзи қувнайди ва асосийси, дилбандининг жилмайшини, ота-онаси юзидаги хотиржамликни кўриб кўнгли тоғдек кўтарилади.

Қизиқарли даил

*Маълумки, Григорий
Распутин одамлар билан мулокотда ўзлигини намоён қилиши мақсадида кўз ифодасини, қатъийлигини машқ қилган. Император Август эса атрофдагилар унинг кўзida илоҳий кучни илгашларини орзу қилган.*

ХОТИМА

Биз ҳаммамиз деярли бир-биримизнинг оғриқла-
римизни, азобларимизни, қўркувларимизни эшитиши-
миз мумкин бўлган даражадаги аҳоли зич яшайдиган
шаҳарларда, марказларда истиқомат қиласиз. Қўрлик,
сўқирлик ҳаммамиизда бор. Қисман, ўзимизнинг май-
да икир-чикирларимизга, муаммоларимизга ўралашиб
ҳақиқий ҳаётни кўрмаймиз ёки энг муҳим нарсани – ўзи-
миз ва ўзгаларнинг ҳаётини қадрлашни унтиб қўямиз.
Мен муаллиф сифатида ушбу китобда кўриш қобили-
ятини қандай сақлаш мумкинлиги ҳақида баён қилишга
ҳаракат қилдим. Қалб сўқирлигидан қандай қочиш – бу
энди умуман бошқа бир фаннинг предмети.

Хотима ўрнида буюк донишманд Лао-Цзи айтган доно
ўгитни сиз китобхонларга келтириб ўтмоқчиман: «Соғ-са-
ломат юрган пайтингизда бошга қулфат тушган вақтда
қандай чораларни кўриш кераклиги ҳақида ўйланг, чунки
кулфат аҳамиятсиз нарсалардан бошланади».

Тиббий-оммабол нашр

СОГЛОМ КЎЗЛАР УЧУН 36 ВА ЯНА 6 ҚОИДА

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусаҳҳих
Мадина МАҲМУДОВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИХОВ

Компьютерда сақифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: AI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.
Босишга 02.06.2015 й.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.
Босма табоги 4.0. Шартли босма табоги 6.72.
Гарнитура «Arial + Baltica Uz». Офсет қофоз.
Адади 5000 нусха. Буюртма № 122.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриётида тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол қўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 278-30-52; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru

**«Янги аср авлоди» НММ «Саломатлик кутубхонаси»
руқнида қуийдаги янги китобларни нашр этди:**

**«Узоқ умр қоидалари»
84x108 1/32, 88 бет, юмшоқ муқова**

Ҳар бир инсон ўзига яраша бир олам. Унинг ўй-кечинмалари, турмуш тарзи, қарашлари, феъл-атвори, юриш-туриши жамулжамлиқда УМРни ташкил қиласди. Ўша умрни мазмунли ўтказиш баробарида узоқроқ давом этиши ҳам қайсиdir жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Мазкур китобда узоқ умр кўрувчилар ҳаёти билан танишиш асносида узоқ умр кўришда ҳар биримиз учун фойдали бўлиши мумкин қоидалар баён этилади.

**«Умуртқа: мўъжизани асранг»
84x108 1/32, 136 бет, юмшоқ муқова**

Одам танасида умуртқанинг аҳамиятини ортиқча баҳолаш ҳам, камайтириб кўрсатиш ҳам мумкин эмас. Буни худди нафас олишнинг биз учун аҳамияти ҳақида беҳуда тортишишга қиёслаш мумкин. Умуртқа – асосий таянч, тик юриш, ҳаракатчанлик ва мувозанат гарови, шунингдек, соғлом ҳаёт кечиришимиз негизи. Айнан у одамнинг куч-қуввати ва чидамлилигини, ички аъзолари меъёрида ишлашини белгилаб беради. Умуртқани ҳаёт ичида ҳаёт дейиш мумкин. Мазкур китобда умуртқа ҳақида батафсил маълумотлар келтирилиб, уни соғломлаштириш масалалари атрофлича баён қилинган.